

ЖОН БИВЕР

ШАЙТОННИНГ ХҮРАГИ

Хафаликнинг
ҳалокатли тузоғидан
озод яшаш

ЖОН БИВЕР

ШАЙТОННИНГ ХҮРАГИ

Хафаликнинг
халокатли тузоғидан
озод яшаш

МЕНИНГ ЧУҚУР МИННАТДОРЧИЛИГИМ...

Раббийдан сўнг менинг энг ардоқли дўстим бўлмиш турмуш ўртогим Лизага. Сен ҳақиқатан ҳам муруватли аёлсан. Бизларни эр ва хотин қилиб қўшгани учун мен Раббийдан то абад миннатдорман. Бу китобни чоп этишда беғараз ёрдаминг учун раҳмат. Бу лойиҳа ёзид битирилиши учун оталари билан ўтказадиган вақтларини қурбон қилган ўғилларим Адисон, Аустин, Александр ва Арденга. Болалар, сизлар менинг юрагимнинг қувончисизлар.

Чуқур миннатдорчилигим – мазкур номага ишонган ва мени уни чоп этишга руҳлантирган Жон Масонга; қобилияти ва таҳrir қилишда ёрдами учун Дебора Поулалионга; ва мазкур лойиҳада бизлар билан меҳнат қилган Харизма хаузнинг тўлиқ штатига. Энг муҳими, менинг астойдил миннатдорчилигим – бизнинг савомий Отамизга, Унинг таърифлашга тил ожиз инъоми учун; Раббимиз Исо Масихга, Унинг инояти, ҳақиқати ва севгиси учун ва Муқаддас Рухга, мазкур лойиҳа жараёнида садоқатли бошқаруви учун.

Мазкур китоб муаллифдан совға
ва сотиш учун эмас.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Сўз боши..... | 5 |
| Кириш..... | 9 |
| 1. Мен, хафаманми?..... | 15 |
| 2. Кўп хафалик..... | 25 |
| 3. Бу мен билан қандай содир бўлди?..... | 41 |
| 4. Менинг Отам, Менинг Отам!..... | 57 |
| 5. Рухий дайдилар қандай туғилганлар..... | 75 |
| 6. Ҳақиқатдан яшириниш..... | 93 |
| 7. Ишончли пойдевор..... | 109 |
| 8. Қўзғалиши мумкин бўлган ҳамма нарса қўзғатилади..... | 127 |
| 9. Хафалик қояси..... | 149 |
| 10. Бизлар уларни хафа қилмайлик..... | 171 |
| 11. Кечирим: Бермагунингизгача олмайсиз..... | 185 |
| 12. Қасос: Қопқон..... | 203 |
| 13. Қопқонни четлаб ўтиш..... | 219 |
| 14. Мақсад: Ярашиш..... | 233 |

СҮЗ БОШИ

Сиз қўлингизда тутиб турган мазкур китоб – балки ҳаётингиз давомида сиз учратадиган ҳақиқатга энг муҳим қарама-қаршиликдир. Бу китобни мен ёзганим учун бу сўзларни айтаётган эмасман, балки унинг мавзуининг моҳиёти учун айтяпман. Ҳафаликнинг манбаи –шайтоннинг хўрагининг ўзаги бўлиб, у кўпинча энг қийин тўсиқдир ва ҳар бир киши унга шахсан дуч келиши ва уни енгиб ўтиши керак.

Исо Масихнинг шогирдлари жуда қўп буюк ва диққатга сазовор мўъжизалар ҳақида гувоҳлик беришди. Улар ҳайрат билан кўр кўзларнинг очилишини ва ўликларнинг тирилишини қўрдилар. Улар Иса Масихнинг ҳаётга таҳдид солувчи довулга жим бўл деб буюрганини эшитдилар. Улар минглаб одамларнинг бир неча нон ва балиқчалар билан тўйдирилганини қўрдилар. Исо Масих қилган мўъжизаларнинг сони шу қадар чексиз эдики, Муқаддас Ёзувнинг айтишига кўра – бутун дунёдаги китоблар уларни сиғдира олмайди. Ҳеч қачон илгари одамзод Худонинг мўъжизавий қўли ҳақида бу қадар қуюндек куйиладиган ҳамда сезиларли йўл билан гувоҳлик берган эмас эди. Шогирдлар ҳайратланиб ва лол бўлиб қолган бўлсалар ҳам, уларни шубҳа қирғоғига олиб бориб қўйган нарса – бу мўъжизалар эмас эди. Йўқ, бундай даъват кейинроқ, Исо Масихнинг ерлик хизмати хотимасига яқинроқ вақтда келади. Исо Масих шогирдларига деди: ”Агар биродарларингиз кунида етти марта сизга қарши гуноҳ қилса ва кунига етти марта: “Мен тавба қилдим”, - деб сизнинг олдингизга келса, сиз уни кечиришингиз лозим”. Уларнинг зудлик билан берган жавоблари: “Имонимизни

кўпайтиргин” бўлди (Лқ17:3-5). Мўъжизалар, ўликларни тирилтириш ёки денгизни тинчлантириш – имонни кўпайтириш ҳақидаги ўтинчга сабаб бўлмади; балки сизга қарши нотўғри муносабатда бўлган одамларни кечириш ҳақидаги оддий амр.

Исо Масих: “Хафаликларнинг келмаслиги мумкин эмас”,- деди (Лқ.17:1). Гап хафа бўлишга сабаблар бўлмаслиги ҳақида эмас, балки сиз уларга қандай жавоб беришингиз ҳақида. Афсусланарли факт шундан иборатки, баъзилар эмас, балки кўпчилик хафа қилинган ва асирикда тутилмоқда.

Бу китоб чоп этилаётганига ўн йил бўлмоқда. Бу вақт мобайнида бизлар алоҳида шахслардан, оилалардан ва хизматлардан –улар бу китобдаги Худонинг Сўзи ҳақиқатлари воситади шифо топгандарни ва ўзгарганлари ҳақида сон-саноқсиз хатлар ва кўплаб гувоҳликлар олдик. Бизлар сизларни руҳлантириш учун булардан намуна илова қилдик. Буларнинг барча учун бизлар қувонамиз ва бор шарафни Худога берамиз!

Бир етакчи ўртоқлашди: “Бизнинг жамоатимиз катта бўлинишнинг ўртасида эди. Бу умидсиздек туюлар эди. Мен “Шайтоннинг хўраги”дан, бир нусхадан ҳар бир хизматчига бердим. Бўлиниш четлатилди ва бизлар ҳозир бирликдамиз!”

Кўплаб оилалар сақлаб қолинди. Кейинги кунларда, Небраска-да воизлик қилганимдан сўнг, бир оила менинг олдимга келди. Хотини гуноҳини эътироф этди: ”Мени ўн йил олдин шу жамоатнинг хизматкорлари хафа қилган эдилар. Мен аччиқландим ва шубҳаланувчи, доимо ўзимни ва мавқеимни ҳимоя қиладиган бўлиб қолдим. Менинг оғриғимдан менинг оиласам ҳам азобланди ва менинг эrim мен билан ажралиш жараёнида эди. У нажот топмаган эди ва жамоатда қиладиган иши йўқ эди. Кимдир “Шайтоннинг

хўраги”нинг бир нусхасини менинг қўлимга тутқазди. Мен уни ўқиб чиқдим ва кам вақт ичида хафалик ва аччиқланишдан тўлиқ озод бўлдим. Менинг эрим менинг ҳаётимдаги ўзгаришларни кўрганида, у ўзининг ҳаётини Исо Масиҳнинг бошчилигига топширди ва ажralиш жараёнини тўхтатди”. Эри жилмайиб, хотининг ёнида турар эди. Аёл бўлишишни тугатганидан сўнг у ҳаётидаги ва уйидаги ажойиб ўзгаришлар ҳақида гувоҳлик берди!

Мен Флоридадаги Нэпл шаҳрида воизлик қилган вақтимдаги гувоҳлик менинг юрагимга қадалди. Мен сўзлашни бошлашимдан озроқ вақт олдин семиз, ўрта ёшлардаги бир киши жамоат қарисида турди ва ўзининг фожеавий хикоясини йифлаб сўзлаб берди: “Менинг буту ҳаётим давомида мен ва Худо орасида девор бордек туюлар эди. Мен бошқалар Худонинг хузурини ҳис қилаётган йиғинларга қатнашар эдим, бу вақтда мен ҳаммадан ажralган ҳолда қотиб қараб тураверар эдим. Ҳатто мен ибодат қилганимда ҳам енгиллик ҳам, Худонинг хузурини ҳам сезмас эдим. Бир неча ҳафта олдин “Шайтоннинг хўраги” китоби менинг қўлимга тушиб қолди. Мен уни тўлиқ ўқиб чиқдим. Мен бир неча йил олдин шайтоннинг хўрагини ютиб қўйганимни англадим. Мен олти ойлик бўлганимда мени ташлаб кетгани учун ойимдан нафратланар эдим. Мен унинг олдига бориб, уни кечиришим кераклигини тушундим. Мен қўнғироқ қилдим ва ўттиз уч йил давомида иккинчи мартагина у билан сухбатлашдим. Мен йиғладим: “Ойи, мени ташлаб кетганингиз учун менинг қалбимда сизга нисбатан бутун ҳаётим давомида кечиримсизлик бор эди”. У йиғлай бошлаб деди: “Ўғлим, мен ҳам сени ташлаб кетганим учун ўттиз саккиз йил давомида ўзимдан нафратланиб яшамоқдаман”.

У давом этди: “Мен уни кечирдим ва у ўзини кечирди. Энди биз-

лар ярашдик”.

Сўнгра ажойиб қисми содир бўлди: “Энди мени Худонинг ҳузуридан ажратиб турган девор йўқолди”.

Шу туфайли у бундан қутулди ва йиғлар эди. У кейинги сўзларни қийналиб айтди: “Мен ҳозир Худонинг ҳузурида гўдак каби йиғлаяпман”.

Мен бу асирикнинг кучини ва реаллигини биламан. Мен бир неча йиллар давомида бунинг фалаж қилувчи азобига асир бўлган эдим. Бу китоб назария эмас. Бу танага айланган Худонинг Сўзи. Бу мен шахсан бошимдан кечирган ҳақиқатга тўлиб тошган. Мен бу сизни қувватлантиришига ишонаман. Ўқишингиз жараёнида Раббийдан имонингизни кўпайтиришини сўранг! Сиз имонда ўсишингиз жараёнида, У шараф олади, сиз эса қувончга тўласиз! Худо сизни ўта дуо қилсин.

Жон Бивер.

КИРИШ

Жониворларни қопқонга туширган ҳар бир киши биладики, қопқон муваффақият қозониши учун икки нарсага эга бўлиши керак: Жонивор қоқиниб илиниши учун у яширин бўлиши керак, жониворни қопқоннинг ҳалокатли жағларига жалб қилиш учун унда ёлғон хўрак бўлиши керак.

Жонларимизнинг душмани бўлмиш шайтон ўзининг авровчи ва ҳалокатли қопқонларини қўйишида бу стратегияларнинг иккаловини ҳам қўллайди. Унинг қопқонлари ҳам яширин, ҳам ёлғон хўракли.

Шайтон ва унинг шериклари бўлмиш ёвуз рухлар, кўплаб имонлилар ўйлаганларидек ошкор харакат қилмайди. У айёр ва аврашдан лаззатланади. У ўз ҳатти-харакатларида зийрак, ёвуз ва маккордир. Ёддан чиқарманг: у ўзини нур фариштаси қилиб кўрсатиши мумкин. Агар бизлар Худонинг Сўзи орқали яхши ва ёмон нарсаларни тўғри ажратишни ўрганган бўлмасак, бизлар унинг қопқонлари нима учун қўйилганини англай олмаймиз.

Унинг ўта авровчи ва яширин ёлғон хўракларидан бири – ҳар бир Масихий ўз ҳаётида дуч келадиган нарса: хафалиқдир. Аслида, хафаликнинг ўзи у ҳали қопқонда турган вақтида ҳалокатли эмас. Аммо бизлар уни қабул қиласак ва ҳазм қиласак, уни юрагимизда боқсақ, шундагина бизлар хафа бўламиз. Хафа бўлган одамлар кўплаб қуидагича салбий ҳосиллар бера бошлайдилар: яралаш, жаҳланиш, газабланиш, рашқ, норизолик, жанжал, хафалиқ, нафрат ва ҳасад.

Кўпинча хафаликни қабул қилганлар ҳатто қопқонга тушган-

ларини билмай қоладилар. Уларнинг дикқатлари улар билан нақадар ёмон муносабатда бўлғанларига қаратилганлиги туфайли, улар ўзларининг ачинарли аҳволларини пайқамайдилар. Улар ҳақиқатнинг юзига қарашни рад қиласидилар. Бизларни кўр қилиш учун душманнинг энг маҳсулдор усули бу – бизларнинг дикқатимизни фақат ўзимизга қаратишдир.

Бу китоб мазкур ҳалокатли қопқонни очиб беради ва қандай қилиб унинг чангалидан қочиб қутулиш ва ундан озод туриш мумкинлигини ёритади. Ҳафаликдан озодлик ҳар бир масиҳий учун ҳаётий муҳимдир, чунки Исо Масих бу дунёда яшаб, хафа бўлиш учун сабабларга дуч келмаслиги мумкин эмаслигини айтган (Луқо 17:1).

Америка жамоатлари бўйлаб ва мен бу воизликни воизлик қилган бошқа ҳалқларда 50%дан ортиқ одамлар тавба қилишга чақириш даъватига жавоб бердилар. Бу катта кўрсаткич бўлса ҳам, барибир ҳали ҳар бир киши шундай жавоб берган эмас. Мағрурлик баъзи одамларни шундай жавоб беришдан тутиб туради. Мен одамларнинг мазкур қопқондан озод бўлғанларидан сўнг шифо топганларини, озод бўлғанларини, Муқаддас Рухга тўлишганларини ва ибодатларига жавоб олганларини кўрдим. Улар одатда йиллаб излаган нарсаларни, бир лаҳзада, озод бўлғанларида олганларини эътироф этадилар.

Йигирманчи асрнинг сўнгги қисмида жамоатда билим жуда кўпайди. Аммо ҳатто билимнинг шу қадар кўпайишига қарамасдан, шундай туюладики, бизлар имонлилар, етакчилар ва жамоатлар орасида бўлинишларни бошимиздан кечирмоқдамиз.

Бунга сабаб: ҳақиқий севгининг йўқлиги туфайли ҳафалик улкан ва чуқур илдиз отганлигидир. “Билим манман қиласди, севги барпо қиласди” (1 Коринфликларга 8:1). Кўплаб имонлилар мана шу

авровчи қопқонга тушганлар ва бизлар бу нормал ҳаёт тарзи деб ҳисоблаймиз.

Аммо Масиҳнинг келишидан олдин ҳақиқий Масиҳийлар илгари ҳеч қачон бўлмаган даражада бирлашадилар. Мен ишонаманки, бугун саноқсиз аёллар ва эркаклар мана шу хафаликнинг қопқонидан озод бўладилар. Бу бутун давлатни қамраб оладиган руҳий уйғонишнинг халқаларидан бири бўлади. Имонсизлар Исо Масиҳни бизларнинг бир-биримизга бўлган севгимизга қараб кўра бошлайдилар, улар бизларда севги йўқлиги учун Уни кўра олмаган эдилар.

Мен шунчаки бир китоб ёзиш учун китоб ёзилишига ишонмайман. Худо мазкур номани менинг юрагимда ёндириди ва мен унинг турғун ҳосилларини кўрдим. Бир чўпон мазкур мавзууни воизлик қилганимдан сўнг менга: “Мен ҳеч қачон бир вақтнинг ўзида шунча одамнинг озодлик олганини кўрган эмасман,”- деди.

Худо менинг юрагимга бу шунчаки бошланиши эканлигини айтди. Кўплаб одамлар мазкур китобни ўқиши жараёнида ва Муқаддас Рух уларни йўналтиришига бўйсунгандарида озодлик оладилар, шифоланадилар ва қайта тикланадилар. Мен ишонаманки, сиз бу саҳифалардаги сўзларни ўқишининг жараёнида Устоз ва Маслаҳатчи уни шахсан сизга йўналтиради. У шундай қилиши жараёнида мазкур ваҳий сўзи сизнинг ҳаётингизга ва хизматингизга буюк озодлик олиб келади.

Бошлишингиздан олдин, келинг, биргалиқда ибодат қилимиз:

Ota, Iso Masix номи билан сўрайман, мен бу китобни ўқишим жараёнида сен Муқаддас Рухинг билан Ўз сўзингни менга очгин. Менинг юрагимнинг Сени билишига ва Сенга маҳсулдорроқ хизмат қилишига тўйсқинлик қилаётган ҳар бир яширин жойини очгин. Мен

Мұқаддас Рұхнинг фош қилишини қабул қиласман ә менга нисбатан ироданғни бажаршиим учун иноятингни сұрайман. Мазкур китобни ўқишиим жараёнида Сенинг овозингга қулоқ солишиим на-тижасида Сени янада яқиндан билайин.

БИЗНИНГ ХАФАЛИККА ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРИШИМИЗ БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗНИ БЕЛГИЛАЙДИ

“Шайтоннинг ёлғон хўраги” бизнинг ҳаётимизни ва хизматимизни ўзгартириди. Бизлар бунинг видеосини камида йигирма марта кўрдик ва китобини қайта-қайта ўқиб чиқдик. Бизнинг хизматимиз бу китобни ва видео таълимотни – ўз ҳаётимизни ва бошқаларнинг ҳаётини ўзгартириш учун кўллади. Мазкур нома жуда кучли ва ўз вақтида айтилган.

С.К.Коннектикут.

МЕН ХАФА БҮЛДИММИ?

Хафаликлар келмаслиги мумкин эмас¹.

—Луқо 17:1

Xизмат юзасидан Қўшма Штатлар бўйлаб саёҳат қилар эканман, мен душманнинг ўта ҳалокатли ва авровчи қопқонини кўра олдим. Бу саноқсиз Масихийларни ҳибсда тутади, муносабатларга совуқлик солади ва бизларнинг орамизда бўлган ёриқларни кенгайтиради. Бу хафалик қопқонидир. Хафачилик уларнинг ҳаётларига олиб келган яралар ва оғриқлар туфайли кўплаб Масихийлар ўз даъватларида тўлиқ фаолият юрита олмайдилар. Улар ички имкониятларини тўлиқ намоён қилишдан тўсилган ва маҳрум қилинган. Кўпинча уларга яқин бўлган имонлилар уларни хафа қилишган. Бундай ҳолатлардаги хафачиликда одам ўзини унга хиёнат қилингандек сезади. Сано 55:12-14да Довуд шундай фарёд қиласди: “Худога умид қиласман, кўрқмайман; Одам менга нима қила олади? Сенинг ваъдаларинг мендадир Худоим. Сени улуғлайман. Зеро Сен менинг жонимни ўлимдан, менинг оёқларимни ҳам тўқишишдан қутқардинг, токи мен тирикларнинг нурида Худонинг юзи каршисида юрайин”.

Булар бизлар бирга ўтирадиган ва биргаликда сано куйлайдиган одамлар ёки балки воизлик қиласиган одам бўлиши мумкин. Бизлар дам олиш кунларимизни улар билан бирга ўтказамиз, иж-

¹ Мазкур матнда бизнинг тилимиздаги Муқаддас Ёзувда: “Васвасалар келмаслиги мумкин эмас”, дейилган. Васвасалар деб таржима қилинган сўз юончада “скандалон” сўзи бўлиб, у ҳам хафалик, ҳам васваса маъносини билдиради.

тимоий вазифаларни бажарамиз ва улар билан бир ишхонада вакт ўтказамиз. Балки бундан ҳам яқинроқдирмиз. Бизлар бирга ўсиб катта бўлгандирмиз, унга қаттиқ ишонгандирмиз, ёнма-ён яшармиз. Муносабатлар нақадар яқин бўлган бўлса, шу қадар қаттиқ хафалик бўлади! Қачонлардир жуда яқин бўлган одамлар орасида энг улкан нафратни учратасиз.

Оқловчилар сизга никоҳни бекор қилиш жараёнига оид энг даҳшатли ва бешафқат ҳатти-ҳаракатларни айтиб беришлари мумкин. Америка янгиликлари доимо оиласларда ноумидликка учраган оила аъзолари томонидан қотиллик содир этилганлиги хақида хабар беради. Таъминот, ўсиш, ҳимоя чодири, бизлар севгини қабул қилиб севги беришга ўрганишимиз керак бўлган жой- оила кўпинча бизларнинг оғриғимизнинг илдизи бўлиб хизмат қиласди. Тарих бизларга намойиш қиласдики, энг қонхўр урушлар –булар фуқаролар урушлари – биродар-биродарига қарши, ўғил отасига қарши, ота ўғлига қарши бўлган урушлардир.

Хафа бўлишга сабаблар, ўзаро муносабатлар рўйхати каби поёнсиздир ва бунда ўзаро муносабатларнинг нақадар мураккаб ва оддий эканлигининг фарки йўқ. Мана бу ўзгармас ҳақиқатдир: Сизни фақат сиз бефарқ бўлмаган одамларгина хафа қила оладилар. Сиз улардан кўп нарсани кутасиз, умуман олганда, сиз ўзингизни уларга кўп бағишлигансиз. Нақадар одамлардан катта умидга эга бўлсангиз, қулаш шу қадар катта бўлади.

Бизнинг жамоатимизда худбинлик ҳукм суради. Эркаклар ва аёллар бугунги кунларда атрофларидағи одамларни рад қиласдилар ва яралайдилар. Бу бизларни ҳайрон қолдирмаслиги керак. Муқаддас Ёзув бу соҳада сўнгги кунларда одамлар “ўзларини севувчи” (2Тим.3:2) бўладилар деб аниқ сўзлайди. Бизлар бундай ҳатти-ҳаракатларни

имонсизлардан кутамиз, аммо Повул жамоатдан ташқаридагилар ҳақида сўзлаган эмас эди. У жамоатнинг ичидагилар ҳақида сўзлаган эди. Кўплар яраланган, кўнгли оғритилган, аччиқланган. Улар хафа қилинган! Аммо улар шайтоннинг қопқонига тушганларини фахмламайдилар.

Бу бизнинг хатоимизми? Исо Масих бизларга бу дунёда яшаб, хафа қилинмаслигимиз мумкин эмаслигини аниқ айтган. Барibir кўплаб Масиҳийлар бу содир бўлганида шокка тушишади, ҳайратланишади ва уларнинг хафсалалари пир бўлади. Бундай ҳолатларда факат бизларга нисбатан шундай нотоўғри муносабатда бўлишди деб ўйлаймиз. Бундай муносабат бизларни аччиқ илдиз пайдо бўлишига очиқ қилиб қўяди. Шунинг учун бизлар хафаликка нисбатан тайёрланган ва қуролланган бўлишимиз лозим, чунки бизнинг жавобимиз бизнинг келажагимизни белгилайди.

АЛДОВЧИ ҚОПҚОН

Луқо 17:1даги “хафалик” сўзи юонон тилидаги “scandalon” сўзидан келиб чиқкан. Бу сўзнинг илк қўлланишларида у қопқоннинг ёлғон хўрак қистириладиган қисмини билдирар эди. Демак бизлар ўрганаётган бу сўз кимнингдир йўлига қўйилган қопқонни билдиради. Янги Аҳдда бу сўз кўпинча душман одамларни ўз қопқонига қандай туширишини таърифлаш учун ишлатилади. Хафалик ёки васваса бу – шайтон одамларни асир қилиш учун ишлатадиган қуролдир. Повул ёш Тимўтийга шундай насиҳат қилган эди:

Худонинг кули эса жанжалкаш бўлмаслиги керак. Аксинча, у ҳаммага хушфеъл, ўргатишга тайёр, сабр-тоқатли бўлиши керак. У қаршилик кўрсатганларга мулойимлик билан насиҳат қилиши керак, балки Худо уларга ҳақиқатни таниб билишлари

учун тавба қилишни берар, токи улар шайтоннинг тузоғидан озод бўлсинлар; чунки улар унинг иродасига асир қилинган эдилар.

-2Тимўтий 2:24-26.

Жанжаллашадиган ёки қаршиликда турадиган одамлар қопқонга тушадилар ва шайтоннинг иродасини бажаришлари учун асир қилинадилар. Энг ачинарлиси шундаки, улар асирикда эканликларини ҳатто билмайдилар ҳам! Дайди ўғил каби улар ҳам ўзларига келишлари, уйғониб, асл ҳолатларини англашлари лозим. Улар тоза сув ўрнига аччик сувлар оқизаётганларини ҳатто англамайдилар. Одам алданганида, у ноҳақ бўлса ҳам, ўзини ҳақ деб ҳисоблади.

Хафалик қандай содир бўлганлигидан қатъи-назар бизлар хафа бўлган одамларни иккита катта тоифага бўлишимиз мумкин:

- 1) Уларга нисбатан ноҳақлик қилинган одамлар.
- 2) Уларга нисбатан ноҳақлик қилинди деб ўйлайдиган одамлар.

Иккинчи тоифадаги одамлар бор қалблари билан уларга нисбатан ноҳақлик қилинди деб ўйлайдилар. Кўпинча уларнинг хуросалари ноаниқ маълумотга асосланган, ёки уларнинг маълумотлари аниқ, лекин уларнинг хуросалари нотўғри бўлади. Нима бўлганда ҳам, улар хафа бўлганлар ва уларнинг онглари қоронғилашган. Улар тахминларга, ташқи кўринишга ва фийбат, гап-сўзларга асосланиб ҳукм қиласидилар.

ЮРАКНИНГ АСЛ ҲОЛАТИ

Душман одамни хафалик ҳолатида сақлаб туришининг бир йўли – хафаликни мағрурлик никоби остида яширишдир. Мағрурлик сизнинг асл ҳолатингизни тан олишдан тутиб туради.

Бир куни мени иккита хизматчи қаттиқ хафа қилган эди. Одамлар: “Улар сизга бундай қилғанларига ҳеч ҳам ишона олмаяпман. Сиз хафа бўлмадингизми?”- дер эдилар. Мен тезда: “Йўқ, ҳаммаси жойида. Мен хафа эмасман,”- деб жавоб берар эдим. Мен хафа бўлиш нотўғри эканини билар эдим, шунинг учун уни инкор қилдим ва хафаликни ўзимда босдим. Мен ўзимни хафа эмасман деб ишонтирдим, аммо аслида мен хафа бўлган эдим. Мағрурлик менинг юрагимнинг асл ҳолатини ниқоблаган эдим.

Мағрурлик сизни ҳақиқат билан ўртоқлашишдан тутиб туради. У сизнинг тасаввурингизни бузади. Ҳаммаси жойида деб ўйлаганингизда сиз ҳеч нимани, ҳеч қачон ўзгартира олмайсиз. Мағрурлик сизнинг юрагингизни қаттиқлаштиради ва сизнинг фахмлашингизнинг кўзини қоронғилаштиради. У сизнинг юрагингизни ўзгартиришдан, сизни озод қилишга қодир бўлган тавба қилишдан тутиб туради (2Тимўтий 2:24-26га қаранг).

Мағрурлик сизни ўзингизни қурбон сифатида қабул қилишингизга олиб келади. Сизнинг муносабатингиз мана бундай бўлади: “Менга нисбатан нотўғри муносабатда бўлишди ва ноҳақлик қилишди, шунинг учун менинг шундай ҳатти-ҳаракат қилишим тўғри”. Сиз ўзингизни айбсиз ва ноҳақ айбланган ҳис қилганингиз туфайли, сиз кечиримдан ўзингизни тортасиз. Сизнинг юрагингизнинг асл ҳолати сиздан яширин бўлса ҳам, у Худодан яширин эмас. Фақат сизга ноҳақлик қилғанлари учунгина сиз хафаликни сақлаб туришингизга сизга рухсат берилмаган. Иккита нотўғри иш тўғри ишни келтириб чиқармайди!

ШИФО

Ваҳий китобида Исо Масих Лаодикия жамоатига мурожаат қилиб

аввало улар ўзларини “бой, бойиб кетган ва ҳеч нарсага муҳтож эмас” деб ҳисоблашларини айтади, сўнгра эса уларнинг асл ҳолатларини фош қиласди: “аслида сен баҳтсиз, бечора, қашшоқ, кўр ва яланғоч эканлигингни билмайсан” (Вахий 3:14-20). Улар ўзларининг моддий кучларини руҳий қучларига йўйиб хато қилган эдилар. Мағрурлик уларнинг асл ҳолатларини яширади.

Кўплар ҳозир шу аҳволдалар. Мен ўша хизматчиларга нисбатан қаршиликни олиб юрганимни кўришга қобил бўлмаганим каби, улар ҳам ўзларининг юракларининг асл ҳолатини кўра олмайдилар. Мен ўзимни мен хафа бўлганим йўқ деб ишонтирган эдим. Исо Масих Лаодикияликларга ўз алданганлик ҳолатларидан қандай чиқишилари мумкинлигини кўрсатди: Худонинг олтинини сотиб олиш ва ўзининг асл ҳолатини кўриш.

Худонинг олтинини сотиб олинг

Исо Масихнинг алдовдан озод бўлиш учун биринчи насиҳати: “Мендан оловда тозаланган олтин сотиб олгин”, - эди (Вахий 3:18). Тозаланган олтин юмшоқ ва қайишкоқ, зангдан, коррозиядан ва турли хил қоришмалардан холи бўлади. Олтин айнан бошқа металлар (мис, темир, никель ва бошқалар) билан қоришган ҳолида қаттиқ, кам қайишадиган ва коррозияга берилувчан бўлади. Бундай қоришма қотишида деб аталаади. Бошқа металлар нақадар кўп фоизни ташкил қиласа, олтин шу қадар қаттиқ бўлади. Аксинча, нақадар бошқа металларнинг фоизи кам бўлса, олтин шу қадар юмшоқ ва қайишкоқ бўлади.

Бирдан бизлар параллелни кўрамиз: Тоза юрак тоза олтин каби: юмшоқ, нозик ва қайишкоқ. Ибронийларга 3:13 юрак гуноҳнинг алдовчилиги учун қаттиқлашишини айтади! Агар бизлар хафаликдан қутулишнинг чорасини кўрмасак, у гуноҳнинг аччиқланиш, ғазабланиш, қарама-қаршилик каби қўплаб гуноҳ ҳосилларини кел-

тиради. Мазкур кўшилган нарсалар бизнинг юрагимизни қотишма олтинни қаттиқлаштиргани каби қаттиқлаштиради. Булар бизларни нозиклик ва юмшоқликдан маҳрум қилиб, бизларни ҳиссиз қилиб қўяди. Бизнинг Худони эшитиш ва ҳамма нарсани аниқ кўриш қобилиятишим пасаяди. Бу алданиш учун ажойиб муҳитдир.

Олтинни тозалаш учун биринчи қадам – уни кукун даражасига-ча келтириб эзиш ва уни флюс деган модда билан аралаштириш-дир. Сўнгра аралашма ўчоққа қўйилади ва катта ҳароратда эрити-лади. Кўшимча металлар ва барча гардлар флюсга интилиб, юза-га чиқадилар. Олтин эса(огирроқ бўлгани учун) тубида қолади. Кўшимча металлар ёки шлак (флюс билан аралашган мис, темир, цинк) кейин олиб ташланади ва сизда соғ метал қолади.

Энди эса Худонинг Сўзига диққат қилинг:

Мана, Мен сени эритдим, лекин кумушга ўхшатиб эмас. Сени азоб-уқубат ўтида синадим.

-Ишайё 48:10.

Ва яна:

Ана шунинг учун, энди агар керак бўлса, турли васвасалар-да бир оз қайғурсаларингизда қувонинглар, токи сизлар-нинг синалган имонингиз оловда синалиб ўтилган, аммо но-буд бўладиган олтиндан ҳам қимматроқ бўлсин. Ўшанда Исо Масихнинг намоён бўлишида сизларга ҳурмат-иззат, мақтов ва шараф бўлади.

-1Петьор 1:6-7.

Худо одамни азблар, синовлар, қайғулар воситасида поклайди. Бу-ларнинг олови бизнинг ҳаётимиздаги Худонинг характеристидан ке-чирмаслик, жанжалкашлик, аччиқланиш, ғазбланиш, ҳасад ва

бошқа қоришималарни ажратиб ташлайди.

Синовлар ва азоблар олови бўлмаган жойда гуноҳ осонгина яшириниб олади.

Гуллаб-яшнаш ва муваффақият даврида ҳатто бетавфиқ одам ҳам яхши ва сахий туюлади. Ҳар ҳолда, синовлар олови остида қоришималар юзага чиқади.

Менинг ҳаётимда шундай давр бўлган эдики, мен илгари ҳеч қачон дуч келмаган қаттиқ синовларни бошимдан кечирган эдим. Мен ўзимга яқин бўлган одамларга нисбатан қўпол ва дағал бўлиб қолган эдим. Менинг дўстларим ва оила аъзоларим мендан ўзларини олиб қоча бошладилар. Ўшанда мен Раббийга фарёд қилдим: “Бу ғазаб қаердан келмоқда? У илгари йўқ эди!”

Раббий шундай жавоб берди: “Болам, олтин оловда эритилаётгандагина унинг қоришималари ва гардлари юзага чиқади”.

Сўнгра У менга менинг ҳаётимни ўзгартирган саволни берди: “Олтин оловга солинишидан олдин сен унинг қоришималарини ва гардларини кўра оласанми?”

Мен: “Йўқ,”-деб жавоб бердим.

“Лекин бу улар йўқ дегани эмас,- жавоб берди У,- Синовларнинг олови сени қиздирганида бу қоришималар ва гардлар юзага чиқади. Улар сендан яширин бўлган бўлса ҳам, Мен уларни доим кўриб турар эдим. Мана энди сен ўзингнинг келажагингни ҳал қиласиган танловга эгасан: Сен хотинингни, дўстларингни, чўпонни, бирга ишлайдиган одамларни айблаб серғазабликда қолишинг мумкин ёки нега мазкур гуноҳ чиқиндиси борлигини кўриб, тавба қилишинг, кечирилишни қабул қилишинг мумкин. Шунда мен ўзимнинг чўмичимни оламан ва бу гардларни сенинг ҳаётингдан

олиб ташлайман”.

Ўзингизнинг асл аҳволингизни кўринг

Исо Масиҳ бизнинг тўғри кўра олиш қобилиятимиз – алдовдан озод бўлишимизнинг яна бир қалити эканлигини айтган. Кўпинча бизлар хафа қилинганимизда ўзимизни қурбон сифатида қабул қиласиз ва бизларни хафа қилганларни айблаймиз. Бизлар юзага чиқаётган аччиқланишимиз, кечиримсизлигимиз, ғазаб, ҳасад ва қаршилигимизни оқлаймиз. Баъзида бизларни хафа қилганларни бизларга эслатадиганлардан аччиқланамиз. Шунинг учун Исо Масиҳ шундай маслаҳат берган: “Кўриш учун кўзингга кўз мойини суртгин” (Вахий 3:18). Нимани кўриш? Ўзингизнинг асл ҳолатингизни! Бу Исо Масиҳ қуйироқда амр қилганидек “рашкли бўлиб, тавба қила олишимиз”нинг ягона йўлидир. Сиз фақатгина бошқаларни айблашни бас қилганингиздагина тавба қила оласиз.

Бизлар бошқаларни айблаб, ўз ҳолатимизни ҳимоя қилганимизда – бизлар кўрмиз. Бизлар ўз кўзимизда хода турганида, биродаримизнинг кўзидан ҳасни олиб ташлаш учун курашамиз. Бу бизларга озодлик олиб келадиган ҳақиқат ваҳийидир. Худонинг Рухи бизларга гуноҳларимизни кўрсатганида, У буни доимо шундай амалга оширадики, гўёки гуноҳ бизлардан алоҳида туюлади. Бу бизларга айбдорлик ҳиссини эмас, фош қилинишни олиб келади.

Мен шу учун ибодат қиласманки, сиз бу китобни ўқишингиз жараённида Худонинг Сўзи онгингизнинг кўзларини ёритсин, токи сиз асл ҳолатингизни кўра олинг ва сиз тўплаб юрган ҳар қандай хафалиқдан озод бўла олинг. Мағрурлик ҳақиқатни кўришдан ва тавба килишдан тутиб туришига рухсат берманг.

**ХАФА БЎЛГАН МАСИҲИЙ –
БУ ЎЗИГА ҲАЁТНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН,**

АММО ҚҮРҚУВ ТУФАЙЛИ УНИ ЎРТОҚЛАША ОЛМАЙДИГАН ОДАМДИР.

Ўн йилларча илгари, оилавий ҳаётимизнинг йигирма йилидан сўнг, менинг эрим мени ташлаб кетди, чунки у “бошқа баҳтли эмас эди”. Мен тўлиқ хонавайрон бўлган эдим. Унинг ташлаб кетиши келтириб чиқарган оғриқдан, ташлаб кетилиш ва рад этилиш азобидан қутулиш кўп йилларни олди. Мен Худодан уни кечиришимга ёрдам сўрадим ва ҳақиқатан кечирдим деб ўйлар эдим, лекин ҳанузгача юрагимда мен енга олмаган оғриқни олиб юрган эканман. Мен қачонки уни кўрсам, бу менга оғриқ келтирас эди. “Шайтоннинг хўраги”ни ўқиганимдан сўнг, Муқаддас Рух мени ўзимнинг собиқ эрим билан сўхбатлашишга ва бу хафачиликни олиб юрганим учун кечирим сўрашга руҳлантирди. Бизлар ўн йил ичида илк бора сухбатлашдик. Мен астойдил ишонаманки, мен шифоландим ва озодлик олдим! Мени шу қадар узоқ вакт ичида асирикда тутган бу занжир юқидан озод қилгани учун Худога миннатдорчилик билдираман.

-Д.В., НЬЮ ЙОРК

ОММАВИЙ ХАФАЛИК

Ўшанда кўплар васvasага тушадилар², бир-бирларини хоинона түшиб берадилар ва бир-бирларидан нафратланшиади. Кўплаб сохта пайгамбарлар кўтарилади ва кўпларни йўлдан уришиади. Конунбузарликнинг кўпайиши туфайли, кўпларда севги совиди. Охиригача чидаган эса нажсом топади.

-Матто 24:10-13

Матто Хушхабарининг ушбу бобида Исо Масих аср туғашининг аломатларини келтиради. Ўқувчилар Ундан: “Сенинг келишингнинг аломатлари қандай?” - дея сўрадилар.

Кўпчилик имонлилар биз Исо Масих келишига яқин қолган вақтда яшаётганимизга қўшиладилар. Унинг қайтишининг аниқ кунини аниқлашга уриниш бехудадир. Буни фақатгина Ота билади. Аммо Исо У қандай вақтда қайтишини биз билишимизни айтган ва бу вақт аллақачон етиб келди! Биз илгари жамоатда, Истроилда ва дунёда Муқаддас китобдаги башоратларнинг бундай миқдорда амалга ошганини ҳеч қачон кўрмаганмиз. Шунинг учун биз Исо Масих Матто 24-бобда айтган вақтинчалик даврда яшаётганлигимизни ишонч билан айтишимиз мумкин.

Исо Масих келишингнинг муқаррар аломатларидан бирига эътибор беринг: “Кўпчилик васvasага тушади (ёки кўпчилик хафа

2 Мазкур матнда инглиз тилидаги таржималардан биридаги “Хафа қилинадилар” олинган.

бўлади)...”.

Бир қанча ёки айрим одамлар эмас, балки *кўпчилик*.

Биринчидан, бизлар шундай савол беришимиз керак: “Бу васвасага тушганлар ва хафа бўлганлар кимлар?” Бу Масихийларми ёки бизнинг бутун жамиятимизми? Биз ўқиши давом эттириб, жавоб топамиз: “Қонунбузарликнинг кўпайиши туфайли, кўпларда севги совийди”. Ушбу оятда бизнинг “севги” сўзимизнинг ўрнида юононча: “агапе” сўзи турибди. Бизнинг Янги Аҳдда “севги” дея таржима қилинган бир қанча юононча сўзлар бор, лекин энг кўп тарқалган иккита сўз – бу: “агапе” ва “филео”дир.

ФИЛЕО – бу дўстлар ўртасидаги севгини англатади. Бундай севги муайян шартларда ҳаракат қилувчи дўстона яқинликда намоён бўлади. **ФИЛЕО:** “Сен менинг елкамда, мен эса сеникида ором оламан” ёки “мен билан мулойим мумомалада бўл, шунда мен ҳам сен билан айнан шундай мумомалада бўламан”, - дейди.

Бошқа томондан, АГАПЕ – бу Худо Ўз фарзандларининг юракларига қуядиган севгидир. Бу Исо бизга инъом билан берадиган севгидир. У шартсизdir. У ишларга ва ўзаро яқинликка асосланмайди. Бу ҳаттоқи уни рад этганларида ҳам қуйилаверадиган севгидир.

Биз Худосиз фақатгина худбин севги билан севишимиз мумкин, яъни у – уни қабул қилмаганларида ёки ўзаро яқинликни топмаганида, ҳаракат қилишни тўхтатади. Бироқ АГАПЕ ҳеч нарсага қарамасдан севади. АГАПЕ – бу айнан Исо Масих барчани кечириб, хочда ўлиб намоён қилган севгидир. Шундай қилиб, Исо Масих айтган бу “*кўпчилик*” – АГАПЕ севгиси совиган Масихийлардир.

Ҳаётимда ўз севгимни бир инсонга кўрсатиш учун мумкин бўлган ҳамма нарсани қилган вақтларим бўлган эди. Бироқ ҳар сафар мен

унга ўз севгимни намоён қилганимда, у одам менга қарата танқид билан ва қўпол муомала билан жавоб бергандек туюлар эди. Ойлар давомида шундай давом этди ва бир кун сабрим тугади. Мен Худога шикоят қилишни бошлаб: “Менга бас! Энди бу хақда мен билан гаплашишингга тўғри келади. Мен ҳар сафар Сенинг севгингни бу одамга кўрсатганимда, у менга жаҳл билан жавоб беради,”- дедим. Раббий менга сўзлаб: “Жон, сен Худонинг севгисида имонингни ўстиришинг керак,”- деди. Мен: “Нимани назарда тутяпсан?”- дея сўрадим. У: “Ўзининг танасига экувчи танасидан чиришни ўриб олади; Рухга экувчи эса Рухдан мангумга ҳаётни ўриб олади. Шу йўсинда яхшилик қилиб, тушкунликка тушмайлик; чунки агар заифлашмасак, ўз вақтида ўриб оламиз”,- дея тушунтириди (Гал.6:8,9). Сизлар тушуниб етишингиз керак: Сизлар Худонинг севгисини экканингизда, Худонинг севгисини ўриб оласизлар. Буни сизлар эккан ўша даладан имкон қадар ўриб олмасангиз ҳам, ёки хоҳлаганингиздек тезда ўриб олмасангиз ҳам, ушбу руҳий қонунда ўз имонингизни ўстиришингиз даркор.

Раббий давом этди: “Улкан муҳтоҷлик вақтида Мени энг яқин дўйстларим ташлаб кетдилар. Яҳудо Мени сотди, Петъор Мендан тонди, қолганлари эса, ўз жонини кутқариб қолиш учун қочиб кетдилар. Фақатгина Юҳанно узокдан ортимдан эргашди. Мен уч йил давомида уларга ғамхўрлик қилдим, боқдим ва уларга таълим бердим. Шундай бўлса ҳам, Мен дунёнинг гуноҳи учун ўлаётуб, барчасини кечирдим. Мен уларнинг барчасини: Мени ташлаб кетган Менинг дўйстларимдан бошлаб, ҳатто Мени хочга михлаган рим аскарларигача озод қилдим. Улар кечирим сўрамадилар, лекин Мен уларга текинга бердим. Менда Отанинг севгисидаги имон бор эди. Мен севги экиб, Худонинг Шоҳлигининг қўпчилик ўғилларидан

ва қизларидан севги ўриб олишимни билган эдим. Севги туфайли қилинганды Менинг қурбонлигим туфайли улар Мени севадилар”.

Мен сизларга айтганман: “Душманларингни севинглар, сизларни лаънатлаётгандарни дуо қилинглар, сизлардан нафратланаётгандарга яхшилик қилинглар, сизларга озор берәётгандар ва сизларни қувғин қилаётгандар учун ибодат қилинглар. Шунда сизлар Осмондаги Отангизнинг фарзандлари бўласизлар. Зеро У қуёшини ёвузлар ва яхшилар устидан бирдек чиқаради ва ёмғирини ҳақ одамлар ҳамда ноҳақ одамларга бирдек юборади. Зеро сизларни севувчишларни севсангизлар сизларга қандай мукофот бор? Солиқчилар ҳам шундай қилмайдиларми? Агар сизлар фақат биродарларингиз билан саломлашсангизлар афзалроқ нима иш қиляпсизлир? Солиқчилар ҳам шундай қилмайдиларми?” (Мат.5:44-47).

УЛКАН КУТИШ

Мен намоён қилган севги, Рухга экилганини тушуниб етдим ва охир натижада мен ўша севги уругини ўриб оламан. Ўрим албатта келишини биламан, бироқ қаердан келишини билмайман. Мен энди ўзим севган одамдан ўзаро яқинликни олмасам, буни омадсизлик деб ҳисобламайман. Менга уни янада қўпроқ севиш қобилиятини бериб, у мени озод қилди.

Агар кўпчилик Масихийлар буни англааб етганларида эдилар, улар вассасага топширилмаган ва тушмаган бўлар эдилар. Одатда биз шундай севгини кўрсатамиз. Биз унинг истаклари амалга ошмаганда, тезда ҳафсаласи пир бўладиган худбин севгига юрамиз.

Агар мен одамлардан нимадир кутсам, ўша одамлар менга панд беришлари мумкин. Улар мени шу қадар ҳафсаламни пир қилишлари

мумкинки, мен уларга нисбатан ишончимни йўқотишим мумкин. Бироқ агарда мен одамлардан ҳеч нарса кутмасам, унда улардан ол-ғанларимнинг барчасини нимадир талаб қилгандек эмас, балки баракадек қабул қиласман.

Бизга яқин бўлганлардан маълум ҳатти-харакатни талаб қилганимизда, ўзимизни васваса ва хафалик учун очамиз. Бошқалардан қанча кўп нарсаларни кутсак, бизда хафалик ва васваса учун шунча кўп имкониятлар бўлади.

ҲИМОЯ ДЕВОРЛАРИМИ?

Хафа бўлган биродар мустаҳкам шаҳардан қаттиқроқдир ва баҳслар қасрнинг тўсини кабидир.

-Ҳик.18:19.

Мустаҳкам шаҳардан кўра, хафа бўлган биродар ёки опа-сингилни енгиш қийинроқдир. Қадимда шаҳарлар деворлар билан ўралган бўлган. Улар чақирилмаган меҳмонларни ва босқинчиларни шаҳарга киришларига йўл қўймаган. Шаҳардаги барча дарвозалар диққат билан назорат қилинган. Солик тўламаган кишилар, уни тўламагунларича шаҳарга киритилмаганлар. Шунингдек, шаҳарнинг фаровонлиги ва хавфсизлиги учун хатарли деб ҳисобланган кишилар ҳам унга киритилмаган.

Биз хафа бўлганимизда, юрагимизни хавфдан саклаш учун ва кейин келадиган жароҳатнинг олдини олиш учун деворлар қурамиз. Биз талабчан бўлиб қоламиз ва кимдан янги жароҳатлар олишдан кўрқсак, ўшаларни киритмаймиз. Бизнинг фикримизча бизларга нимадир бериши керак бўлган кишиларни саралаш мақсадида, биз барча одамларни синчковлик билан фильтрдан ўтказамиз.

Ушбу одамлар бизга қарзларини түлиқ түламагунларигача, уларнинг қаршисида дарвозани ёпиб қўямиз. Кимни биз томонда деб ҳисобласак, ўша кишига ўз ҳаётимизни очамиз.

Бироқ қўпинча бу “биз томонимизда” бўлган одамларнинг ўзлари ҳам хафа қилингандар бўладилар. Шундай қилиб, ёрдам бериш ўрнига, бизлар пайдо бўлган деворларимизнинг устига қўшимча тошларни қўямиз. Бу қачон содир бўлишини биз билмасакда, бир куни ушбу ҳимоя деворлари қамоқхонага айланади.

Ҳақоратланган Масихийлар ўзига- ўзи баҳо бериш билан шуғулланиб, дикқат-эътиборларини ўзларига қаратадилар. Биз ўзимизнинг ҳак-хукуқларимизни ва шахсий ўзаро муносабатларимизни дикқат билан кузатамиз. Биз ҳар қандай янги жароҳат олиш йўлларидан ўзимизни хавфсизлантиришимиз учун бутун кучимизни сарфлаймиз. Агар биз яна жароҳатланган бўлиш хавф-хатарига қарши қўрқмасдан бормасак, биз Худонинг шартсиз севгисини на-моён қила олмаймиз. Бу шарт қўймайдиган, бошқаларга бизни яра-лашга йўл қўядиган севгидир.

Севги ўзиники изламайди, хафа бўлган одамлар эса тобора манфа-атпараст ва одамови бўлиб борадилар. Бундай иқлимда Худонинг севгиси совиб боради. Бунинг табиий мисоли Муқаддас ердаги ик-кита денгиздир.

Жалила денгизи сувни бемалол қабул қиласди ва беради. У қўплаб, турли хил балиқларга ва денгиз ўсимликларига яшаш муҳити яра-тиб, ҳаётга тўла. Жалила денгизининг суви Иордан дарёси орқали оқиб ўтиб, Ўлик денгизига қўйилади. Бироқ Ўлик денгиз сувни бермасдан, факат уни қабул қиласди. Унда ҳеч қандай балиқлар ёки ўсимликлар йўқ. Жалила денгизининг тирик суви – Ўлик денгизнинг оқмайдиган суви билан бирга ўлик сувга айланади. Агар ҳаёт

ўзіда тутиб турилса – у яшай олмайды: у бошқаларга текин берилши керак.

Шундай қилиб, хафа бўлган Масихийлар – бу ҳаётни қабул қиласидиган, бироқ қўрқув сабабли уни чиқара олмайдиган одамлардир. Бунинг натижасида эса, ҳаттоқи унга кириб келадиган ҳаёт ҳам хафалик қамоқхонаси деворларининг чегараларида турғун бўлиб қолади. Янги Аҳд буларни қотмалар деворлари деб атайди.

Зеро жангимиздаги қуроллар тана измига оид эмас, балки истеҳкомларни барбод қилиш учун Худо томонидан қудратлидир. *Булар билан* Худони таниб билишга қарши кўтариладиган ҳар қандай хаёл ва кеккайишни йикитамиз; ҳар қандай фикрни Масихга бўйсуниши учун асир қиласиз...

-2 Коринфликларга 10:4-5.

Бу қотмалар улар орқали ўтадиган барча маълумотларни ўрганадиган муайян фикрлаш шаблонларини яратади. Гарчи улар бошида химояни таъминлаш мақсади билан ҳаракатланган бўлсалар, энди улар азоб-уқубатлар ва хатолар манбасига айланадилар, чунки билимга ва Худони таниб-билишга қарши курашадилар.

Биз барчасини ўзимизнинг ўтмишдаги хафаликларимиз, хўрликларимиз ва кечинмаларимиз орқали фильтрдан ўтказсак – Худога ишонишнинг иложи йўқ деб ўйлаймиз. Биз Худо айнан айтган *нарсасини* назарда тутаётганига ишонмаймиз. Бизлар Худони бизнинг ҳаётимизда бошқа одамлар томонидан қўйилган стандартлар бўйича ҳукм қилганимизда – Унинг эзгулигига ва содиклигига шубҳа билан қараймиз. Бироқ Худо одам эмас. У алдай олмайди (Сонлар 23:19). Унинг йўллари – бизнинг йўлларимиз эмас, биз-

нинг фикрларимиз – Унинг фикрлари эмас (Ишайъё 55:8-9).

Хафа бўлган одамлар ўзларининг вазиятларини тасдиқлаш учун Ёзувнинг оятларини топадилар, бироқ бу Худонинг Сўзига нотўғри муносабатда бўлишдир. Худонинг Сўзини севгисиз билиш - вайрон қилувчи куч хисобланади, чунки у одамни қонунчи қилиб, уни мағрурлантиради (1Кор.8:1-3). Бу бизларни кечиримсизлигимиз учун тавба қилишнинг ўрнига, ўзимизни оқлашга ундейди. Бу шундай мухитни яратиб берадики, биз бу мухитда йўлдан озишишимиз мумкин, чунки Худонинг севгисиз билим адашишга олиб боради.

Исо Ўзининг “кўплар хафа бўладилар” дея тасдиқлаган фикридан сўнг, У зудлик билан сохта пайғамбарлар ҳақида огоҳлантиради: “Кўплаб сохта пайғамбарлар кўтарилади ва кўпларни йўлдан уришади” (Матто 24:11). Улар йўлдан урадиган бу кўплар ким? Жавоб: бу хафа бўлганлар ва севгиси совиб, васвасага тушган одамлардир (Матто 24:12).

СОХТА ПАЙҒАМБАРЛАР

Исо бу сохта пайғамбарларни “кўй кўринишида келадиган бўрилар” деб атамоқда (Матто 7:15). Бу ўзиникини изловчи тамагир одамлардир. Улар ташқаридан Масихийларга, яъни, кўй кўринишига эгадирлар, бироқ бўри табиатига эгадирлар.

Бўрилар кўйларнинг атрофида айланиб юришни яхши кўрадилар. Улар масиҳийлик йигинининг оддий аъзолари орасида пайдо бўлгани каби, минбар ортида ҳам шундай пайдо бўлишлари мумкин. Бундай одамлар Масихийлар сафига билдирамасдан кириб бориш ва йўлдан уриш учун душман томонидан юборилгандир. Улар-

ни таълимоти ва башорати бўйича эмас, хосили бўйича билиб олиш мумкин. Уларнинг ҳаётларининг ва хизматларининг ҳосили унчалик яхши бўлмаган вақтда, уларнинг таълимоти қўпинча соғлом бўлиб кўриниши мумкин. Хизматчи ёки оддий масиҳий -қандай воизлик қилаётганига қараб эмас, балки қандай яшаётганига қараб билинади. Бўрилар ҳар доим соғлом ва кучли қўйларни эмас, жароҳатланган ва ёш қўйларни излайдилар. Бу бўрилар одамлар эшитиши керак бўлган нарсани эмас, эшитишни хоҳлаётган нарсаларни гапирадилар. Бундай одамлар соғлом таълимотни эшитишни истамайдилар, улар кимдир уларнинг кулоқларига хушомад қилишларини хоҳлайдилар. Кeling, Повул охирги кунлар ҳақида нима деяётганини кўриб чиқамиз:

Шуни ҳам билгинки, охирги кунларда оғир замонлар келади. Чунки одамлар... муросасиз (инглизчада “кечиримсиз”)... диёнатнинг тусига эга бўла туриб, аммо унинг куч-кудратидан воз кечганлар. Бундайлардан узоклашгин! Чунки шундай замон келадики, одамлар соғлом таълимотга чидай олмайдилар, лекин улар ўз эҳтиросларига биноан кулоқларига ёқимли сўзларни гапирадиган муаллимларни ўзларига тўплайдилар. Улар кулоқларини ҳақиқатдан ўгириб, афсоналарга бурадилар.

-2Тим. 3:1-5; 4:3-4.

Улар диёнатнинг ёки “масиҳийликнинг” тусига эга бўлишини, бироқ унинг кучидан юз ўгиришларини билиб қўйинг. Улар диёнатнинг кучидан қай тарзда юз ўгиришлари мумкин? Улар масиҳийлик уларни кечиримсизликдан кечиримлиликка ўзгартириши мумкинлигини рад этадилар. Улар ўзларининг юқоридан туғилиш кечинмаларини гапиришдан ва Исо Масиҳнинг издошлари эканликларидан мақтаниб юрадилар. Бироқ улар ўzlари мақтаниб юрган нарса-

лар – уларнинг юракларини ёриб киришига ва уларда Масихнинг табиатини келтириб чиқаришига йўл қўймайдилар.

АХБОРОТ АВЛОДИ

Бу алданган эркаклар ва аёллар билим учун рашкка эга бўлишларини, аммо бу билимни ҳеч қачон ўзлари учун қабул қиласдан ўзгаришсиз қолишларини Повул ваҳийда кўра олди. Мана у буларни қандай таърифлади: “...доимо ўқиб юрадилар, лекин ҳеч қачон ҳақиқатни билишга эриша олмайдилар” (2Тим. 3:7).

Агарда Повул бугун тирик бўлганида эди, у айтганларини ҳақиқатда кўриб, қаттиқ хафа бўлган бўлар эди. У конференцияларга, семинарларга, жамоат хизматларига борган ва Ёзувнинг билимини ковлаётган кўпчилик эркакларни ва аёлларни кўрган бўлар эди. У уларнинг “мувафақият қозонувчи” хаёт билан янада кўпроқ худбинларча яшаш учун “янги ваҳийлар” топиш пайида юрганликларини кўрган бўлар эди. У масиҳий хизматчилар буларнинг барчасини “тўғри сабаблар” дея оқлаб, бир-бирларини қандай судга бератганликларини кўрган бўлар эди.

У масиҳий нашрларда ва радиода Худонинг эркакларига ва аёлларига қандай хужум қилаётганликларини кўрган бўлар эди. У харизматлар хафаликдан қочиш учун бир жамоатдан бошқасига қандай югургаётганликларини кўрган бўлар эди. Уларнинг барчаси бошқаларни кечира олмаётган бир вақтда – Исо Масихнинг ҳукмронлигини очиқласига тан оладилар. Повул: Эй, сизлар, иккюзламачи ва худбин авлод! Тавба қилинглар ва алдовдан озод бўлинглар!”- дея баланд овоз билан бақирган бўлар эди.

Сизлар қатнаётган Муқаддас Ёзув мактабларида ва семинар-

ларда накадар қўп ваҳийлар олаётганингизнинг, қанча китоб ўқиганингизнинг, ҳаттоқи, неча соат ибодат қилишингизнинг ва Муқаддас Ёзув ўқишингизнинг аҳамияти йўқ. Агар сиз хафа бўлган бўлсангиз ва кечиримсизликда бўлсангиз ҳамда бу гуноҳ учун тавба қилишни рад этсангиз – сиз ҳақиқатни таниб-билишгача етиб борган эмассиз. Сиз васвасада юрибсиз ва ўзингизнинг иккюзламачилик ҳаёт тарзингиз билан бошқаларни ҳам саросимага солмоқдасиз. Сизда қандай ваҳий бўлишидан қатъий назар, сизнинг танангиз умуман бошқа нарса ҳақида гапиради. Сиз – ўзидан ҳақиқатни эмас, васваса ва ёлғондан иборат бўлмиш аччик сувни оқизувчи булоққа айланасиз.

ХИЁНАТ

Шунда кўплар хафа бўладилар, бир-бирларини хоинона тутиб берадилар ва бир-бирларидан нафратланадилар.

-Матто 24:10, инглизчадан сўзма-сўз таржима.

Келинг, бу фикрни текшириб чиқамиз. Агар биз унга янада дикқат билан назар солсак, кетма-кетликка эга жараённи кўрамиз. Хафалик хоинликка олиб келади, хоинлик эса нафратга олиб келади.

Даставвал айтилганидек, хафа бўлган одамлар ўз атрофлари ни ҳимоя деворлари билан ўрайдилар. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш мақсадимизга айланади. Биз ўзимизни нима қилиб бўлса ҳам ҳимоя қилишни ва хавфсизлантиришни хоҳлаймиз. Бу бизни хоинликка қодир қиласди. Биз хоинлик қилганимизда – ўзганинг ҳисобига ва одатда, бизлар ўзаро яқин муносабатда бўлган одамнинг ҳисобига ўз хавфсизлигимизни ёки манфаатимизни излаймиз.

Шундай қилиб, Худонинг Шоҳлигида хоинлик – имонли ўзганинг

ҳисобига ўз хавфсизлиги ва манфаатини излаганида содир бўлади. Ўзаро муносабатлар накадар яқин бўлса, хиёнат шу қадар даҳшатли бўлади. Хоинлик аҳднинг жиддий бузилишидир. Хоинлик юз берганида- ҳақиқий тавба бўлмагунича ўзаро муносабатлар тиклана олмайди.

Хоинлик жиддий оқибатлар билан нафратга олиб боради. Муқаддас Ёзув: “Ўз биродаридан нафратланадиган ҳар кимса қотилдир. Ҳеч бир қотил эса Худода мавжуд бўлган абадий ҳаётга эга бўлмайди”, - деб аниқ айтмоқда (1Юҳан.3:15).

Бугун биз имонлилар орасида хафаликнинг, хоинликнинг ва нафратнинг мисолларини яна ва яна учратишими ачинарлидир. Бу уйларимизда ва жамоатларимизда ниҳоятда кенг тарқалган ва энди табиий ҳол ҳисобланади. Биз шунчалик ҳиссиз бўлиб қолдикки, ҳатто бир хизматчи бошқасини судга бераётганини кўрганимизда – энди бошқа қайғурмаймиз. Имонли эр-хотинлар судда бир-бирига даъво қилиб, ажрашиш суд жараёнини кўтараётгани – энди бизни ҳайрон қолдирмайди. Жамоатлардаги бўлиннишлар олдиндан айтиб бўладиган, оддий ҳолат бўлиб қолди. Хизмат сиёсатлари доимо юқори даражада ўйналмоқда. Буни жамоатнинг ёки Осмон Шоҳлигининг манфаати учун дея ниқобга солмоқдалар.

Масиҳийлар улар билан қўпол муомала қилмасликларига ва уларнинг ҳолатларидан бошқалар ўзига фойда олмасликларига ишончи комил бўлмагунларича, “ўзларининг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қиласидилар”. Наҳотки биз Янги Аҳднинг насиҳатини унутган бўлсак?

Ноҳақликка чираб туришингиз сиз учун яхшироқ эмасми?
Бирор нарсангиздан маҳрум бўлиб қолишингиз сиз учун яхшироқ эмасми?

-1 Коринфликларга.6:7.

Наҳотки бизлар Исонинг сўзларини унуган бўлсак?

Аммо Мен сизларга айтаман: “Душманларингни севинглар, сизларни лъянтлаётганларни дуо қилинглар, сизлардан нафратланаётганларга яхшилик қилинглар, сизларга озор беряётганлар ва сизларни қувғин қилаётганлар учун ибодат қилинглар”.

-Матто 5:44.

Наҳотки биз Худонинг амрини унуган бўлсак?

Хеч нарсани рақобат ва шуҳратпарастлик билан қилманглар, лекин онгингизда камтар бўлиб, сизлар бир-бирингизни ўзингиздан яхшироқ деб ҳисобланглар.

-Филип.2:3.

Нега бизлар бу севги қонуни бўйича яшамаймиз? Нега бизлар ҳаттоқи алданиш хавфи бўлган вазиятда бир-биrimiz учун жонимизни беришнинг ўрнига, хоинлик қилишга тезмиз? Бунинг сабаби: Бизнинг севгимиз совиган, бу эса биз ўз манфаатимизни излашимизга ва ўзимизни ҳимоя қилишимизга олиб келади. Бизлар ўзимиз учун ўзимиз ғамхўрлик қилишга ҳаракат қилганимизда – бизлар учун ғамхўрлик қилишни Худонинг кўлларига ишониб топшира олмаймиз.

Исога ёвузлик қилганларида, У ёвузликка ёвузлик билан жавоб қайтармади, бироқ Ўз жонини Худога, Ҳақ Судъяга топширди. Ёзув бизларга Унинг йўлидан боришимизни насиҳат қиласди.

Сизлар ана шунга даъват этилгансизлар. Чунки Масих ҳам биз учун азоб чекиб, бизга намуна қолдирди, токи биз Унинг изидан юрайлик. У ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, Унинг оғзидан маккорлик сўзлари ҳам топилмаган эди. У хақорат

қилинганида, ҳақорат билан жавоб қайтармас эди. У азоб чекиб, дүйк-пўписа қилмас эди; лекин Ўзини Ҳақ Ҳукмдорга топширар эди.

-1Петъор 2:21-23.

БИЗГА ҚОБИЛИЯТ БЕРУВЧИ

Бизлар танага эмас, Худога умид қиласиган жойга келишимиз лозим. Кўпчилик Худони ўз ҳаётининг булоғи дея атаб, Уни шарафлайдилар, аммо етимлар каби яшайдилар. Улар: “Исо – менинг Раббий ва Худойим”, - дея ўз оғизлари билан эътироф этиб, ҳаётларини ўз қўлларида ушлаб турадилар.

Сизлар энди бундай гуноҳ – хафалик накадар жиддий эканлигини кўряпсизлар. Агар унга барҳам берилмаса, у оқибат натижада ўлимга олиб келади. Сиз хафа бўлиш вассасасига қарши турганингизда, Худо буюк ғалабани беради.

АГАР ШАЙТОН БИЗНИ ИСТАГАН ВАҚТИДА ЙҮҚ ҚИЛИШИ МУМКИН БҮЛГАНИДА ЭДИ, У АЛЛАҚАЧОН БИЗЛАРНИЙ ЙҮҚ ҚИЛГАН БҮЛАР ЭДИ.

Мен бу китобни ўқишимдан олдин, мен Худо билан муносабати йўқ ҳолатда эдим. Мен нажот топган эдим, аммо Худо ва менинг орамда унчалик тўғри бўлмаган нимадир бор эди. Мен йўқотилиш Раббий томонидан эмаслигини билар эдим, шунчаки муаммо нимада эканлигини билмас эдим. Мен бир куни дўстимнинг уйида эдим ва унда Жон Бивернинг: “Шайтоннинг хўраги” китоби бор эди. Мен уни уйимга олиб келдим ва уни ўқий бошладим. Мен китобни қўлимдан қўймас эдим. У шу қадар мойланган эдики, менинг руҳим уни шунчаки ютар эди. Китобнинг ярмига келганимда, мен ва Раббийнинг орасида турган нарса хафалик руҳи эканини пайқаб колдим.

-С.С., ЖОРЖИЯ

БУ МЕН БИЛАН ҚАНДАЙ СОДИР БҮЛДИ?

*Юсуф уларга деди: ... мана, сизлар менга қарши зулм қилишини
үйладинглар; аммо Худо...буни яхшиликка ўгирди.*

-Ибт. 50:19-20.

Биз биринчи бобда барча хафа бўлган одамларни иккита асосий гурухга бўлдик: 1) Уларга нисбатан ноҳақлик қилинган одамлар. 2) Ҳақиқатда бундай бўлмаган бўлса ҳам, уларга нисбатан ноҳақлик қилинди деб ўйлайдиган одамлар. Мен бу бобда биринчи тоифага тегишли бўлган *одамларга* эътибор қаратмоқчиман.

Келинг; ушбу саволдан бошлаймиз: Агарда сизга нисбатан ҳақиқатан ҳам ноҳақлик қилинган бўлса, хафа бўлишингиз учун асосингиз борми? Жавоб олиш учун келинг, Ёқубнинг севимли ўғли Юсуфнинг ҳаётига қараймиз (Ибитдо 37-38 боблар).

ТУШ МУДҲИШ ВОҚЕАГА АЙЛАНДИ

Юсуф Ёқубнинг ўн биринчи ўғли эди. Отаси уни бошқа биродарларидан кўра кўпроқ яхши кўргани ва унга рангли кийим совға қилиб, бошқалар орасида уни ажратгани учун катта акалари уни ёмон кўриб қолган эди. Худо Юсуфга иккита туш берди. У биринчи тушида далада боғланган буғдой боғламини кўрди. Унинг боғлами кўтарилиб, тикка турди ва ўша вактда биродарларининг

боғламлари унинг боғламига сажда қилдилар. Иккинчи тушида у, унга сажда қилиб турган күёшни, ойни ва ўн иккита юлдузларни кўрди (бу- отасини, онасини ва биродарларини англатар эди). У ўз тушини биродарларига айтиб берганида, улар, табиий, унинг қувончини бўлишмадилар. Аксинча, уни янада кўпроқ ёмон кўриб қолдилар.

Бундан сўнг кўп ўтмай, ўнта катта биродарлар яйлов излашга отасининг подаси билан жўнадилар.

Ёқуб улардан хабар олиш учун Юсуфни юборди. Катта акалари уларга яқинлашиб келаётган Юсуфни кўриб: “Мана, туш кўрувчи келяпти. Келинглар, уни ўлдирамиз! Кейин унинг тушлари нима бўлишини кўрамиз. У бизнинг бошлиғимиз бўлишини айтди. У ўлганида, бизларни бошқаришга уриниб кўрсинчи!”-дедилар. Шундай қилиб, у ўша жойда ўлиши учун уни чукур қудукқа ташладилар. Юсуфни йиртқич ҳайвонлар тилка-пора қилганига отасини ишонтириш учун биродарлари унинг кийимини ечиб олиб, йиртиб ташладилар ва ҳайвоннинг қонига беладилар.

Лекин биродарлар Юсуфни қудукқа ташлаганларидан сўнг, Мисрга кетаётган исмоилликларнинг карвонини кўриб қолдилар. Шунда Яхудо: “Эй йигитлар, тўхтанглар, агар биз унга шу чукурда ўлишига йўл кўйсак, бундан бизга ҳеч қандай фойда бўлмайди. Келинглар, уни қуллика сотамиз ва унинг устида унча-мунча пул ишлаб оламиз. У барибир биз учун ўликка айланади ва ҳеч қачон бизнинг жонимизга тегмайди, биз эса ўлжани ўзаро бўлишиб оламиз”, -деди.

Улар уни ўн икки кумуш тангага сотдилар. Улар хафа бўлган эдилар, шунинг учун уни меросдан ва оиласдан жудо қилиб сотдилар. Буларнинг барчаси унинг қондош акалари томонидан қилингандигини эсдан чиқарманг, уларнинг отаси бир, танаси ва қони бир эди.

Биз умуман бошқа маданиятда тарбияланганмиз, шунинг учун бу

одамлар қанчалик даҳшатли ишни содир этганликларини тушунишимиз қийин. Бундан ёмонроғи фақатгина қотиллик бўлиши мумкин холос! Ўша вактларда ўғилга эга бўлиш ниҳоятда муҳим эди. Ўғиллар оталарининг номларини сақлаб қолганлар ва унда бор мулкининг барчасини мерос қилиб олганлар. Юсуфнинг биродарлари уни отасининг номини ва меросини олиш имкониятидан умрбод маҳрум қилишди. Улар уни ўз ҳаёт муҳитидан суғуриб олиб, унинг номини ўчириб ташладилар.

Одамни бошқа мамлакатга қулликка сотганларида, у ўлгунига қадар қул бўлиб қолар эди. У уйланган аёл ҳам ҳудди шундай қулга айлана, уларнинг ҳамма болалари ҳам қул бўлар эдилар!

Қул бўлиш туғилиш қийин эди, лекин таърифлаб бўлмас қийинчилик – бу улкан бойликнинг ва буюк келажакнинг меросхўри бўлиб туғилиб, уларни йўқотишга маҳкум қилиниш эди. Юсуф учун нима содир бўлишини ҳеч қачон билмаслик осонроқ эди. У гўёки тирик мурда эди. Ишончим комилки, у акаларим қулликка сотганларидан кўра, ўлдирилсалар яхширок бўлар эди, деган васвасага тушган. Юсуфнинг акалари қилган ишнинг моҳияти – ёвуз ва ваҳший эди.

ЎТМИШГА НАЗАР

Мен Юсуфнинг тарихини айтиб бераётганимда, сизлар аллақачон унинг ниҳоясини билсангиз керак. Агар бу нима билан тугашини билса, у жуда руҳлантирувчи тарихдир. Бироқ Юсуф бу ҳақида билмаган. Ҳаммаси қуйидагича туюлар эди: у ҳеч қачон отасини ҳам, унга Худо берган тушнинг ижросини ҳам бошқа кўрмайди. У ўзга мамлакатда қул эди. У Мисрни ташлаб кета олмайди. У умрбод ўзга одамнинг шахсий мулки эди.

Юсуфни фиръавнга ўн йилдан буён хизмат қилиб келган унинг амалдори ва қўриқчиларнинг бошлиғи Пўтифар исмли одамга сотдилар. Юсуф ўз оиласидан ҳеч қандай хабар эшитмади ва отаси уни ўлган деб ҳисоблаганлигини тушунди. Оиласининг ҳаёти усиз давом этди. Отаси Юсуфни қачонлардир қутқара олишига унда ҳеч қандай умид йўқ эди.

Юсуф вактлар ўтиши билан у билан яхши муносабатда бўлган хўжайинида илтифот топди. Пўтифар Юсуфни ўзининг бутун хонадони ва мол-мулклари устидан қўйди. Лекин Юсуфнинг яшаш шароитлари яна яхшиланиб бораётган бир вактда, Пўтифарнинг хотинининг юрагида нихоятда ёмон нарса туғилди. У унга эҳтиросли нигоҳларини қаратди ва у билан зино қилишни хоҳлади. У ҳар куни уни йўлдан уришга ҳаракат қилди, бироқ Юсуф уни рад этди. Бир куни Юсуф билан ёлғиз қолганларида, уни бурчакка сиқиб, уни ўзи билан ётишга мажбурлади. У рад этди ва шошганидан, унинг қўлида кийимини қолдириб қочиб кетди. Юсуф бундай қилганида, аёл ўзини камситилган ҳис қилди ва Юсуфни зўрлашга уринганликда айблаб, қичқирди. Пўтифар Юсуфни фиръавннинг қамоқхонасига ташлади.

Фиръавннинг қамоқхонаси Америкадаги қамоқхоналарга умуман ўхшамаслигини айтиб ўтиш лозим. Мен бир қанча қамоқхоналарда хизмат ўтказганман ва улар қанчалик ёмон бўлмасин, фиръавннинг зинدونи билан тенглаштирганда, улар шаҳар ташқарисидаги ҳовли жойга ўхшар эди. У жойда қуёш нури ҳам, хоналарнинг деворлари ҳам йўқ эди, фақатгина нурдан ва иссиқликдан маҳрум қилинган чанг босган зиндон эди. Шароитлар шафқатсиз ва ғайриинсоний эди. Маҳбусларни у ерга фақатгина “қайфу” нонига ва сувига эга бўлиб, аста-секин ўлиш учун ташлар эдилар (ЗШоҳ.22:27). Уларга

фақатгина тирик қолишлари ва азобланишда давом этишлари учун етарлича овқат берар эдилар. Сано китобидаги 104:18га мувофиқ, Юсуфнинг оёқлари кишанлардан оғрир эди ва у унинг танаси темир қафасда эди. У бу зиндонга ўлиш учун ташланган эди.

Агар у мисрлик бўлганида эди, унда ҳеч бўлмагандан озод бўлишга қандайдир имкон бўлар эди, лекин зўрлашда айбланган ўзга ерлик қул сифатида жуда оз умидга эга ёки умуман умидга эга эмас эди. Бундан оғир вазият бўлмайди. Одам фақатгина ўлмасдан нақадар паст қулаши мумкин бўлса - Юсуф шу қадар қулаган эди.

Сиз унинг бу зиндоннинг зим-зиё қоронғулигига фикрларини тушуна оласизми? “Мен хўжайнимга ўн йил содик ва ҳалол хизмат қилдим. Мен унинг хотинидан кўра ишончлироқман. Мен Худога ва ўз хўжайнимга содик қолдим. Менга бунинг учун мукофот қандай? Зиндон!

Шундай таасуротдаманки, мен қанча тўғри йўл тутишга ҳаракат қилсан, менга шунча ёмон бўлмоқда. Қандай қилиб, Худо бунга йўл қўйиши мумкин? Наҳотки биродарларим мендан Худонинг ваъдасини ҳам ўғирлашга муваффақ бўлган бўлса? Нима учун бу Қудратли, Ахднинг Худоси мени қутқариш учун менинг вазијатларимга аралашмади? Наҳотки содик ва севувчи Худо Ўз хизматкорларига шундай ғамхўрлик қилиши керак бўлса? Бу менга нима учун? Мен нима қилдим? Мен фақатгина Худодан нимадир эшитганимга ишондим”. Ишончим комилки, у шундай ёки шунга ўхшаш фикрлар билан курашган.

Ўша пайтда унинг озодлиги ниҳоятда чегараланганди эди, лекин унда ўзи билан содир бўлган воқеага қандай муносабат билдиришни танлаш ҳуқуқи бор эди. У хафа бўлиб, ўз биродарларидан ва охир натижада Худодан аччиқланадими? Яшашга ундейдиган сўнгги са-

бабдан ўзини маҳрум килиб, унга берилган ваъданинг бажарилишига бўлган ҳар қандай умидларидан воз кечадими?

Худо вазиятни назорат қиласдими?

Мен ўйлайманки, буларнинг ҳаммаси ўтиб кетгунича, бирор марта Юсуфнинг онгига булар- уни давлатни бошқаришга тайёрлаш учун Худонинг иш жараёни эканлиги келмаган. У келажакдаги ҳокимиятини уни сотган биродарлари устидан қандай қўллади? Юсуф ўз азоблари орқали итоат қилишни ўрганди. Унинг биродарлари Худо мохирона ишлатган қурол бўлдилар. Юсуф Худони берган ваъдаси бўйича излаганида бу ваъдада қаттиқ тутадими?

Балки Юсуф ўша тушларни кўрганида, у уларга унинг ҳаётидаги Худонинг илтифотининг тасдиги деб ўйлагандир. У ўша пайтда ҳокимият – одамни бошқаларнинг орасидан ажратиб ташлаш учун эмас, балки хизмат қилиш учун берилишиниenglishtopuz.com англаш етмаган эди. Кўпинча бундай тайёргарлик жараёнларида биз Худонинг улуғворлигига қаратилган бўлишнинг ўрнига, вазиятларимизнинг тоқат қилиб бўлмаслигига қараймиз. Бунинг натижасида биз азоб чекамиз ва бизнинг барча кулфатларимизда айблаш мумкин бўлган одамни излаймиз. Худо барчасининг олдини олиши мумкинлиги ва бизга барча бу даҳшатни бошдан кечиришни бермаслиги, лекин У бундай қилмаганлиги ҳақидаги ҳақиқат билан тўғридан-тўғри дучкеганимизда- биз кўпинча Уни айблаймиз.

Юсуфнинг онгига: “Мен Худо ҳақида менга маълум бўлган нарсаларга мувофиқ яшадим. Мен Унинг низомларини бузмадим, Унга қаршилик қилмадим. Мен фақатгина Худонинг Ўзи берган тушни айтдим. Бунинг натижасида мен нимага эгаман? Менинг биродарларим менга хоинлик қилдилар ва мен қулликка сотилдим! Отам мени ўлган деб ҳисоблайди ва мени топиш учун Мисрга ҳеч қачон

келмайди”, - деган фикрлар жаранглашда давом этган. Унинг учун асосий айбдорлар биродарлари бўлган. Улар уни ушбу зиндонга ташлаган кучлар эдилар. Эҳтимол у, агарда Худо у тушида кўрган ўша вазиятни ва ҳокимиятни унга берса, барчаси нақадар бошқача бўлиши ҳақидаги ўйларни аллалагандир. Агар биродарлари унинг келажагини кесиб ташламаганларида барчаси нечоғлик бошқача бўлар эди.

Бизнинг биродарларимиз ва опа-сингилларимиз бошқаларни айблаб, худди шу тузокка тушишларини нақадар тез эшитиб турамиз. Масалан: “Агар хотиним бўлмаганида эди, мен аллақачон хизматда бўлар эдим. У менга қаршилик қилди ва менинг нақадар кўп орзуларимни барбод қилди”.

“Агар ота-онам бўлмаганида эди, ҳаётим яхши бўлган бўлар эди. Улар менинг шу топдаги ҳолатимда айбдордирлар. Нима учун бошқаларнинг ота-оналари яхши, меники эса йўқ? Агар менинг ота-онам ажрашмаганларида эди, менинг шахсий оилас яхши ахволда бўлар эди”.

“Агарда инъомимни менда бўғган чўпоним бўлмаганида эди, мен озод бўлган бўлар эдим ва менга ҳеч нарса ҳалақит бермаган бўлар эди. У менга хизматдаги вазифамни бажаришга имкон бермади. У жамоатдаги одамларни менга қарши қилиб кўйди”.

“Агар аввалги эрим бўлмаганида эди, менда ва менинг болаларимда шунча пул муаммолари бўлмас эди”.

“Агар жамоатда бу аёл бўлмаганида эди, етакчилар билан муносабатим ҳозиргача яхши бўлар эди”.

Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Ўзининг ҳамма муаммоларида барчани айблаш ва агар бу одамлар бўлмаганида,

сизга қанчалар яхши бўлишини тасаввур қилиш осон. Сизнинг ҳафсалангиз пир бўлишида ва кулфатларингизда уларни айбдор деб ҳисоблайсиз.

Мен кейинги вазиятга дикқат қилишни хоҳлайман: Ҳеч қандай эркак, аёл, бола ёки шайтон сизни Худонинг иродасидан чиқара олмайди! Сизнинг тақдирингиз фақатгина Худонинг қўллариададир. Юсуфнинг биродарлари Худо унга берган ваҳийни йўқ қилишга тиришиб, ҳаракат қилдилар. Улар Юсуфнинг тушларига барҳам берилди дея ўйладилар. Уларнинг оғизлари: “Келинглар энди, уни ўлдирамиз ва бирор бир чуқурга ташлаймиз... ва кўрамиз, унинг тушидан нима чиқар экан”, -деди (Ибитидо 37:20). Улар уни ўлдиришга чоғландилар. Бу баҳтсиз воқеа эмас эди. Бу тушуниб қилинган иш эди. Улар Юсуфга омад учун бирор бир имконият қолдиришни хоҳламадилар.

Лекин сизлар нима деб ўйлайсизлар, наҳотки улар уни қулликка сотгандарида, Худо осмонда Ўз Ўғлига ва Муқаддас Рухга қараб: “Энди нима қиласиз? Унинг биродарларини нима қилганликларига қаранг. Улар Юсуф учун бўлган Бизнинг режамизни барбод қилдилар. Биз тезроқ нимадир ўйлаб топишимиш керак. Бизда қўшимча вариантлар борми?” – деган бўлса?

Кўплаб Масихийлар инқироз вақтларида самода айнан шундай ҳолат содир бўлаяпти деб ўйлайдилар. Отанинг Исо Масихга бундай деяётганини тасаввур қила оласизми: “Исо, Джимни ишдан ҳайдадилар, чунки унинг имонли ҳамкаслари у ҳақда ёлгон гапирдилар. Бизлар нима қиласиз? Сенда ерда қандайдир банд бўлмаган иш жойи борми?”, ёки “Исо, Салли аллақачон 34 ёшда, бироқ у ҳозиргacha турмушга чиқмади. Сенда ерда унинг учун бирор-бир уйланмаган эркак борми? Чунки Мен унинг учун тайёрлаган эркак

Саллини қоралаган ва юрагини Саллидан совутган энг яқин дугонасига уйланди”. Бу бемаъни туюлади, бироқ бизнинг реакциямиз гувоҳлик берадики, биз Худони шундай тасаввур киламиз.

Келинг, Юсуф бугунги кунлардаги жамоатларимизда қандай муносабатда бўлиши мумкинлигини кўриб чиқамиз. Агарда у бизларнинг кўпчилигимиз каби бўлганида эди, нима қилишини билган бўлар эдингиз. У қасос режаларини тузган бўлар эди. У ўзини куйидагича фикрлар билан юпатган бўлар эди: “Мен уларгача етиб борганимда уларни ўлдираман! Мен билан шундай қилганликлари учун уларни йўқ қиласман. Улар бу учун тўлов тўлайдилар”.

Бироқ, агарда Юсуфнинг акаларига нисбатан муносабати шундай бўлганида эди, Худо уни ўша зинданда чириб кетиш учун қолдирган бўлар эди. Чунки агар у қамоқхонадан шундай хоҳишлар ва ниятлар билан чиққанида эди, у Истроилнинг бўлажак ўнта қабиласидаги бошлиқларнинг ҳаммасини ўлдирган бўлар эди. Улар орасида у орқали Масих туғилиши керак бўлган Яхудо ҳам бор эди.

Ҳа, Юсуф билан бетавфиқларча муносабатда бўлган одамлар Истроилнинг қабила бошлиқлари эдилар. Худо эса Иброҳимга ундан бутун бир халқни келтириб чиқаришни ваъда берган эди. Улар орқали охир натижада Раббийнинг Ўзи – Исо Масих келиб чиқиши керак эди! Юсуф хафалик юракка кириб боришига рухсат бермади ҳамда Худонинг режаси у ва унинг биродарлари учун уларнинг ҳаётларида мустаҳкамланди.

БУНДАН ҲАМ ЁМОНИ БЎЛИШИ МУМКИН ЭДИМИ?

Зиндан Юсуф учун элаш даври бўлди, шунингдек, янги имкони-

ятлар даври бўлди. Зиндонга Юсуф билан бирга ташланган иккита маҳбус бор эди: уларнинг иккаласи ҳам ташвишлантирувчи туш кўрдилар. Юсуф бу иккала тушни ҳам хайрон қоларли аниқлик билан таъбир қилиб берди. Бир маҳбус қатл қилинаётган бир вақтда, бошқаси ўз мансабига тикланиши керак эди. Юсуф ҳадемай озод этилиши лозим бўлганидан, у қайта фиръавнинг илтифотини қозонганида уни эсга олишини сўради. Ўша одам яна фиръавнга хизмат қилишни бошлади, аммо у икки йил ўтса ҳамки, Юсуф ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтмади. Бу Юсуфнинг ҳафсаласи пир бўлиши учун яна бир сабаб, хафа бўлишига яна бир имконият эди.

Худода ҳар доим режа бор!

Фиръавн ниҳоятда кўрқинчли туш кўрганида Юсуфнинг вакти келди. Унинг сехргарлари ва доно кишиларидан ҳеч бири бу тушнинг маъносини тушунтириб бера олмади. Айнан ўша вақтда қайта тикланган хизматкор Юсуф ҳақида эслади. У Юсуф унинг тушини ва бошқа маҳбуснинг тушини таъбирини қандай айтиб берганини айтди. Юсуфни фиръавннинг олдига олиб келдилар ва Миср подшоҳига бу туш яқинлашиб келаётган очликни билдиришини таъбир қилди ҳамда бу танглилка қандай тайёргарлик кўриш ҳақида унга доно маслаҳатлар берди. Фиръавн тезда Юсуфнинг обрўсини кўтариб, уни Мисрда ўзидан сўнг иккинчи бошқарувчи қилиб қўйди. Юсуф Худо томонидан унга берилган донолик ёрдамида мамлакатни яқинлашиб келаётган машақкатли вақtlарга тайёрлади. Кейинроқ очлик барча маълум халқларни қамраб олганида, Юсуфнинг биродарлари ёрдам олиш учун Мисрга боришларига тўғри келди. Агар Юсуф юрагида биродарларига қарши бирор нарсага эга бўлганида эди, бу- уни амалга ошириш учун қулай фурсат бўлар эди. У уларни қамоқقا умрбод қамаб қўйиши, азоблаши ва

ҳаттоқи ўлдириши мумкин эди ва ҳеч ким уни айблай олмас эди, чунки у Мисрда фиръавндан кейин турувчи иккинчи шахс эди. Унинг биродарлари эса фиръан учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эдилар.

Бироқ Юсуф биродарларига нонни текин берди. Шундай сўнг Мисрда унинг оиласи учун энг яхши ер ажратиб берилди ва улар ушбу ернинг ёғидан едилар. Хуллас, уларга бутун Мисрдаги энг яхши ер майдони берилган эди. Юсуф уни лаънатлаганларни дуо қилди, ундан нафратланувчиларга эзгулик қилди (Матто 5:44га қаранг).

Худо Юсуфнинг биродарлари нима қилишларининг барчасини олдиндан билган. Раббий ҳали Юсуфга ўша тушларни бергунинг қадар ёки ҳали умуман уларнинг бирортаси туғилгунинг қадар, улар шундай йўл тутишларини билар эди.

Янада яқинроқ келиш учун биродарлари яна қайтиб келганларида Юсуф уларга нима деганига эътибор беринг: “Энди эса, сизлар мени бу ерга сотганлигинги ҳақида қайғурманг ва ачинманг, чунки Худо мени сизларнинг жонларингиз сақлаб қолиниши учун сизлардан олдин юборди. Зеро энди ер юзида икки йил очлик бўлади. Яна беш йил ер хайдаш ва ўриш бўлмайди. Худо мени сизларни ерда тирик қолдириш ва сизларнинг жонларингизни буюк нажот билан сақлаб қолиш учун сизлардан олдин юборди. Шундай қилиб мени бу ерга сизлар эмас, Худо юборди...” (Ибитдо 45:7-8).

Сано 104:16-17 оятларга назар ташланг: “Ерга очлик чақирди; ҳар қандай ноннинг шохини қирди. Уларнинг олдидан одамни юборди. Юсуф қулликка сотилди”.

Юсуфни ким юборди? Унинг биродарларими ёки Худо? Икки гувоҳнинг оғзидан биз қўрамизки, уни Худо юборган. Юсуф ўз биродарларига: “Мени бу ерга сизлар юбормадингиз”, - дея аниқ айт-

ган. Рухнинг гапирганига қулоқ туting!

Аввал айтганимдек, хеч бир ўладиган одам ёки шайтон Худонинг режасини сизнинг ҳаётингиздан сиқиб чиқара олмайди. Агар сиз бу ҳақиқатни қабул қилсангиз, у сизни озод қиласди. Бироқ сизни Худонинг иродасидан чиқара оладиган биргина одам бор – бу сизнинг ўзингиз!

Истроил халқи ҳакида фикр юритинг. Худо уларни Миср қуллигидан олиб чиқиши ва Ваъда қилинган ерга олиб бориш учун уларга ҳалоскорни, Мусони юборди. Саҳродан бир йил кечганларидан сўнг, ваъда қилинган ерни кўриб келишлари учун Истроил етакчиларидан айғоқчилар юборди. Улар шикоят қилиб қайтиб келдилар. Улар ҳарбий соҳада истроилликлардан кўра кучлироқ ва бўйлари баландроқ бўлган ўша ернинг алқларидан қўрқкан эдилар.

Иешуа бин Нун ва Халебдан ташкари бутун Истроил халқи шу етакчиларга қўшилди. Одамларга улар ўша жойда ўлиб кетишлари учун Худо уларни бу ерга олиб келгандек кўринди. Улар Мусодан ва Худодан хафа бўлдилар. Бир йилдан ортиқроқ вақт мобайнода вазият шу алфозда бўлди. Уларнинг хафа бўлишлари – ушбу авлоднинг ваъда қилинган ерни ҳеч қачон кўрмасликларига олиб келди.

Кўпгина одамлар Раббийга оловда хизмат қилганлар, бироқ улар билан ё бетавфиқ одамлар, ё тана изми билан яшайдиган Масиҳийлар ёмон муносабатда бўлганликлари сабабли қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолганлар. Ҳақиқат шундан иборатки, ҳақиқатдан ҳам улар билан ноҳақ муомалада бўлишган. Бироқ хафа бўлиш – бу уларни Худонинг иродасидан чиқаришни ўз ичига олган душманнинг мақсадини бажаришни билдиради.

Хафаликни қабул қилишни рад этиб, сиз Худонинг иродасида қолган бўласиз. Агарда сиз хафа бўлсангиз, сиз душманнинг шахсий ниятини ва иродасини бажаришни бошлишингиз учун у сиз-

ни озрок ишлатади. Нимани танлашни қарор қилинг. Хафаликдан нарироқда туриш кўп фойдага эга.

Раббий бу ҳақида олдиндан билмасидан туриб ҳеч нарса бизга қарши қилинмаслигини тушунишимиз лозим. Агар шайтон ўзи хоҳлаганида бизни ҳалок қила олганида эди, у аллақачон бизни йўқ қилар эди, чунки у одамларни жон-жаҳди билан ёмон кўради. Ҳар доим ўзингизда ушбу насиҳатга эга бўлинг:

Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа васваса келмаган. Худо эса содикдир, У кучингиз етмаган васвасага тушишга йўл қўймайди, лекин васваса пайтида бардош беришингиз учун ҳалос йўлини (Инглизчада: “аниқ қутулиш имкониятини”) ҳам беради”.

-1Коринфликларга.10:13.

Шуни билиб қўйингки, бу ерда шунчаки “ҳалос бўлиш имконияти” эмас, “аниқ ҳалос бўлиш имконияти” дейилмоқда. Раббий биз келажакда дуч келадиган ҳар бир хужумкор вазиятни у қанчалик улкан бўлмасин кўради ва ундан ҳалос бўлишнинг аниқ имкониятини У олдиндан назарга олган. Янада ҳайратланарлиси шундаки, агарда биз Худога бўйсунсак ва хафаликдан озод бўлсак, кўпинча, Худонинг режаси тугагандек кўрингани ҳақиқатда, унинг бажарилиши йўлига айланади.

Шундай қилиб, билиб олинг, хафаликни қабул қилишни рад этиб, Худога бўйсунинг: “Иблисга қарши туринглар ва у сизлардан қочиб кетади” (Ёқуб 4:7). Биз ўз юрагимизга хафаликни киритмасдан, шайтонга қарши турамиз. Эҳтимол, туш ёки ваҳий сиз уни кутганингиздан бошқача амалга ошар, бироқ Унинг Сўзи ва ваъдалари ҳеч қачон йўққа чиқмайди. Бизлар фақатгина итоатсизлигимиз билан уларни ҳаётимииздан жудо қилиш хавфига эгамиз.

ХОИНЛИКНИНГ БОШҚАЧА КҮРИНИШИ

Кўпчилик Юсуф каби ўз биродарлари томонидан бундан азобларни ва бундай даҳшатли муносабатни бошдан кечирган эмас. Агарда у билан унинг душмани шундай йўл тутганида, бу унчалик оғрикли бўлмас эди. Бироқ бу унинг туғишган биродарлари, унинг танаси ва қони эди. Улар уни химоя қилишлари, кўллаб-куватлашлари, далда беришлари ва у ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим бўлган одамлар эдилар. Юсуф чидашига тўғри келган хоинликдан қўра мудхишроқ сценарий борми?

**БИРОДАРЛАР ЁКИ ОПА-СИНГИЛЛАР
ТОМОНИДАН
ЁВУЗЛИКНИ ВА РАД ҚИЛИНИШНИ БОШДАН
КЕЧИРИШ БОШҚА ГАП,
БИРОҚ ОТА ТОМОНИДАН ЁВУЗЛИКНИ ВА РАД
ҚИЛИНИШНИ
ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШҚА ГАП.**

Мен махсус колледж ва олийгоҳ ўқитувчисиман. Мен яқин кунларда: “Шайтоннинг хўрагини” ўқиб чиқдим. У менинг ҳаётимга бир қанча ваҳийлар олиб келди. Мен бунинг видеосини талабалар билан ўртоқлашдим ва Муқаддас Рух синфимизда шу қадар кучли эдикни, ҳар бир киши хафаликларини эътироф қилди ва кечирим сўради. Бир неча болалар бу уларнинг ҳаётларидаги энг ажойиб кун эканини айтдилар. Бир талаба анча муддатдан бўён сухбатлашмайдиган отаси билан ярашди. Бошқа бирида эса буваси яралаган чукур яралар шифолана бошлади. Раббий бу болаларга қурдатли тарзда ёркин хизмат қилди. Бу нома учун сизга раҳмат.

-Р.Ф. , ИНДИАНА

МЕНИНГ ОТАМ, МЕНИНГ ОТАМ!

Менинг отам! ...Менинг кўлимда ёвузлик, макр ҳам йўқлигини билгин

ва ишонгин. Мен сенга қарши гуноҳ қилмадим; сен эса жонимни олиш учун уни изламоқдасан.

-ИШоҳ.24:11.

Биз ўтган бобда Юсуфнинг биродарлари уни ўлдиришга ҳаракат қилганликларини кўриб чиқдик. У хоинлик сабабли қандай оғриқни бошдан кечирганлигини кўрдик. Эҳтимол, сиз бунга ўхшаш вазиятдадирсиз. Сизга энг кўп яқин бўлғанлар, севги ва далда кутган одамларингиз томонидан хоинликка дуч келгандирсиз.

Мен ушбу бобда биродарларнинг хоинлигидан кўра, янада оғриқлироқ вазиятни кўриб чиқишни хоҳлайман. Биродарлар томонидан ёвузликни ва рад этилишни бошдан кечириш бошқа гап, бироқ ота томонидан ёвузликни ва рад этилишни бошдан кечириш умуман бошқа гап. Мен оталар ҳақида гапирганимда, фақатгина жисмоний оталарни назарда тутганим йўқ, лекин Худо бизнинг устимииздан қўйган ҳар қандай етакчиларни назарда тутяпман. Бу бизни севиши, барпо қилиши, озиқлантириши ва бизга ғамхўрлик қилиши лозим бўлган одамлардир.

СЕВГИ-НАФРАТ МУНОСАБАТЛАРИ

Отаси хоин бўлган мисолни кўздан кечириш учун подшоҳ Шоул ва Довуднинг орасидаги ўзаро муносабатни кўриб чиқамиз (1Шоҳ.16-31га қаранг). Уларнинг ҳаётлари, Худонинг пайғамбари Шомуил Довудни Исроил устидан подшоҳликка мойлаганидан сўнг учрашганларидан олдинроқ бирлашган эди. Довуд: “Бу ўша Шоулни мойлаган одам. Демак, мен ҳақиқатан подшоҳ бўламан”, - деб ўйлаб, завқ-шавқли ўйга чўккандир. Шоул Худога қулоқ солмаганлиги сабабли ёвуз рух томонидан азобланар эди. Тинчлик – фақатгина кимдир торли чолғу асбобини чалганидагина келар эди. Шоулнинг хизматкорлари унинг учун чала оладиган ва унга хизмат қиласидиган ёш йигитни излай бошладилар. Шоҳликнинг хизматкорларидан бири Иешайнинг ўғли Довудни тавсия қилди. Подшоҳ Шоул Довудга одам юборди ва уни хизмат қилиш учун саройга таклиф қилди.

Балки Довуд: “Худо Шомуил пайғамбар орқали берган ваъдасини бажаришни бошлади. Мен подшоҳлик даражасига етишимга шубҳа йўқ. Бу подшоҳлик йўлига менинг биринчи қадамим бўлади”, - деб ўйлаган бўлса керак.

Бир куни отаси Довуддан филистимликлар билан жанг майдонида бўлган катта акаларига озиқ-овқат олиб бориб беришини сўради. Довуд у жойга етиб бориб, кирқ кун давомида Худонинг қўшинини ҳақорат қилаётган филистимликларнинг яккама-якка курашувчиси Голиётни кўрди. Бу девқоматни енгганга подшоҳ қизини беришини Довуд билди.

Довуд подшоҳнинг олдига келди ва ундан Голиёт билан жангга чиқишига рухсат беришини сўради. У Голиётни ўлдирди ва Шоулнинг қизига эга бўлди. У аллақачон ўша вақтгача Шоулнинг

илтифотига эга бўлган ва подшоҳ билан ёнма-ён яшashi учун саройга таклиф қилинган эди. Шоулнинг тўнғич ўғли Довуд билан абадий дўстлик аҳдини тузди. Шоул Довудга топширган *топшириқларининг* барчасида у одамли эди, зеро Худонинг қўли унинг устида эди. Подшоҳ унга шоҳ ўғиллари билан бирга бир дастурхондан овқатланишни таклиф килди.

Довуд шод эди. У саройда яшар, подшоҳ дастурхонидан овқатланар, подшоҳнинг қизига уйланган, Ионафан билан дўстлашган ва ўзининг ҳар бир ишида муваффакиятли эди. У Истроил халқининг севгисини ва илтифотини қозонди. У Шомуилнинг башорати қандай амалга ошаётганини кўра олиши мумкин эди.

Шоул Довудни ўзининг бошқа барча хизматкорларидан афзал кўрар эди. У унга отаси каби бўлиб қолган эди. Шоул уни тарбиялашига, ўргатишига ва бир кун буюк иззат-икром билан уни тахтга ўтқазишига ишончи комил эди. Довуд Худонинг содиқлигидан ва эзгулигидан хурсанд эди. Бироқ ҳаммаси бирдан ўзгарди.

Шоул ва Довуд биргаликда жангдан қайтаётгандарида, Истроилнинг барча шаҳарларидан аёллар чиқдилар ва рақсга тушиб, *шуңдай* куylадилар:

“Шоул мингтани ўлдирди, Довуд эса ўн мингтани ўлдирди”. Бу Шоулни ғазаблантирида ва ўша кундан бошлаб, у Довудни ёмон кўриб қолишни бошлади. Довуд унинг учун киннор³ чалаётганида, Шоул икки маротаба уни ўлдиришга уринди.

Муқаддас Ёзув айтадики, Шоул Довуддан нафратланган. Чунки Худо у билан эмас, Довуд билан эканлигини у билар эди. Довуд қочиб кетиб қутилиб қолишга мажбур эди ва сахрого қочиб кетди.

Довуд: “Нима бўляпти,- дея ўйлади,- илгари менинг тарбияловчим

бўлган одам мени ўлдиришга уринмоқда. Мен нима қилай? Шоул – Худонинг мойланган хизматкори. Агар у менга қарши чиқса, менда муваффақият учун қандай имкон қолади? У Худонинг халқини бошқарувчи, Худонинг одами, подшоҳdir. Нима учун Худо буларга йўл қўйди?”

Шоул уч мингта танланган исроил қўшинига бошчилик қилиб, Довудни бир сахродан бошқасигача таъқиб қилди, бир ғордан бошқасигача кувди. Уларнинг мақсади фақатгина битта эди: Довудни ўлдириш.

Ўша лаҳзада ваъдадан фақатгина соя қолди. Довуд энди бошқа саройда яшамас ва подшоҳ дастурхонидан овқатланмас эди. У заҳгорларда яшар ва сахрода яшайдиган ҳайвонларнинг охиригача емаган гўштларнинг қолдиклари билан озиқланар эди. У бошқа подшоҳ билан бирга ўтирмас, аксинча, қачонлардир елкама-елка туриб жанг қилган одамлар томондан таъқиб қилинар эди. Унда иссик тўшак ва хизматкорлар йўқ эди, у сарой аъёнларидан бошқа мақтовлар эшитмас эди. Унинг хотинини бошқасига бердилар. У ватансиз, ёлғиз дарбадар бўлиш нима эканлигини тушунган эди.

Эътибор беринг, шайтон эмас, Худо Довудни Шоулнинг паноҳи остига кўйган эди. Нима учун Худо нафакат бунга йўл қўйиб берди, балки буни режалаштирид ҳам? Нима учун Довуднинг нигоҳи қархисида илтифотни намоён қилишди, уни бирдан қайтариб олиш учунми? Довуд учун васваса даври бошланди, у фақатгина Шоулдан эмас, бирок Худодан ҳам нолиши ва хафа бўлиши мумкин эди. Азобли саволлар Худонинг донолигига ва Худонинг режаларига шубҳа билан қараш вассасасини кучайтириди.

Шоул ҳар қандай баҳо эвазига бу йигитни ўлдиришни хоҳлар эди ва унинг ақлдан озиши қўчайиб борди. Довуд умидсизликка тушиб қолди.

Нод шаҳрининг руҳонийлари уни подшоҳнинг топшириғи билан юрибди деб ўйлаб, Довудни яшаш жойи билан, озиқ-овқат билан таъминладилар, шунингдек, унга Голиётнинг қиличини бердилар. Довуд Шоулдан қочиб юрганлигини улар билмас эдилар. Раббийга Довуд учун илтижо қилганларидан сўнг, уни жўнатиб юбордилар. Шоул бу ҳақда билиб қолиб, ғазабланди. У Раббийнинг саксон беш нафар айбсиз руҳонийларини ўлдирди ва бутун Нод шаҳрини: эркакларни, аёлларни, болаларни, гўдакларни, сигирларни, эшакларни ва қўйларни қиличдан ўтказди. У амаликларнинг устидан чиқарилиши керак бўлган хукмни айбсиз одамларнинг ва ҳайвонларнинг устидан чиқарди. У қотилга айланди. Қандай қилиб Худо бундай одамга қачонлардир Ўз Руҳини қўйган эди?

Бир куни Шоул Довуд Эн-гади сахросида эканлигини билиб қолди ва ўзи билан уч минг кишилик қўшинни олиб, унинг ортидан жўнади. У қувиш пайтида ҳожат чиқариш учун бир ғорнинг оғзида тўхтади ва унинг шундоқкина орқасида Довуд яшириниб турганлигини билмади. Шоул ўзининг ёнига подшоҳлик кийимини қўйди. Довуд билдирмасдан яширинган жойидан чиқиб, кийимнинг бир четини кесиб олди ва билдирмасдан яшириниб олди. Шоул ғордан чиқсан заҳоти, Довуд ерга қадар сажда қилди ва унга: “Менинг отам, қарагин! Кийимингнинг бир парчаси менинг қўлимда! ...Менинг қўлимда ёвузлик ҳам, макр ҳам йўқлигини билгин ва ишонгин. Мен сенга қарши гуноҳ қилган эмасман. Сен эса менинг жонимни олиш учун уни излаб юрибсан”, - деди (1Шоҳ.24:11).

Довуд Шоулга: “Менинг отам! Менинг отам!” –дея фарёд қилди. Сизларга аникроқ бўлши учун: У: “Менинг юрагим қандайлигига қарагин! Менинг отам бўлгин. Мен йўлбошчига муҳтожман!” – деди. Довуднинг юрагида умид яшар эди.

ОТАЛАР ҚАЕРДА?

Мен Масиҳнинг танасидаги беҳисоб эркакларнинг ва аёлларнинг юракларида шундай қичқириқни эшитганман. Уларнинг кўпчилиги Худонинг даъватига эга бўлган ёш одамлардир. Улар ота учун: уларни ўқитадиган, севадиган, қўллаб-қувватлайдиган ва далда берадиган одам учун нола қиласидилар. Мана, нима учун Худо: “У оталарнинг (етакчиларнинг) юракларини фарзандларига (Худонинг халқига) ва фарзандларнинг юракларини оталарига буради, токи Мен келиб, ер юзини лаънат билан шикастламайин”, - деган (Малъахи 4:6).

Бизнинг мамлакат 1940-1950 йилларда ўз оталаридан (ота-оналаридан, етакчиларидан ва хизматчиларидан) айрилган ва бугунги кунларда бизнинг вазиятимиз тобора ёмонлашмоқда. Бизнинг уйларимиздаги, уюшмаларимиздаги ва жамоатларимиздаги кўпгина етакчилар Шоулга ўхшаб келажак авлоддан кўра, ўзларининг эҳтиёжлари ташвишида юрибдилар.

Шундай муносабат туфайли, етакчилар, ўз хизмат мақсадларига-халққа хизмат қилиш машинаси деб қараш ўрнига, Худонинг халқига хизмат мақсадини амалга ошириш манбаи деб қарамоқдалар.

Жароҳатланган ҳаётлар ва синиб қолган одамларнинг баҳоси билан эришилган натижа – асосий мақсаднинг муваффақият қозонгани билан оқланмокда. Мувафаққият учун адолат, шафқат, бенуқсонлик ва севгидан кечилади. Уларнинг қарорлари пулга, шунингдек, ютуқларининг сонига асосланади.

Бу Довуд бошидан кечирганидек воқеаларни бошдан кечиришга эшик очади, боз устига, Шоул ўз подшоҳлигини саклаб қолиши керак эди. Одамлар билан муносатнинг бундай кўриниши кўпчилик етакчилар учун маъқулдир, чунки улар буни Хушхабар тарқатиш мақсади билан оқладилар.

Накадар кўп етакчилар ўз одамларини шубҳа сабабли йўқотадилар? Нима учун бу етакчилар бу қадар шубҳаланувчи? Чунки улар Худога хизмат қиласмайдилар. Улар ўзларининг мақсадларига хизмат қиласмайдилар. Улар Шоул каби улар ўз даъватларига ишонмайдилар ва бу ҳасад ва мағрурлик олиб келади. Улар имонли эканликларини биладиган бошқа одамлардаги қобилияtlарни кўра оладилар ва бундай одамларни токи улардан ўзларига фойда келгунича ишлатишга ҳаракат қиласмайдилар. Шоул Довуднинг ўзи учун хавф-хатар эканлигини кўрмагунича унинг муваффакияtlаридан роҳатланди. Шундан сўнг у Довудни мансабда пасайтириди ва уни ўлдириш учун имкон излади.

Мен кимга ишонишини излаётган жуда кўп ёш эркаклар ва аёллар билан сухбатлашганман. Улар ўрганишни, етакчисига қулоқ солишни хоҳлаганлар ва уларга ота бўлиши учун кимнидир излаганлар. Бироқ Худо улар рад этилиш ва ёлғизлик орқали ўтишларига йўйл қўйган. Бу – Худо Довудда ҳосил қилган нарсани уларда ҳам ҳосил қилишни хоҳлагани учун содир бўлди. Рух нима дейишига диққат билан қулоқ солинг.

Довуд Шоул уни ёвуз ва исёнкор одам деб хисоблаганлигидан ташвишда эди. У ўз юрагини текшириши керак эди: “Мен нимада ноҳақман? Нима учун Шоулнинг юраги менга қарши шунчалик тез қарши бўлиб қолди?” Довуд агар у Шоулга ўз севгисини исбот қилишга муюссар бўлса, унинг иноятига қайтишини, шундагина Шомуилнинг башорати амалга ошишини ўйлаган. Мана, нима учун у ҳайқирган: “Менга сени ўлдиришимни айтдилар, бироқ мен сенга шафқат қилдим. Мен фақаттина кийимингнинг бир четини кесиб олдим, токи сен менинг қўлимда ёвузлик ҳам, исён ҳам йўқлигини кўриб, била олгин” (1Шоҳ. 24:11га қаранг).

Отасидан ва етакчисидан рад этилганликни бошдан кечирган одамларнинг барчаси ўз-ўзини айблашга мойилдирлар. Улар азоб билан ўйлайдилар: “Мен нима қилдим? Наҳотки менинг юрагим нопок эди? Етакчининг юрагини ким менга қарши қаратди?” Сўнгра улар яна қабул қилинган бўлишлари учун ҳар доим ўзларининг айбизз эканликларини исботлашга уринадилар. Бироқ бу қанчалик азобли бўлмасин, улар буни қанча кўп тиришиб қилсалар, ўзларини шунча кўп рад этилган ҳис қиласидилар.

КИМ МЕН УЧУН ҚАСОС ОЛАДИ?

Шоул Довуд уни ўлдириши мумкин бўлганини, аммо буни қилмаганини кўрганида, у Довуднинг олийжаноблигини тан олди. Шу сабабли у ва унинг одамлари кетдилар. Довуд бундай деб ўйлаган бўлса керак: “Энди подшоҳ мени қайта тиклайди. Эндиликда башорат амалга ошади. Шубҳасиз, у менинг юрагимни кўради ва менга нисбатан муносабати ўзгаради”.

Бунчалик тез эмас, Довуд! Орадан бир неча кун ўтганидан сўнг, Довуд Гахил тепалигида яшириниб юрганлигини Шоулга етказдилар. Шоул яна ўзи билан яна ўша уч мингта аскарни олиб Довуднинг орқасидан жўнади. Довуднинг ҳафсаласи пир бўлганлигига ишончим комил. Довуд Шоул уни онгли равишда ва қатъий ўлдиришни хоҳлаётганлигини тушуниб етди. У рад этилганликни нақадар ҳис қилган бўлиши керак! Шоул Довуднинг юрагини билар эди, шунда ҳам унга қарши турди. Довуд Авесса билан бирга Шоулнинг лагерига кирди. Соқчиларидан бирортаси уни кўрмади, чунки Худо уларни қаттиқ уйқуга солиб қўйган эди. Бу иккала одам бутун қўшин орасидан Шоул ухлаётган жойгача ўтиб бордилар.

Авесса Довудга деди: Худо ҳозир душманингни сенинг қўлларингга

топширди. Шундай экан, мен уни бир зарбада найза билан ерга михлаб қўйишимга рухсат бергин; мен уни иккинчи марта қайтариб ўтирумайман (1Шоҳ.26:8). Авессанинг Довуд унга Шоулни ўлдиришга рухсат беради деб ўйлашига асослари бор эди.

Биринчидан, Шоул совуққонлик билан саксон беш нафар айбизз руҳонийларни ва уларнинг оилаларини ўлдириди.

Иккинчидан, Шоул уч мингта қўшини билан Довудни ва унинг издошларини ўлдиришга кўтарилиди. “Агар сен биринчи бўлиб душманингни ўлдирмасанг, - ўйлади Авесса, - у албатта сени ўлдиради. Бу ўз-ўзини ҳимоялашдир. Ҳар қандай қонунлар ва халқларо суд бундай қилишга рухсат беради!”

Учинчидан, Худо Довудни Шомуил орқали Истроил подшоҳлигига мойлаган. Агар Довуд Шомуилнинг башоратини кўришни хоҳласа, у ўз меросига эришиши керак.

Тўртинчидан, Довуд ва Авесса тўғри Шоулнинг олдига яқинлаша олишлари учун Худо бутун қўшинни қаттиқ уйқуга солган эди. Худо буни яна нима учун қилди? Бу Авессага адолатни тиклаш учун ягона имкониятдек туюлди.

Бу барча сабаблар ишонарли кўринди. Агар Довуд озгина бўлса ҳам Шоулдан хафа бўлганида эди, у ўзини ҳақ хисоблаб, Авессага Шоулни найза билан ерга михлаб қўйишига рухсат берган бўлар эди.

Довуднинг жавобига қулоқ солинг: “Уни ўлдирмагин; зоро Раббийнинг мойланганига қарши қўлинни кўтарган киши, жазосиз қолармикан? ...Раббий тириқдир! Раббий уни шикастласин ёки унинг куни келади ва у ўлади ёки урушга бориб ҳалок бўлади. Раббийнинг мойланганига қарши қўлимни кўтаришга Раббий менга йўл қўймайди” (1Шоҳ.26:9-10).

Шоул айбиз одамларни ўлдирган ва Довуднинг ўлимини хоҳлаган бўлса ҳам уни ўлдирмади. Довуд ўзи учун қасос олмади, бирок буни Худонинг қўлларига топширди.

Бунга тўғридан-тўғри ўша жойда ниҳоя қўйилганида эди, Довуд учун ва Истроил ҳалқи учун енгил бўлган бўлар эди. Ҳалқ – чўпонсиз қўй подасидек эканлигини Довуд билар эди. Бўрилар ўзларининг шахсий худбинона хоҳишлари учун уларни талон-тарож қилаётганларини у билар эди. Ўзини ҳимоя қилмаслик унга қийин бўлган, бундан ҳам қийинроғи – ўзи севган ҳалқини ақлдан озган подшоҳдан ҳимоя қилиш бўлган. Шоул уни ўлдирмагунича тинчланмаслигини билса ҳам, Довуд шу қарорни қабул қилган эди.

У биринчи марта Шоулга шафқат қилиб, ўз юрагининг тоза эканлигини исботлади. Ҳаттоқи Довудда Шоулни ўлдиришга иккинчи марта имкон бўлганида ҳам у унга тегмади. Шоул Раббийнинг мойлангани эди ва Довуд уни хукм учун Раббийнинг қўлларига топширди. Бугун қанча одам Довуднидек юракка эга? Биз бошқа жисмоний қилич билан ўлдирмаймиз, бироқ биз қиличининг бошқача тури: тил билан бир-биримиздан қасос оламиз. “Ўлим ва ҳаёт – тилнинг ҳокимииятидадир” (Ҳикмат 18:21).

Жамоатлар бўлинмоқда, оиласалар парчаланмоқда, никохлар титрамоқда ва умиднинг ҳалок бўлиши натижасида юзага келадиган хафалик, жаҳл, алам билан айтилган шиддатли сўзлар остида севги ўлмоқда. Дўстлар, оила ва етакчилар томонидан хафа қилиниб, бизлар алам ва ғазаб билан чархланган сўзлар билан хужум қиласиз. Балки айтилаётган гаплар орқали берилаётган маълумот шубҳасиз тўғри ва аниқдир, аммо уларнинг айтишилидан мақсад нопокдир.

Ҳикматлар 6:16-19 оятларда орага нифоқ ва бўлинниш солувчи, Раббий учун жирканч эканлиги айтилади. Бизлар ниманидир ажратиш,

ўзаро муносабатларни бузиш ёки кимнингдир обрўсига путур етка-зиш нияти билан айтганимизда, ҳаттоки бу ҳақиқат бўлса ҳам, биз бирибир Худони ҳақорат қилган бўламиз.

ХУДО МЕНИНГ ЕТАКЧИМНИНГ ГУНОҲЛАРИНИ ФОШ ҚИЛИШ УЧУН МЕНИ ИШЛАТМОҚДАМИ?

Худо бизнинг хозирги хизматимиз учун менга ва рафиқамга эшик очиб беришидан аввал, етти йил давомида мен ёрдам бериш хизмати билан шуғулланганман ва ёшлар хизматининг чўпони эдим. Ёшлар хизмати чўпони бўлган хизматим пайтида, жамоатимизда мени, жумладан, менинг воизликларимни ҳам ёқтирумаган бир одам бор эди. Одатда мени бунга ўхшаш нарсалар безовта қилмайди, бироқ бу дафъадаги вазиятда бу одам жамоатда эътиборга эга эди.

Худонинг сўзини поклик билан ва жасорат билан ёш одамларга воизлик қилишни Худо менга буюрганлигини билар эдим. Бу етакчининг ўғли менинг гурухимда эди. Бу ёш йигит ўз юрагида тобора кўп фош қилинишни ҳис қилди. Бир кун у бизнинг олдимизга кўз ёшлари билан келди. У афсусда эди, чунки у ўз уйида кўрган ҳаёт тарзи Худонинг стандарти билан ошкора тўғри келмаслигини ва бу стандартлар бўйича юришга мен уни ва бошқа ёшларни даъват этганимни тушунган эди.

Шу воқеа ва бошқа шахсий келишмовчиликлар унинг отасини мендан қутулиш учун қатъий қарорга келишга ундади. У катта чўпоннинг олдига ўзининг ёлғон айбловлари билан менга қарши унинг ғазабини кўзғатиш учун борди. Шундан сўнг, у менинг олдимга келиб, катта чўпон менга жуда ҳам қарши эканлигини, бироқ у мени ҳимоя қилганинини айтди. Билвосита менга йўналтирилган танқидий мулоҳазалар билдирила бошланди. Бу одам менга жил-

майиб бокар эди, бироқ мени йўқ қилишни ният қилган эди.

Ёшлар гурухининг бир неча аъзоси мени хизматдан бўшитишмоқси эканликларини эшитганликларини айтишди. Бу хабар ўша одамнинг ўғли томонидан тарқатилди, у буни ёмонлик учун қилмади, балки шунчаки уйида эшитганини тақрорлаган эди. Бу мени ғазаблантириди ва шошиб қолишга олиб келди. Мен ўша одамнинг олдига бордим ва у айтганларининг барчасини тан олди, бироқ у фақатгина катта чўпоннинг фикрларини тақрорлаган эмиш.

Ойлар ўтди ва вазиятни ўзгартириш шунчаки ноилождек туюлди. У менга катта чўпон билан учрашишимга имкон бермасдан, чўпон билан менинг орамдаги барча алоқаларни барбод қилди. Бу фақатгина менга эмас, балки бу одамнинг ғазабига учраган барча чўпонларга тегишли эди.

Биз бу жамоатда қолишимизни ёки бизни қувиб юборишини билмасдан, менинг оиласи доимий босимлар остида қолди. Биз уй сотиб олдик, хотиним хомиладор эди ва борадиган жойимиз йўқ эди. Худо мени бу жамоатга олиб келганлигини билар эдим ва кетишни хоҳламас эдим.

Хотиним ниҳоятда асабийлашиб: “Азизим, улар сени ҳайдаб юбормоқчи эканликларини биламан. Менга бу ҳақда ҳамма гапи-ряпти,” - деди.

Мен унга: “Улар мени ижарага олмаганлар ва мени Худонинг рух-сатисиз ҳайдай олмайдилар,” - дедим. У мени юзага келган вазиятни инкор қиляпти деб ўйлади, шунинг учун эс-хушимни йифиб олишимни сўради.

Ниҳоят мени ҳайдаб юборишга қарор қилганликларининг хабари келди. Катта чўпон ёшлар хизматида ўзариш бўлишини жамоатга эъ-

лон қилди. Мен ҳали ҳам у билан ўша етакчи билан бўлган келишмовчилик ҳақида гаплашмаган эдим. Менга кейинги кунда у билан ва ўша етакчи билан учрашишимни айтдилар. Худо жуда аниқ қилиб, ўзимни ҳимоя қиласлигим кераклигини айтди.

Мен кейинги кунда ўз чўпоним билан учрашганимда, унинг ўз хонасида ёлғиз ўтирганини кўриб ҳайрон қолдим. У менга қараб: “Жон, Худо сени бу жамоатга юборди. Мен кетишингта йўл қўймайман,”- деди. Мен енгил тортдим. Худо мени энг сўнгги сонияда ҳимоя қилди. “Нима учун бу одам сенга бунчалик қарши?- деб сўради чўпон,- илтимос, унинг олдига бориб, муносабатларингизни тўғрилагин”.

Мен ўша учрашувдан сўнг, тез орада, ўша етакчи менинг мажбуриятларим соҳасида қилган қарорининг ёзма далилини Бу унинг чинакам мақсадларини фош қилас эди. Мен буни катта чўпонга етказишга тайёр эдим.

Шу куни мен ерда, мени қамраб олган ёқимсиз ҳисни енгиш учун қирқ беш дақиқа давомида ибодат қилдим. Мен: “Худо, бу одам нопок ва қонунбузар. У фош бўлиши керак. У бу хизмат учун вайрон қилувчи кучdir. У ҳақиқатда ким эканлигини чўпонга айтишим керак! Хабар бермоқчи бўлганларимнинг барчаси ҳиссиётга эмас, балки хужжатларга асосланган далиллардир. Агар бу тўхтатилмаса, қонунбузарлик бутун жамоатга сингиб кетади,”- дедим.

Нихоят таъбим хира бўлиб, тўнғилладим: “Худо, мен уни фош қилишимни хоҳламайсанми, Сени тўғри тушундимми?”

Мен бу сўзларни айтганимда, Худонинг тинчлиги юрагимни тўлдирди. Мен ҳайрон қолдим. Худо менинг ниманидир бошлишимни хоҳламайди, шунинг учун мен ўша далил қофозини улоқтирдим. Кейинчалик мен вазиятга холисона қараганимда, мен

бу жамоатда кимнидир химоя қилишдан кўра, ўзим учун ўч олишини хоҳлаганлигимни тушуниб етдим. Мана, мен аслиди нимани хоҳлаган эканман. Менинг мақсадим худбинона эмаслигига ўзимни ишонтиридим. Мен маълум қилмоқчи бўлган маълумотларим аниқ эди, бироқ мақсадим нопок эди.

Вақтлар ўтди ва бир куни мен жамоатнинг ташқарисида, иш олдидан ибодат қилаётганимда, мендан қутулишни ўйлаган ўша етакчи яқинлашиб келди. Худо менга унинг олдига бориб, ўзимни паст олишимни айтди. Мен дарҳол ҳимояланишни бошлаб: “Йўқ Раббий, у менинг олдимга келиши керак. Бу барча муаммоларни у яратмокда,”- дедим. Мен ибодат қилишда давом этдим, бироқ Раббий мен албатта унинг олдига бориб, ўзимни паст олишимни яна талаб қила бошлади. Буни Худо айтиётганини билар эдим. Унга ўз ишхонамдаги телефондан қўнғироқ қилиб, унинг олдига бордим. Аммо менинг нима деганим ва буни қандай айтганим, агар Худо менинг устимдан ишламаганида бўлиши мумкин бўлганидан кўра анча бошқача эди.

Мен ундан чин юракдан кечирим сўрадим. “Мен сизни танқид қилдим ва хукм қилдим,”- дея тан олдим. У ўша ондаёқ юмшади ва биз бир соат давомида суҳбатлашдик. У билан бошқа баъзи чўпонлар орасида муаммо қолган бўлса ҳам, ўша кундан бошлаб менга қарши унинг хужумлари тўхтади. Олти ойдан сўнг, мен ўз давлатимдан ташқарида хизмат қилиб юрган вақтда, бу одамнинг қилиб юрган барча ёмонликлари катта чўпонга маълум бўлибди. Бунинг менга даҳли йўқ эди, аммо у хизматнинг бошқа соҳаларига тааллуқли эди. Унинг қилиб юрган ишлари мен билганимдан янада ёмонроқ экан. У хизматдан дарҳол ҳайдалди.

Хукм амалга оширилди, бироқ менинг қўлларим билан эмас. У

менга қилмоқчи бўлгани, ўзининг бошига тушди. Аммо бу у билан содир бўлганида, мен баҳтли эмас эдим. Мен у ва оиласи учун оғриндим. Мен унинг оғригини тушундим, чунки ўзим уни бошдан кечирган эдим.

Мен уни олти ой олдин кечирган эдим, энди эса, уни севар ва унга ёмонликни хоҳламас эдим. Мен бир йил олдин ундан газабланганимда ҳайдалганида эди, мен шодланар эдим. (Бироқ ўша пайтда мен унга нисбатан хафаликни умуман тутиб турмаслигимни билар эдим). Итоат қилиш ва ўзи учун қасос олишни рад этиш мени “хафалик” дея номланган қамоқхонамдан озод қилган калитдир.

Бир йилдан сўнг мен уни аэропортда учратдим. Мен Худонинг севгиси билан тўлган эдим. Мен югуриб бориб, уни қучоқлаб олдим. У энди ҳаммаси яхши эканлигини айтганида мен чин юракдан баҳтли эдим. Агар мен ўшанда унинг олдига, ишхонага бориб, ўзимни паст олмаганимда эди -мен ўша куни аэропортда унинг кўзларига қарай олмас эдим. Ўша вактдан сўнг бир неча йил ўтди, бироқ мен уни яхши кўраман ва унинг Худонинг иродасида бўлганини кўришни чин юракдан хоҳлайман.

Довуд Худога Шоулнинг судъяси бўлишига қарор қилганида, донолик қилди. Сизлар: “Худо Ўз хизматкори Шоулни ҳукм қилиш учун кимни ишлатди?”- деб сўрашингиз мумкин. Филистимликлари. Шоул ўғиллари билан бирга филистимликлар билан курашиб, жанг майдонида ўлди. Бу хабар Довудга етиб борганида, у хурсанд бўлмади. У йиғлади.

Бир одам Довудга у Шоулни ўлдирганини айтиб мақтанди. У бу билан унинг илтифотига сазовор қилади, деб ўйлаган эди, бироқ унинг хабари тескари натижа келтириб чиқарди. “Сен қандай қилиб Раббийнинг мойланганини ўлдириш учун қўлингни кўтаришга

кўркмадинг?”- деб сўради Довуд. У ушбу одамни қатл қилишларини буюрди (2Шоҳ.1:14-15).

Довуд Яхудо ўғиллари учун қўшиқ басталади ва Шоул ва унинг ўғиллари қўйлашларини буюрди (2Шоҳ.1:17). У халқа буни филистим шаҳарларида эълон қилмасликни буюрди, токи душманлар тантана қилмасинлар. У Шоул ўлдирилган ўша жойда ёмғир ҳам ва донлар ҳам бўлмаслигини эълон қилди ҳамда бутун Исройлни Шоул ҳақида йиғлашга чақирди. Бу аниқ хафа бўлмаган одамнинг юрагидир. Хафа бўлган одам: “У қилмишига яраша олди!”- деган бўлар эди. Довуд Шоул хонадонидан қолган уругни ўлдирмади. Бунинг ўрнига у уларга шафқат кўрсатди. У уларга ер, озиқ берди ва унинг авлодларидан бирига подшоҳ дастурхонида ўтириш шарафи-ни берди. Бу хафа бўлган одамнинг ҳаракатларига ўхшайдими?

Довуд у билан оталарча йўл тутиши керак бўлган одам томонидан рад этилган эди, бироқ у Шоулга ҳаттоқи унинг ўлимидан сўнг ҳам содик қолди. Сизни севадиган етакчи ва отага содик бўлиш осон, аммо сизни ҳалок қилишга ҳаракат қилаётганига-чи? Сиз Худонинг юрагидаги эркак ёки аёл бўласизми, ёки сиз ўзингиз учун қасос олишга ҳаракат қиласизми?

**ЎЗ ҚҰЛЛАРИ УЧУН ҚАСОС ОЛИШ ХУДО УЧУН
ТҮФРИДИР.**

**ЎЗИ УЧУН ҚАСОС ОЛИШ ХУДОНИНГ
ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН НОТҮФРИДИР.**

Mr. Бивер. Мен ҳозиргина сизнинг: “Шайтоннинг хўраги” китобингизни ўқиб чиқдим. Мен уни қўлимдан қўя олмадим. Бу мен ҳаётим давомида ўқиган энг зўр китоблардан бири-дир.

-Р.А., МИССОУРИ

РУХИЙ ДАРБАДАРЛАР ҚАНДАЙ ТУҒИЛАДИ

Шунда Довуд ўзининг одамларига: “Мен унга қўлимни йўналтиришим учун Раббий мени ҳукмдоримга, Раббийнинг мойланганига буни қилишиимга йўл қўймасин, зеро у Раббийнинг мойланганидир”, – деди. Довуд ўз одамларини ушибу сўзлар билан ушлаб қолди ва Шоулга қарши кўтарилишига йўл қўймади.

Шоул эса туриб, гор ичидан йўлга чиқди.

-1Шоҳ.24:6-7.

Биз ўтган бобда Довуд оталарча муносабатни кутган одамнинг, у билан қандай ёмон муомалада бўлганлигини кўриб чиқдик. Довуд айнан нимада нотўғри йўл тутганлигини ҳар доим тушунишга ҳаракат қилиб келди. Шоулнинг юрагини унга нисбатан нима қарши қилиб қўйиши мумкин ва уни яна қандай қилиб ўзига жалб қилиши мумкин? Подшоҳнинг ўзи Довуднинг ўлимини излаган бўлса ҳам, Довуд Шоулнинг ҳаётини аяб, унга ўз содиқлигини исботлади. Унгача эса янада эзувчи хабар етиб келди: Шоул биринчи бўлиб уни ўлдиришни хоҳлади. Гарчи Худо Шоулнинг бутун қўшинига қаттиқ уйку ва Довудга, Шоулни ўлдиришга рухсат беришини сўраган ҳамроҳ берган бўлса ҳам, бироқ Довуд унинг ўлимини излаганга қарши қўл қўтаришни рад этди. Бироқ Довуд бу уйқудаги қўшин қандайдир бошқа мақсад – унинг шахсий юрагини синаш мақсадида хизмат қилаётганини қандайдир тарзда ҳис қилди.

Довуд ўз шоҳлигини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун Шоулга ўхшаб ўлдиришга борадими ёки Худога унинг тахтини ҳақлик билан абадий мустаҳкамлашга рухсат берадими, Худо шуни кўришни хоҳлаган эди.

Эй севганларим, ўзларингиз учун қасос олманглар, аммо Худонинг ғазабига ўрин беринглар. Чунки ёзилган: “Қасос Меникидир, Мен ҳақини бераман,”- дейди Раббий.

-Римликларга 12:19.

Ўз қуллари учун қасос олиш Худо учун тўғридир. Бироқ Худонинг қуллари ўзлари учун қасос олишлари тўғри эмас. Шоул ўзи учун қасос олган одам эди. У ўн тўрт йил давомида ҳақ одамни – Довудни таъқиб қилди, руҳонийларни ва уларнинг оиласарини ўлдириди.

Довуд ухлаётган Шоулнинг тепасида турган вақтда, у муҳим синовга дуч келди. У Довуднинг юрагида нима борлигини намоён қилиши керак эди: у ҳанузгача чўпоннинг олийжаноб юрагига эгами ёки бошқа Шоулнинг нотинчлигигами? У Худонинг юрагидаги эркак бўлиб қоладими? Аслида ҳақ Худони кутишдан кўра, ҳамма ишни ўз қўлимизга олиб қўя қолишимиз анча енгилроқдир.

Худо ўз хизматчиларини итоаткорликда синайди. Дин талаблари ва жамиятнинг қонунлари бизнинг ҳаракатларимизни оқлагандек туълганида, У бизни атайин шундай вазиятларга аралаштиради. У бошқаларга, айниқса, бизларга яқин бўлганларга, ўз-ўзимизни ҳимоя қилишга чорлашларига рухсат беради. Бироқ бу Худонинг йўли эмас. Бу дунёвий доноликнинг йўлидир, ерлик ва танавий йўлдир.

Мен қачонлардир эга бўлган, устимдан турган етакчини фош қилиш имконияти ҳақида ўйлаганимда, агар уни фош қилмасам, у бошқаларни яralashi мумкинлиги ҳақидаги фикрлар билан кураш-

ганимни эслайман. Ўшанды мен ўйлашни давом эттирган эдим: “Мен фақатгина ҳақиқатни етказаман. Агар мен буни қилмасам, унда бу қачон тугайди?” Бошқалар ҳам мени уни фош қилишга унданган эдилар.

Бироқ бугун мен Худо менга ўшанды бу далил хатини фақатгина бир сабаб билан: мени синаш учун берганлигини биламан. Мен ўша мени ҳалок қилишни хоҳлаган одам каби бўламанми? Ёки агарда ўша одам тавба қилса, Худонинг ҳукми ёки шафқати келишига имкон бераманми?

ХУДО БУЗУҚ ЕТАКЧИЛАРНИ ҚАНДАЙ ИШЛАТИШИ МУМКИН?

Кўпчилик одамлар: “Нима учун Худо одамларни жиддий хатоларни қиласиган, баъзан эса умуман қонунбузар бўлган етакчиларнинг бошқаруви остига жойлаштиради?” - дея сўрайдилар.

Шомуилнинг болалигига қаранг (1Шох.2:5). Худо, шайтон эмас, бу ёш йигитни Элий исмли бузуқ руҳонийнинг ва унинг иккита, булар ҳам руҳоний бўлмиш қонунбузар ўғиллари Офни ва Финессининг бошқаруви остига жойлаштирди. Улар айёрлик ва куч билан тақдим қурбонликларини ўзларига олар эдилар ва йигин чодирининг кириш қисмida йифилган аёллар билан зино қилар эдилар.

Сиз бундай ҳаёт тарзи олиб бораётган хизматчига бўйсунишни тасаввур қила оласизми? У Муқаддас Рухга шу қадар сезгир бўлмаган хизматчики, у ибодат қилаётган аёлни фарқлай олмасдан, уни мастиликда айблайди. Шу қадар танавий одамки, у даҳшатли тарзда семиздир. Шу қадар бефарқки, у тўғридан-тўғри жамоат орасида зино қиласиган ўғилларини тўхтатмайди.

Бугун кўпгина Масихийлар ўзларининг собиқ чўпонлари ва етакчи-

ларининг барча қонунбузар хаёт тарзлари ҳақида сўзлаб, ўзларини ҳақоратланган ҳисоблайдилар ва бошқа жамоатни излайдилар. Менга бундай бузуқлик орасида яшаган ёш Шомуил ҳақида гапирилгани ёқади: “Ўспирин Шомуил Элийнинг ёнида Раббийга хизмат қилди” (1Шоҳ.3:1).

Бироқ бузуқлик ўзининг чўққисига етиб келди: Ўша қунлар Раббийнинг Сўзи кам келар, ваҳий ҳам тез бўлмас эди. (1Шоҳ.3:1). Худо бутун яхудийлардан узоқдек туюлди. Раббийнинг чироги Раббийнинг уйида ҳадемай сўниши керак эди. Бироқ Шомуил сажда қилиш учун бошқа жой излашни бошладими? У оқсолларнинг олдига Элий ва ўғилларининг қонунбузарликларини уларнинг қаршисида очиб ташлаш учун бордими? Элийни ва ўғилларини чўпонликдан тушириш учун у сайлама кенгаш туздими? Йўқ, у Раббийга хизмат қилди!

Худо Шомуилни у ерга жойлаштириди, аммо Элийнинг ва ўғилларининг ҳатти-харакатлари учун у жавобгар эмас эди. У уларнинг бошқаруви остига уларни ҳукм қилиш учун эмас, балки уларга хизмат қилиш учун жойлаштирилган эди. У Элий Худонинг қули эканлигини ва Худо Ўзининг хизматчиларини тартибга солишга қодир эканлигини билар эди.

Болалар оталарини тўғриламайдилар. Ўз болаларини тўғрилаш ва ўқитиш оталарнинг масъулияти ҳисобланади. Худо бизга ўқитиш учун кимни топширган бўлса, ўшалар билан алоқада бўлишимиз керак. Бироқ мен бу бобда худди аввалги бобдагидек, бизнинг устимиздан қўйилганларнинг ҳатти-харакатларига нисбатан бўлган муносабатимизни қўриб чиқаман.

Шомуил Худо томонидан қўйилган хизматчига имкон қадар яхши, уни ҳукм қилиш ёки тўғрилаш босимисиз хизмат қилди. Шомуил тўғрилаш учун айтган ягона сўз – бу Элий Шомуилнинг олдига келиб, ўтган тунда Худо унга қандай башорат берганлигини айтишини сўраганидаги сўз эди. Бироқ бу вазиятда ҳам, бу Шомуил томонидан эмас, балки Худо томонидан бўлган тўғрилаш сўзи эди. Агар кўпчилик одамлар бу ҳақиқатни қабул қилгандарида эдилар, бизларнинг жамоатларимиз умуман бошқача бўлар эди.

ЖАМОАТЛАР – КАФЕЛАР ЭМАС

Ҳозирги кунларда агар одамлар жамоат бошқарувида қандайдир камчиликни кўрсалар, кўпинча, улар жамоатни тезда ташлаб кетадилар. Балки улар чўпон қурбонликни қандай йифаётганидан ёки пуллар қандай сарф қилинаётганидан норозидирлар. Агар уларга чўпоннинг нима ҳақида воизлик қилаётгани ёқмаса, улар жамоатдан кетадилар. Ёки чўпон ўта қўл етмас, ёки ўта машхур. Бу рўйхатнинг чек-чегараси йўқ. Қийинчиликлар билан тўқнашганда умидни сақлашнинг ўрнига, улар ҳеч қандай камчилиги йўқдек туюлган жойга югурдилар.

Келинг, шундай далил келтирамиз: Исо ягона мукаммал чўпон ҳисобланади. Унда нима учун биз қийинчиликларга юзма-юз келиб, уларни ҳал қилишнинг ўрнига ундан дарров қочамиз? Биз келишмовчиликларни ҳал қила олмаганимизда, одатда, хафа бўлган ҳолда кетамиз. Баъзida бизнинг пайғамбарчилик хизматимиз қабул қилинмаганлигини гапирамиз. Сўнгра бенуқсон бошқаруви бўлган йифинни излаб, жамоатдан жамоатга ўтиб юрамиз.

Мен мазкур китобни ёзаётган мана шу вақтгача, ўн тўрт йил давомида мен фақат иккита, турли хил штатлардаги жамоатнинг аъзо-

си бўлганман. Менда тепамда турган жамоат бошқарувчиларидан хафа бўлишга икки марта, аникроқ айтганда, бир неча марта имконият бўлган эди. Шуни қўшиб қўйишим мумкинки, бу хафаликнинг кўпчилиги ўз айбим ёки ғўрлигим туфайли бўлган эди. Менда ўз бошликларимга нисбатан муносабатимда танқидчи ва ҳукм қилувчи бўлиш имкони бор эди, жамоатдан кетиш жавоб эмас эди. Бир куни мен қийин шароитда қолганимда, Раббий менга Муқаддас Ёзувдаги оят орқали гапирди: “Агар сен қачонлардир жамоатдан кетмоқчи бўлсанг, Мен сени фақат шундай қилишингни хоҳлайман”:

Шундай қилиб, сизлар шодлик билан чиқасизлар ва тинчлик билан кузатиласизлар.

-Ишаъё 55:12.

Кўпчилик Масихийлар ўз жамоатларидан бу тарзда кетмайдилар. Улар жамоат кафе каби деб ўйладилар: улар ўзлари истаган нарсаларини олишлари ва ёқтирган нарсаларини танлашлари мумкин! Улар жамоатда муаммолар кўтарилимагунига қадар, ўзларини жамоатда бўлишга тўла ҳақли хисоблайдилар. Бироқ бу умуман Муқуддас Ёзув ўргатаётган нарса эмас. Қанақа жамоатга боришингизни сиз ҳал қилмайсиз. Буни Худо ҳал қилади. Муқаддас Ёзувда: “Худо аъзоларнинг ҳар бирини танада улар хоҳлаганидек жойлаштириди”, - дейилган эмас. Бунинг ўрнига унда: “Лекин Худо аъзоларнинг ҳар бирини танада Ўзи хоҳлаганидек жойлаштириди”, - дейилмоқда (1Кор.12:18).

Билиб олингки, агар сиз Худо сизни кўришни хоҳлаган жойда бўлсангиз, шайтон келишмовчиликлар орқали сизни у ердан кувишга ҳаракат қилади.

ТАНҚИДИЙ АЛДОВ

Мен бир неча йилдан буён жамоатда эдим. Чўпонимиз Америкадаги энг яхши воизлардан бири эди. Мен бу жамоатга биринчи бўлиб келишни бошлаганимда, унинг оғзидан чиқаётган Муқаддас Ёзув таълимотининг қучидан лаззатланиб, оғзим очилиб ўтирас эдим.

Вақтлар ўтиши билан чўпоннинг ёрдамчиси хизматидалигим туфайли, унга етарлича яқин бўлганлигим туфайли унинг камчиликлари ни кўра бошладим. Мен унинг жамоатга алоқадор қарорларининг тўғрилигига шубҳа қила бошладим. Мен уни танқид қилишни ва ҳукм қилишни бошладим ҳамда хафалик мени азоблашни бошлади. У воизлик қиласар, мен эса ҳеч қандай руҳланишни ва мойланишни ҳис қилмас эдим. Унинг воизликлари бошқа менинг юрагимга таъсир қилмас эди ва менга ёрдам бермас эди.

Бизнинг дўстимиз бўлган, ва улар ҳам хизматчилар штатида бўлган бошқа бир эр-хотин ҳам худди шундай ўйлаётгандек туюлар эди. Худо уларни жамоатдан олиб чиқди ва улар алоҳида хизмат бошладилар. Улар бизларни ҳам ўзлари билан бирга кетишга таклиф қилдилар. Улар бизларнинг нақадар курашаётганимизни билан эдилар. Улар бизларни ҳаётимиздаги даъватнинг ортидан бўлишга руҳлантирилар. Чўпон, унинг хотини ва жамоат бошқарувчилари қилган барча янгилишилар ва хатолар ҳақида айтиб бердилар. Биз биргаликда йиғилиб, ўзимизни умидсиз ҳолатда, қопконга тушгандек ҳис қилдик.

Бу эр-хотин бизнинг баҳт-саодатимиз ҳақида чин юракдан ташвишланаётгандек туюлди. Бироқ бу муҳокама оловга ёғ қуйиб, бизнинг норозилигимизни ва хафагарчилигимизни янада кучайтирди. Ҳикматлар 26:20да айтилганидек:

“Ўтин қолмаган жойда олов ўчади, ғийбатчи бўлмаган жойда жан-

жал тўхтайди”. Улар бизларга гапирганларининг барчаси тўғри эди, бироқ буларнинг барчаси Худонинг нигоҳида нотўғри эди, чунки оловга хафалик ўтинлари ташланган эди.

“Сен Худонинг одами эканлигингни биламиз, - дейишиди улар менга, - шунинг учун сен бу жойда бу муаммоларга дуч келдинг”. Уларнинг гаплари жуда ёқимли жаранглади.

Биз хотиним билан бир-бири мизга: “Етар. Биз даҳшатли ҳолатга тушиб қолдик. Биз бу жамоатдан кетишимиз керак. Дўстларимиз бизни севади. Улар бизга яхши руҳий устоз бўладилар. Бу жамоатдаги одамлар бизни ва Худо бизга берган бу хизматни қабул қиласидилар”, - дедик.

Биз ўз жамоатимиздан кетиб, ўша оила бошқарган жамоатга боришни бошладик, аммо бу факат бир неча ойга чўзилди.

Бизлар муаммодан қочиб қутулдик деб ўйлаган бўлсақда, бизда ҳануз курашиш жараёни давом этаётганлигини сезиб қолдик. Бизнинг руҳимизда қувонч йўқ эди. Биз кимни тарқ этган бўлсақ, худди уларга ўхшаб қолиш қўркуви бизни боғлаб қўйди. Бизнинг барча қилганларимиз, биз томондан мажбурлик остида ва қандайдир нотабиийлиқда амалга оширилаётгандек туюлар эди. Биз Руҳнинг оқимиға кира олмадик. Ҳаттоқи энди янги чўпон ва унинг хотини билан бизнинг муносабатларимиз кескинлашди. Оқибатда, мен биз аввалги жамоатимизга қайтишимиз кераклигини тушуниб етдим. Биз шундай қилгач, гарчи ташқаридан биз бошқа жойда кўпроқ қабул қилинадиган ва севимли бўладигандек туюлган бўлса ҳам, энди яна Худонинг иродасида эканлигимизни дарров ҳис қилдик.

Шундан сўнг Худо: “Жон, Мен ҳеч қачон сенга бу жамоатдан кетишингни айтмаганман. Сен ундан ўзингнинг хафалигинг сабабли кетдинг”, - деди.

Келишмовчиликларда бошқа чўпон ва унинг хотини эмас, балки бизнинг ўзимиз айбдор эдик. Улар бизни тушунди ва ўша саволларни ўз юракларида ечишга ҳаракат қилдилар. Сиз Худонинг иродасида бўлмаганингизда, сиз ҳеч бир жамоат учун бара-ка ва кўмакчи бўла олмайсиз. Сиз Худонинг иродасидан ташқарида бўлганингизда, ҳаттоқи, энг яхши муносабатлар ҳам зўрма-зўраки ва кескин бўлади. Биз хотиним билан ўшандা Худонинг иродасидан чиқкан эдик.

Хафа бўлган одамлар вазиятларга нотўғри муносабат билдира-дилар ва Худо томонидан руҳлантирилган ишни эмас, факатгина ташқаридан тўғри бўлиб кўринган ишни қиласидилар. Биз шахсий ҳиссиётларда қайнаш учун эмас, балки ҳаракат қилиш учун даъват қилинганимиз.

Агар биз Худога итоаткор бўлсак ва Уни изласак, У эса бизга ҳеч нарса демаса, унда қандай жавоб бўлишини биласизми? Эҳтимол У сизга: “Сен ҳозир қаерда бўлсанг, ўша жойда қол. Ҳеч нарсани ўзгартирма”, - деб айтар.

Кўпинча биз босимни ҳис қилиб, енгиллик олиш учун Худодан сўз излаймиз. Аммо Худо бизни ҳалок қилиш учун эмас, покланишимиз, мустаҳкамланишимиз ва етук бўлишимиз учун бу қозонга солади!

Бир ой ичida мен биринчи жамоатимдаги чўпон билан учрашиш имкониятига эга бўлдим. Мен қилган танқидим ва исёним учун тавба қилдим. У олийжаноблик қилиб мени кечирди. Бизнинг у билан муносабатларимиз мустаҳкамланди ва қувонч менинг юрагимга қайтиб келди. Мен яна чўпоннинг воизликларидан барпо қилинишни ола бошладим ва бу жамоатда узоқ вақт қолдим.

ЭКИЛГАНЛАР ГУЛЛАЙДИЛАР

Муқаддас Ёзув Санолар 91:14да шундай дейди: “Раббийнинг уйида экилганлар Худойимизнинг ҳовлиларида гуллайдилар”. Эътибор қилинг, айнан Раббийнинг уйида “экилганлар” гуллайдилар. Агар сиз ўсимликни ҳар уч ҳафтада кўчирсангиз, у билан нима содир бўлади? Унинг томир тизими касалланишини, камайишиб боришини ва у яхши ўса олмаслигини сизларнинг кўпчилигингиз биласизлар. Агар сиз кўчиришни давом эттирсангиз, ўсимлик шокдан ўлади!

Кўп одамлар ўз шахсий хизматини мукаммаллаштириш учун жамоатдан жамоатга, бир хизматдан бошқасига ўтадилар. Агар Худо ҳеч ким уларни назар-писанд қилмайдиган ва далда бермайдиган жойга уларни қўйса, хафа бўладилар. Агар улар нимадандир норози бўлсалар, кетадилар. Кета туриб, улар бунда жамоат бошқарувчиларини айблайдилар. Уларнинг кўзлари ожиздир ва Худо тозалашни ҳамда улар бошдан кечираётган ўша босим орқали уларни мукаммаллаштиришни хоҳлаётганини англаб туриб, ўз хулқ-атворларидаги камчиликларни кўрмайдилар.

Келинг, Худо бизга ўсимлик ва дарахт орқали кўрсатаётган мисолларни ўрганамиз. Ерга экилган мевали дарахтнинг олдида ёмғир бўрони, қуёшнинг жазирамаси ва шамол билан тўқнашиш туриди.

Мабодо ёш дарахт гапира олганида эди, балки у: “Илтимос, мени бу ердан олинг! Мени бу даҳшатли жазирама ҳам, бу шамоллар ҳам ва бўрон ҳам бўлмаган жойга кўчиринг!”- деган бўлар эди.

Агар боғбон дарахтни эшитганида эди, у ҳакикатан унга зарар етказар эди. Дарахтлар жазирама иссиққа ёки бўронга чидаганларида, улар томирларини чуқурроқ ёядилар. Улар дучор бўладиган бу қийинчиликлар, натижада, улар учун катта барқарорликнинг ман-

баига айланади. Уларни ўраб турган атроф-мухитнинг оғирликлари уларни бошқа ҳаёт манбани излашга мажбур қилади. Улар шундай ҳолатта келадиган қунлар келадики, ҳаттоқи, энг кучли бўрон ҳам уларнинг ҳосил келтириш қобилиятига таъсир қила олмайди.

Бир неча йил олдин мен Флоридада, цитруслар пойтахтида яшаган эдим. Флориданинг кўпчилик аҳолиси, қиши қанчалик совуқ бўлса, апелсинлар шунчалик ширин бўлишини биладилар. Агар биз руҳий қаршиликлардан шунчалик тез қочиб кетмаганимизда эди, бизнинг томир тизимимизда кучлироқ бўлиш ва ичкарига ўсиб бориш имкони бўлган бўлар эди; бизнинг ҳосилларимиз эса, серхосил, Худонинг кўз ўнгидаги ёқимли ва Унинг халқи учун янада иштаҳа очувчи ва ширинроқ бўлган бўлар эди! Биз ҳосиллари йўклиги сабабли рад этилган дараҳтлар бўлишнинг ўрнига, Раббий завқланадиган етилган дараҳтлар бўлган бўлар эдик (Луқо 13:6-9). Раббий бизнинг руҳий камолотга эришишимиз учун атайин юбораётган нарсаларга қаршилик қилмаслигимиз керак.

Муқаддас Рухдан руҳланган саночи Довуд хафалик билан Худонинг қонуни ва бизнинг руҳий ўсишимиз орасидаги кучли алоқани кўрсатиб берган. У биринчи саносида шундай ёзган:

Бетавфиқлар маслаҳатига бормайдиган, гуноҳкорлар йўлида турмайдиган ... аммо истаги Раббийнинг қонунида бўлган ва Унинг қонунини тун-у кун ўйлайдиган одам баҳтлидир!

-Сано 1:1-2.

Сўнгра у бизга Сано 118:165да Худонинг қонунларини севувчи одамлар ҳақида яна бир ваҳийни бермоқда:

Сенинг қонунингни севувчиларда буюк тинчлик бор ва уларга тўсиқ йўқдир (“ҳеч нарса уларни хафа қила олмайди ва вас-васа қила олмайди” – инглизча текстда).

Нихоят, биринчи Санонинг учинчи оятида бундай одамнинг тақдири баён қилинмоқда:

У сув ёқасига экилган дарахтдек бўлади, ўз вақтида ҳосил келтиради ва унинг барглари сўлмайди; нимаики қилса муваффақият қозонади.

-Сано 1:3.

Бошқача қилиб айтганда, улкан қийинчиликлар орасида иродаси Худонинг сўзида бўлишига ҳаракат қилаётган одамни хафачиликлар четлаб ўтади. Бу одам Рух куч ва озиқланиш берадиган жойга томири чуқур кириб борадиган дарахт каби бўлади. У Худонинг булоғидан ўз руҳининг чуқурлигига сувни ботириб олади. Бу уни шу қадар етук қилиб мустаҳкамлайдики, ноқулай шароитлар энди у учун ҳосил келтиришни тезлаштирадиган катализаторга айланади. Халлилуйя!

Биз энди Исо Масиҳнинг экувчи ҳақидаги масалга Ўз изоҳининг мазмунига чуқурлашамиз:

Шу сингари, тошлок өрга сепилганлар шундайларни билдиради: улар сўзни эшигтанларида, ўша заҳоти уни қувонч билан қабул қиласи, бироқ ўзларида илдизга ва доимийликка эга бўлмайдилар. Кейинчалик сўз учун қайғу ёки қувғин бўлганида, ўша заҳоти васвасага тушадилар.

-Марк 4:16-17.

Худо сиз учун танлаган жойни биринчи бор тарк этганингиз заҳоти, сизнинг томир тизимингиз ўсишдан тўхтайди. Кейинги сафар сиз учун ноқулай шароитлардан қочиш янада осонроқ бўлади, чунки сиз ўз томирингизни өрга чуқур кирмаслигига астойдил ҳаракат қилдингиз. Бунинг натижасида сиз шундай ҳолатга тушасизки,

азобга ва қувғинга бардош беришга умуман кучингиз қолмайди.

Кейин сиз жойдан жойга кўчиб юрувчи, бошқалар сиз билан ёмон муносабатда бўлишидан чўчийдиган ва шунга шубҳа қиладиган руҳий дарбадарга айланасиз. Ўрмалаб ва ҳақиқий рух ҳосиллари келтириш қобилиятини яшириб, бошқаларнинг ҳосилларининг қолдифини еб, сиз ўзингизни дикқат марказига қўйган ҳаётингизда курашиб яшайсиз.

Одамнинг биринчи ўғиллари Каънга ва Ҳобилга назар солинг. Каън Раббийга қўлларининг иши бўлмиш дехқончилик ҳосилини қурбонликка олиб келди. Бу ҳосил кўп меҳнат билан етиширилган эди. У ерни тошлардан, тўнкалардан ва ёт жисмлардан тозалashi керак эди. Ерни ағдариши ва шудгор қилиши, экиши, суғориши, ўғит солиши ва ўз ҳосилини ҳимоялаши керак эди. У Худога бўлган хизматида жуда кўп куч сарфлади. Бироқ бу Худонинг иродасига бўйсуниш эмас, балки ўзининг шахсий қурбонлиги эди. Бу Худонинг инояти билан эмас, ўзининг кучи ва лаёқати билан Худога сажда қилишнинг рамзиdir.

Ҳобил эса аксинча, бўйсунувчанлик қурбонлигини – ўз подасидан сараланган тўнгич кўй ва ёғни келтирди. У Каъндек бу кўзичноқни ўстириш учун меҳнат қилмади, аммо бу ҳайвон унга қадрли эди. Иккала биродарлар ҳам ота-оналаридан қачонлардир улар ўзларнинг яланғочлигини анжир дарахтининг барглари билан ёпишга ҳаракат қилганликларини ва бу гуноҳларини яшириш учун қилган ўз шахсий ишларининг тимсоли эканлигини эшитганлар. Бироқ Худо айбсиз ҳайвонинг териси билан Одам Ато ва Ҳаввани ёпиб, Унинг учун маъқул бўлган қурбонликни кўрсатган. Бунгача Одам Ато ва Ҳавва ўз гуноҳларини ўзларича ёпишнинг номаъқуллиги ҳақида билмас эдилар. Бироқ уларга Худонинг йўли кўрсатилгандан сўнг,

ким уларнинг гуноҳларини ёпишга қодир эканлиги улардан ҳам, ва уларнинг болаларидан ҳам яширин эмас эди.

Каън Худонинг маслаҳатига кирмасдан Худонинг илтифотига са-зовор бўлишни хоҳлади. Худо эса Унинг олдига Унинг инояти кўрсаткичи (Хобилнинг қурбонлиги) асосида келганларни қабул қилишини ва “яхшилик ва ёвузликни таниб-билиш” номи (Каъннинг диний ишлари) асосида қилинган қурбонликни рад қилишини У кўрсатди. Сўнг У агар Каън шундай эзгулик қабул қилинишини; агар у ҳаётни танламаса, унда гуноҳ унга хукмронлик қилишини Каънга тушунтириди.

Каън Раббийдан хафа бўлди. У тавба қилиш ва ҳаётини ўзгартиришнинг ўрнига, Худога бўлган ғазабини ва хафагарчилигини ўз биродари Хобилга қуиди. У Хобилни ўлдирди. Худо Каънни лаънатлади:

Энди сенинг қўлингдан укангнинг қонини қабул қилиш учун оғзини очган ердан лаънатисан. Ерга ишлов берганингда у сенга бошқа қувватини бермайди. Ер юзида қувғин (инглизча матнда – қочоқ) ва дайди бўласан (Ибитдо 4:11-12).

Худо томонидан рад этилган бўлиш... Каън ҳамма нарсадан ҳам кўра кўпроқ қўрқкан нарса – унинг айби билан содир бўлди. У Худонинг мақтovига эга бўлиш учун қўллаган нарса – ер, энди унинг ўз қўллари билан лаънатланди. Қон тўкиш лаънатни олиб келди. Ер унга ўзининг кучини бошқа бермаслиги керак эди. Энди ҳосил фақатгина катта куч ёрдамида етилиши мумкин.

Шунингдек, хафа бўлган Масихийлар ўзларнинг шахсий ҳосил келтириш қобилиятларини йўқ қиласидар. Исо уруғ сочувчи ҳақидаги масалида юракни ер билан тенглаштиряпти. Каъннинг даласи қандай ҳосилсиз бўлиб қолган бўлса, алам билан заҳарланган хафа

бўлган юракнинг ери ҳам худди шундай ҳосилсизdir. Хафа бўлган одамлар ўз ҳаётларида аввалгидай мўъжизаларни, башоратларни, кучли воизликларни ва шифоланишларни бошдан кечиришлари мумкин. Бироқ буларнинг барчаси ҳосил билан эмас, Рухнинг инъомлари билан намоён бўлади. Бизлар эса, инъомларга кўра эмас, ўз ҳосилларимизга кўра ҳукм қилинамиз.

Эътибор беринг, Худо Каън ўз ҳаракатларининг натижасида қувғин (ёки қочоқ) ва дайди бўлишини айтди. Бугун бизнинг жамоатларимизда улкан миқдорда руҳий қувғинда бўлганлар, қочоқлар ва дайдилар бор. Уларнинг ашулачилик, воизлик қилиш, башорат қилиш инъомлари кейинчалик ҳам уларнинг аввалги жамоатларида етакчилари томонидан қабул қилинмаган, шунинг учун улар у ердан кетганлар. Бу одамлар ўзида хафаликни қўтариб юриб, максадсиз сангийдилар ва уларнинг инъомларини қабул қиласиган ҳамда жароҳатларини шифолайдиган мукаммал жамоатни излайдилар.

Улар ўзларини жароҳатланган ва қувилган хисоблайдилар. Улар замонавий Йеремиаҳлар мавжуд деб ўйлайдилар. Факат “улар ва Худо” бор, қолганлар эса уларнинг ҳалокатини излайдилар. Улар ўрганишга лаёқатсиз бўлиб қоладилар. Уларда мен: “Кувғинлик комплекси”, деб атайдиган пайдо бўлади: “Ҳамма одамлар мени таъқиб қилмоқдалар”. Улар ўзларини одамларнинг қувғинларини қўтариб юрган мukадdas ва Худонинг пайғамбарлари дея юпатадилар. Улар ҳар бир кишига шубҳа билан қарайдилар. Бу айнан Каън билан содир бўлгани кабидир. У нима деяётганига эътибор беринг:

Ерда қувғин ва дайди бўламан. Учраган ҳар кимса мени ўлдиради.

-Ибтидо 4:14.

Қаранг, Каънда “қувғинлик комплекси” бўлган: гўёки ҳамма одамлар уни қувғин қилишга кўтариладилар! Бугун ҳам худди шунинг ўзи содир бўлмоқда. Ҳафа бўлган одамлар ҳамма уларни овламоқчи дея ҳисоблайдилар. Бундай нуқтаи-назар сабабли, улар ўз ҳаётларида ўзгаришга муҳтож бўлган соҳаларни кўришлари жуда ҳам қийин. Улар ўзларини ажратадилар ва ўзларини шундай тутадиларки, бу ёмон муносабатни таклиф қиласди.

Қайсар (ўзини ажратадиган) одам ўз нафсини қондиришни (истагини) излайди

ва бор доноликка қарши туради.

-Ҳикматлар 18:1 – инглизчадан сўзма-сўз таржимаси.

Худо бизларни ҳеч қачон бир-биримиздан алоҳида ва мустақил яшаш учун яратган эмас. Унга болалари бир-бирларига ғамхўрлик қиласалар ва жон куйдирсалар ёқади. Биз ўзимизнинг баҳтсизлигимизда бошқаларни айбдор ҳисоблаб, ўз-ўзимиздан хафа бўлганимизда, ғазабланганимизда ва нолиганимизда Раббий хафа бўлади. Биз Унинг фаол оила аъзолари бўлишимизни хоҳлайди. У бизнинг ҳаётимизни Ундан олишимизни хоҳлайди. Ўзини ажратадиган одам Худонинг истагини эмас, фақаттина ўз истагини қондиришни излайди. У ҳеч кимнинг маслаҳатига қулоқ солмайди ва алдов учун очик бўлади.

Мен баъзан Худо баъзи одамларни қайтадан руҳий қуроллантириш ва тетиклаштириш учун чақирадиган даврлар ҳақида гапираётганим йўқ. Мен ўз-ўзини қамоқхонага қамаб қўйганлар ҳақида гапирипман. Улар бир жамоатдан бошқа жамоатга, бир муносабатдан бошқа муносабатга сангиб юрибдилар ва ўзларини шахсий дунёларида ҳаммадан ажратадилар. Ким улар билан рози бўлмаса, уларни ноҳақ ва уларга қарши деб ҳисоблайдилар. Улар алоҳидаланиш

воситасида химояланадилар ва ўзларини факат ўзлари яратган ва назорат остида бўлган мухитда бехатар хис қиласидилар. Улар энди ўз хулқ-авторларидағи камчиликлар устидан ишламайдилар. Қийинчиликлар билан юзма-юз кўришишнинг ўрнига улар синовлардан қочишга уринадилар. Улар қийинчиликларга юзма-юз келиш ўрнига, улар синовдан қочишга харакат қиласидилар. Факат баҳсли вазиятларда ўсиши мумкин бўлган хулқ-авторнинг ривожланиши- хафачиликнинг янги доираси бошланганида тугайди.

ХАФАЛИКНИ ТУТИБ ТУРИШ – СИЗНИ ЎЗ ХУЛҚ-АТВОРИНГИЗДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ КҮРИШИНГИЗГА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ ЧУНКИ АЙБ БОШҚА КИШИГА ЮКЛАТИЛАДИ

Эр-хотин сифатида, бизлар кўп йиллар давомида кўплаб кечирмасликка ва яраларга эга эдик. Бизлар шу даражага етдикки, бизларнинг бир нечагина дўстимиз қолди ва мен аъло даражадаги жамоатнинг содик аъзоси бўлсам ҳам, ўзимни ёлғиз ва ҳеч ким севмайдигандек ҳис қиласр эдим. Сўнгра мен сизнинг “Шайтоннинг хўраги” китобингизни ўқиб чиқдим ва ҳамма нарса ўзгарди. Мен ўзимдаги кечирмаслик ва яралар билан юзма-юз келдим ва Худонинг ёрдами билан озод бўлдим!

-С.Г., БЕЛФАСТ, ИРЛАНДИЯ

ХАҚИҚАТДАН ЯШИРИНИБ

Улар доимо ўқиб юрадилар, лекин ҳеч қачон ҳақиқатни билишига эриша олмайдилар.

-2Tim. 3:7.

Мендан кўпинча сўрайдилар: “Мен жамоатни ва хизматни қачон ташлаб кетишим мумкин? Бунинг оқибати нақадар ёмон?” Мен жавобан: “Ҳозир сиз бораётган жамоатга сизни ким юборган?” -деб сўрайман.

Кўпинча улар менга: “Худо”,-деб жавоб берадилар.

Шунда мен уларга дейман: “Агар Худо сизларни юборган бўлса, У сизларни озод қилгунича кетманг. Агарда Раббий ҳеч нима демаса, унда У жимжитлик билан сизларга: “Ҳеч нарсани ўзгартирма. Кетма, Мен сени қаерга жойлаштирган бўлсам, ўша жойда қолгин”,- демоқчи”.

Худо сизга жамоатдан кетишингизни буюрганида, унинг вазияти қандай бўлишидан қатъий- назар, ундан тинчликда кетасиз.

Шундай қилиб, сизлар шодлик билан чиқасизлар ва тинчлик билан етакланасизлар

-Ишаъё 55:12.

Шу тарзда сизнинг жамоатдан кетишингиз бошқа одамларнинг ҳаракатларига ва ишларига эмас, бироқ Муқаддас Рухнинг бошқарувига асосланган бўлади. Хизматни қолдириш қарори – ҳамма нарса нақадар ёмон эканлигига асосланган бўлиши керак эмас.

Хафаликда ва танкидий ҳолатда кетиш -Худонинг иродаси эмас. Бундай йўл тутиш, Унинг бошқаруви асосида харакат қилишдан кўра, вазиятларга қарши жавоб беришни англатади. Римликларга 8:14да: “Зеро Худонинг Рухи билан бошқариладиганларнинг ҳаммаси Худонинг ўғиллари”dir, - дейилмоқда. Эътибор беринг, бу ерда: “Зеро оғир вазиятларга қарши жавоб берадиганларнинг ҳаммаси Худонинг ўғиллари”,- дейилгани йўқ.

Янги Аҳдда деярли барча вазиятларда фойдаланилган “ўғил” сўзи, икки юононча: *teknon* ва *huios* сўзларига мос келади. *Teknon* сўзи: “шу одамдан туғилганлиги учун ўғил” маъносини англатади⁴.

Менинг биринчи ўғлим Эдисон туғилганида, у фақатгина мен ва хотинимдан туғилганлиги сабабли Джон Бивернинг ўғли бўлди. У туғруқхонада бошқа янги туғилганларнинг орасида бўлганида, ўғлимни бошқа барча чақалоқлардан ажратса олмас эдингиз. Дўстларим ва қариндошларим туғруқхонага кўргани келганларида, уни таниб, қўтариб ола олмас эдилар, уни фақат кроватчасига ёпиштириб қўйилган, ном битилган ёрликка қараб танир эдилар. Унда уни бошқаларда ажратиб турадиган ҳеч нарсаси йўқ эди. Эдисон бу вазиятда Джон ва Лиза Бивернинг *teknoni* ҳисобланган.

Teknon сўзи – Римликлар 8:15-16да фойдалангандигини кўрдик. Бу ерда шундай дейилмоқдаки, биз ўғиллик рухини қабул қилдик, ва “ана шу Рухнинг Ўзи бизнинг рухимизга, биз Худонинг фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бермоқда”. Одам Исо Масихни Раббий деб қабул қилганида, у самодан туғилганлик, янги туғилганлик далили туфайли Худонинг фарзандига айланади (Юханно 1:12).

Янги Аҳдда “ўғиллар” деб таржима қилинган иккинчи юононча сўз

⁴

Вайна лугати, бола сўзига қаранг. (*Муаллифнинг изоҳи*).

– бу *huios* сўзидир. Янги Аҳдда бу сўздан кўп марта “Ота-онасининг хулқ-авторини ўзида акс эттирганлиги учун ўғил деб тан олиниши мумкин бўлган шахс”ни таърифлаш учун фойдаланилган⁵.

Ўғлим Эддисон ўсиши жараёнида, ташқи кўринишидан ва ҳатти-харакатларидан отасига ўхшай бошлади. У олти ёшга тўлганида, мен хотиним билан иш юзасидан жўнаб кетдик ва уни ота-онамизницида қолдирдик. Кейин онам хотинимга Эддисон худди отасининг тўлиқ нусхаси эканлигини айтибди. Мен унинг ёшида қандай бўлган бўлсам, унинг шахсияти худди шундай эди. У вояга етганида, яна ҳам кўпроқ отасига ўхшаб қолди. Энди уни Джон Бивернинг ўғли сифатида нафақат туғилганлигининг далилига кўра, балки отасиникини эслатиб турувчи хулқ-авторининг хусусиятлари бўйича ҳам билиб олиш мумкин.

Оддий қилиб айтганда, юонон *teknon* сўзи – “чакалоқ ёки етук бўлмаган ўғилларни” англатади, *huios* сўзи эса қўпинча “етук ўғилларни” таърифлаш учун ишлатилган.

Ваннер томонидан тузилган Янги Аҳд сўзларининг маъновий лугатида, муаллиф мазкур сўзларнинг: “*teknon*” – туғилганлиги туфайли ўғил эканлик, ва “*huious*” хулқ-автори жихатидан отасига ўхшаганлиги туфайли унинг ўғли эканлиги ўртасидаги фарқقا жиддий ургу берган.

Имонлиларнинг Худонинг фарзандлари “*teknon*” ва Худонинг ўғиллари “*huios*” сифатидаги фарқлари Римликлар 8:14-21да кўрсатилган. Ана шу Руҳнинг Ўзи уларнинг руҳига, улар “Худонинг фарзандлари” эканликлари хақида гувоҳлик бермоқда, шунинг учун Улар Унинг меросхўрлари ва Масихнинг ворисдошлариdir. Бу ерда уларнинг руҳий туғилиш далили таъкидланмоқда (16-17

оятлар). Аммо бошқа томондан, “Худонинг Рухи томонидан бошқариладиганларнинг ҳаммаси Худонинг ўғиллари”дир, яъни: “факат шундай имонлилар ва бошқа ҳеч қандайлар эмас!” Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари – уларнинг Худо билан ўзаро муносабатларининг сифати ва хулқ-атворлари Унинг хулқ-атворига ўхшашлиги ҳақида гувоҳлик беради. Раббий Исо Масих Матто 5:9 оятда “*huios*” сўзини маҳсус равишда қўллаган: “Тинчлик ўрнатувчилар баҳтилерлар, чунки улар Худонинг ўғиллари деб аталурлар” ва 44-45-оятларда: “Душманларингни севинглар, сизларга озор бераётганлар ва сизларни қувгин қилаётганлар учун ибодат килинглар. Шунда сизлар Осмондаги Отангизнинг фарзандлари бўласизлар”. Исо Масихнинг шогирдлари, Худонинг фарзандлари бўлишлари учун эмас, балки, фарзандлар бўлган ҳолда (эътибор беринг, бу ерда ҳамма жойда “Сизнинг Отангиз” сўзи ишлатилмоқда) – улар бу далилнинг ўз хулқ-атворларида намоён бўлишига эриша олсинлар, токи улар “Худонинг ўғиллари”га айлансинлар(шунингдек, 2Кор.6:17-18га қаранг).

Келинглар, Римликларга 8:14га нима дейилаётганига яна бир бора назар ташлаймиз: “Зеро Худонинг Рухи томонидан бошқариладиганларнинг ҳаммаси Худонинг ўғиллари”дир(*huios*)”. Бизлар аниқ кўришимиз мумкинки, булар – Худонинг Рухи томонидан бошқариладиган етук ўғиллардир. Етук бўлмаган Масихийлар, Худонинг Рухининг бошқарувига кўринишича кам эргашадилар. Кўпинча улар ўзлари дуч келадиган вазиятларга ҳиссиёт билан онг билан жавоб беришга ҳаракат қиласидилар. Улар ҳали факатгина Худонинг Рухининг бошқаруви остида ҳаракат қилишни ўрганган эмаслар.

Эддисон улғайиб боришига кўра унинг хулқ-атвори ҳам

ривожланади. У накадар етук бўла боргани сари, мен унга шу қадар кўп маъсулиятлар юклайман. У учун ғўр ҳолатда туравериш нотўгри. Бизнинг гўдак ҳолимизда колиб кетишимиз Худонинг иродаси эмас.

Ўғлим Эддисоннинг хулқ-автори шаклланишининг йўлларидан бири – бу қийин вазиятлар билан тўқнашишидир. У мактабга боришни бошлаганида, баъзи бир “урушқоқлар” билан тўқнашди. Мен уларнинг ўғлимга қарши қилган ишлари ҳақида эшитдим ва бориб, уларни тартибга солиб қўйишни хоҳладим. Аммо бу нотўгри бўлишини тушунар эдим: менинг аралашувим Эддисоннинг ўсишига тўсқинлик қиласр эди. Шунинг учун мен ва хотиним уни мактабдаги қувғинларга тайёрлаб, уйда унга маслаҳат беришни давом эттиридик. Унинг хулқ-автори азоблар орқали ва бизнинг маслаҳатларимизга итоат орқали мустаҳкамланди.

Бу Худо бизлар билан қандай йўл тутишига ўхшайди. Муқаддас Ёзув шундай дейди: У (Исо Масих) Худонинг Ўғли (Huios) бўлса ҳам, азоб чекии орқали итоат қилишни ўрганди (Ибр.5:8).

Жисмоний ўсиш – бу вақтга боғлиқ масала. Ҳеч бир икки ёшли гўдакнинг бўйи 180 сантиметр бўлмайди. Ақлий ўсиш таълим жараёнида амалга ошади. Бироқ руҳий ўсиш – вақт ёки таълим билан боғлиқ масала эмас, бу итоаткорлик билан боғлиқдир. Энди эса, Петъорнинг сўзларига эътибор беринг:

Шундай қилиб, Масих биз учун Ўз танаси билан азоб чекканидек, сизлар ҳам худди шу фикр билан қуролланинглар.
Чунки танаси билан азоб чекаётган одам гуноҳ қилишидан тўхтайди.

-1Петъор 4:1.

Гунох қилишни тўхтатган одам Худонинг ҳақиқий итоаткор фарзандидир. У етукдир. У ўзининг эмас, Худонинг йўлини танлайди. Исо Масих Унга келган азоблар орқали итоаткорликни ўргангани каби, биз ҳам қийин вазиятлар натижасида итоаткорликни ўрганамиз. Биз Муқаддас Рух томонидан айтилган Худонинг Сўзига бўйсунганимизда – келишмовчиликлар ва азоблар вактида ўсамиз ва етуклика эришамиз. Бизнинг Муқаддас Ёзувни билишимиз руҳий ўсиш учун қалит бўлиб хизмат қилмайди, балки итоаткорлик қалит ҳисобланади.

Энди биз нима учун бизнинг жамоатимизда ўн йиллик Масихий одамлар бор эканлигини, улар оятларни ва ҳатто, Муқаддас Ёзувдан оятларни, ҳатто бутун бобларни айтиб бера олишларини, минглаб воизликларни эшитишларини ва кўпгина китобларни ўқишлирини, аммо, аввалгидек “руҳий таглик”ларда юришларининг сабабини тушунамиз. Улар ҳар сафар қийин вазиятларга дуч келгандарида, Худонинг Рухи бошқарувида ҳаракат қилишнинг ўрнига, ўзларича ўзларини ҳимоя қилишга уринадилар. Улар ҳар доим “ўқиб юрадилар, лекин ҳеч қачон ҳақиқатни билишга эриша олмайдилар” (2Тим.3:7та қаранг). Улар ҳақиқатни таниб билишга етиб келолмайдилар, чунки уни ўз ҳаётларида қўлламайдилар.

Агар биз ўсмоқчи ва етук бўлмоқчи бўлсак- ҳаётимизни ҳақиқатга тўлиқ очишимиш лозим. Унга итоат қилмасдан туриб, шунчаки ақлий розилик бериш етарли эмас. Агар биз итоаткор бўлмасак, ҳатто ўрганишни давом эттираверсак ҳам, ҳеч қачон етук бўла олмаймиз.

ЎЗ-ЎЗИНИ АСРАШ

Итоатсизлик орқали ўз- ўзини асрашга умумий оқлов – бу хафаликдир. Хафаликни яширишда – ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг

ёлғон хисси мавжуддир. У сизга ўз хулқ-атворингиздаги камчиликларни кўрмасликни беради, чунки айбни бошқа одамга юклашга сизни мажбур қиласди. Шунда сиз ҳеч қачон ўз ҳаракатларингиз, ўз фўрлигингиз ёки гуноҳларингиз билан юзлашишингиз керак бўлмади, чунки сиз фақат сизни хафа қилган одамнинг камчиликларини кўрасиз. Шунинг учун, мазкур қарама-қаршилик орқали сизнинг хулқ-атворингизни ривожлантиришга қаратилган Худонинг уринишлари ташлаб кетилади. Хафа бўлган одам – хафалигининг манбаидан қочади ва оқибат натижада руҳий дайдига айланиб қочиб юради.

Яқинда бир аёл менга бир жамоатдан кетиб бошқасига боришни бошлаган дугонаси ҳақида сўзлаб берди. У янги чўпонни ўз уйига тушликка чакирибди. Сухбат давомида чўпон нима учун у ўз жамоатидан кетганлигини ундан сўрабди. Аёл унга аввалги жамоатидаги барча муаммолар ҳакида сўзлаб берибди.

Чўпон тинглаб, уни юпатишга уринибди. Мен ўз тажрибамдан биламанки, ўша чўпон томонидан аёлни Худонинг Сўзидан фойдаланиб, ўз яралари ва танқидий қарашларини енгишга руҳлантириш – донолик бўлар эди. Агар керак бўлса, у аёлга Худо уни у жамоатдан тинчлик билан қўйиб юбормагунигача, у ўзининг аввалги жамоатига қайтишини маслаҳат бериши керак.

Худо сизни жамоатдан тинчлик билан олиб чиққанида, сиз бошқа одамларга кетишингизни оқлаш босимини бошдан кечирмайсиз. Сизнинг аввалги жамоатингизда бўлган ўша муаммоларни ҳукм қилиш ёки танқидий очиш босими остида юрмайсиз. Мен биламанки, маълум вакт ўтганидан сўнг бу аёл янги чўпонга ва унинг бошқарувига ўзининг аввалги жамоатидагидек муносабатда бўлади. Биз ўз юрагимизда хафаликни сақлаб юрсак, бизлар ҳамма

нарсани у орқали ўтказамиз.

Мазкур ҳолатга тўғри келадиган қадимги бир масал бор. Илгариги замонларда, кўчманчилар ғарбга йўл олган кунларида, янги Ғарбий шаҳар ташқарисидаги тепаликда бир донишманд турган экан. Кўчманчилар шарқдан келганларида, улар бу шаҳарга киргунларигача учратган биринчи одам – шу донишманд бўлган экан. Улар қизиқиши билан бу шаҳарнинг одамлари қандай одамлар эканликларини сўрашибди.

У уларга савол билан жавоб қайтарибди: “Сизлар кетган шаҳардаги одамлар қандай эди?”

Баъзилари: “Биз чиқиб кетган шаҳар, бетавфиқ шаҳар эди. Ундаги одамлар ўта ғийбатчи эди, улар бегуноҳ одамлардан фойдаланар эдилар. У шунчаки ўғрилар ва ёлғончилар билан тўлиб кетган”, - деб жавоб беридилар.

Донишманд жавоб бериди: “Бу шаҳар ҳам худди сизлар чиқиб кетган шаҳар кабидир,” - дебди.

Улар донишмандга уларни ўzlари эндиғина чиқиб келган муаммодан қутқариб қолгани учун миннатдорчилик билдирибидилар. Сўнгра ғарбий томонга, янада ичкари кириб кетибидилар.

Сўнгра бошқа бир гуруҳ кўчманчилар келиб, худди ўша: “Бу шаҳарда қандай одамлар яшайди?” - деган саволни бериди.

Донишманд одам яна сўрабиди: “Сизлар келаётган шаҳарда қандай одамлар яшайди?”

Бу гуруҳ одамлари дейишибди: “У ажойиб шаҳар эди. У ердаги одамлар ҳам ажойиб. У ерда бизнинг яқин дўстларимиз қолган. Ҳар бир киши бошқа бирига ёрдам беришга ҳаракат қиласар эди. Ҳеч бир киши бирор нарсага муҳтож эмас эди, чунки барчаси бир-бирига

ғамхўрлик килар эди. Агар кимдадир қийинчиликлар бўлса, бутун жамоа ёрдамга келар эди. У ердан кетиши билар учун оғир бўлди, бирок билар биринчилардан бўлиб гарбга жўнаб, келгуси авлод учун жой тайёрлаш лозимлигини хис қилдик”.

Қари донишманд аввалги гурухга нима деган бўлса, буларга ҳам худди шуни айтиби: “Бу шаҳар ҳам сизлар чиқиб кетган ўша шаҳар кабидир”.

Бу одамлар хурсанд бўлиб: “Келинглар, бу шаҳарга жойлашамиз,”- дебдилар.

Улар ўзларининг ўтмишларида муносабатларига қандай қараган бўлсалар, келажакларига ҳам худди шундай қарап эдилар.

Сиз жамоатдан қандай кетганлигингиз, ўзингизнинг кейинги жамоатингизга қандай киришингизни белгилайди. Сиз қандай муносабатлар билан жўнаб кетган бўлсангиз, худди шундай муносабатлар билан кириб борасиз. Исо Масиҳ Юҳанно 20:23да шундай деган: “Кимнинг гуноҳларини кечирсангиз, у кечирилади, кимнинг гуноҳларини кечирмасангизлар, кечирилмайди”.

Биз ўзимизга хафаликни киритганимизда ва кечирмасликни сақлаганимизда, биз ўзга одамларининг гуноҳларини қолдирамиз. Агар биз жамоатдан айрилсак ёки аламда ва хафалиқда ким биландир муносабатларимизни узсак, биз бошқа жамоатга ёки бошқа муносабатларга худди ўша хислар билан борамиз. Сўнгра, муаммо кўтарилиганида, янги алоқаларимизни узиш бизга янада осонроқ бўлади. Биз фақатгина янги муносабатларимиз натижасида пайдо бўладиган жароҳатларимиз билангина эмас, балки бизнинг аввалги муносабатларимиздан колган жароҳатлар билан ҳам алоқада бўламиз.

Ҳисобларга кўра, 60-65% одамлар янгидан тузилган никоҳларини яна бузадилар⁶. Одам ўзининг биринчи никоҳидан қандай чиқса, иккинчисига ҳам шундай киради. У ўзининг биринчи турмуш ўртоғига қарши сақлаган кечиримсизлиги, унинг иккинчи турмуш ўртоғи билан бўлган ҳаётига тўсиқ бўлади. Бошқаларни айблаб, бундай одамларнинг бу келишмовчиликлардаги ўзларининг роллари га нисбатан кўзлари ожиздир, ўзларининг камчиликларига нисбатан кўзлари ожиздир. Ҳаммасидан ёмони, энди яна оғриқни бошдан кечиришга бўлган қўркув – уларда икки баробардир.

Бу принцип фақатгина никоҳ ва ажралишга тегишли эмас. Буни барча муносабатларга қўллаш мумкин. Бизнинг хизматимизга бунгача бошқа хизматчилар билан ишлаган ва улар томонидан хафа қилинган бир одам келди. Бироқ вақт ўтиши билан мен уни биз билан ишлашга таклиф қилишимни Раббий хоҳлаётганини ҳис қилдим. Мен унинг ўз хафалигини енгиб ўтиш йўлида эканлигига ишонар эдим.

Мен унинг аввалги иш берувчисига қўнғироқ қилдим, у билан бу одамни ўз штатимга олиш ҳақидаги режам билан бўлишдим. У бу иш яхши деган хулосага келиб, мени қўллаб-куватлади. У бу одам биз билан ишлашни бошлаганида, тўлиқ шифоланиш бўлади деб ҳисоблади. Мен уларнинг иккаласига ҳам, уларнинг ўзаро муносабатлари тикланиши ва шифоланиши учун ибодат қилишимни айтдим.

Ўша одам бизнинг гуруҳимизга қўшилганида, деярли тез орада муаммолар кўтарилиди. Мен юзага келган ҳолатларни ечишга ҳаракат қиласар эдим, бироқ, булар фақатгина вактинчалик енгиллик келтириар эди. У ўзининг аввалги ўзаро муносабатларининг

⁶ *Иллиойс штати, Рокфорд шаҳридаги, Американинг оила масалалари бўйича маркази бўлмиши Рокфорд институтининг маълумоти.*

чегарасидан чиқа олмаётгандек туюлар эди. Улар уни азоблаш учун таъқиб қиласыр эдилар. У мени ҳаттоки ўзининг илгариги етакчиси қилган ишларни қилаётгандыкда айблади.

Мен ташвишланиб қолдим, чунки бу одамнинг ишчи сифатида мен учун нимадир қилишидан кўра, унинг аҳволи мен учун муҳимроқ эди. Мен ишчиларимдан ҳеч бири учун қилмаган нарсаларни у учун қилдим, чунки мен уни шифо топган холда кўришни истаган эдим.

Бор-йўғи икки ой ўтиб, у кетиш ҳақида менга ариза берди. У ўзини худди аввалгидек вазиятга тузоққа тушгандек ҳис қиласыр эди. У кета туриб: “Жон, мен ҳеч қачон бошқа Масихий хизматларда ишламайман”, - деди.

Мен уни дуо қилдим ва унинг кетишига қараб қолдим. Биз уни ва хотинини яхши қўрамиз. Гарчи бу унда қандайдир бошқа соҳаларда муваффақият бўлмаслигини билдирамаса-да, айнан у тарқ этган хизматга унда кучли даъват борлиги ачинарли эди. У кетгандан сўнг, мен хавотир ҳис қилдим, шу сабабли, Раббийни излай бошладим: “Биз иккаламиз ҳам бу ишни унинг учун тўғри жой деб ҳисоблаган вақтда нима учун у тезда кетиб қолди?”

Бир неча ҳафта ўтгандан сўнг, Раббий бу саволга жавоб бериш учун менинг дўстим бўлмиш бир доно чўпонни ишлатди: “Худо одамларга кўплаб маротаба У юзлашишларини истаган вазиятлардан қочишлирга имкон беради, агар улар ўз юракларида бу вазиятлардан қочишига қарор қилган бўлсалар”.

Кейин у Иезавелдан қочиб кетган Элияҳнинг тарихини мисол қилиб келтирди (ЗШоҳ, 18-19). У эндиғина бетавфиқ пайғамбарлар Баал ва Астартани қатл қилган эди. Мамлакатни бутпарамастликка олиб келган бу одамлар Иезавелнинг дастурхонидан овқатланар

эдилар. Иезавел бу ҳақда эшитганида, у йигирма тўрт соат ичида Элийахни ўлдириши ҳақида таҳдид қилди.

Худо Элийахни Иезавелга қаршилик қилишини хоҳлаган эди, бунинг ўрнига эса, у қочиб кетди. У шундай тушкунликда эдики, ҳатто ўзига ўлим сўради. У энди Худонинг топшириғини бажара олмас эди, чунки қўрқувда эди. Худо уни иккита нон билан озиқлантириш учун фариштани юборди ва унга Ҳориб тогига кирқ кеча-кундуз давомида қочиб боришига рухсат берди.

У у ерга етиб борганида, Худонинг биринчи сўрагани: “Элийах, сен бу ерда нима қиляпсан?”- деган савол бўлди. Кўрқинчли савол! Раббий тоғда факат ундан: “Сен бу ерда нима қиляпсан?”- деб сўраш учунгина унинг кетишига рухсат бериб, Унинг Ўзи бу йўл учун унга озука берди. Элийах қийин вазиятлардан қочиб кетишига қарор қилганини Худо билар эди. Гарчи Унинг саволидан бу Унинг режасида бўлмаганлиги аниқ бўлсада, У унга буни қилишга рухсат берди.

Кейин у Элийахга деди: “Дамашққа сахро орқали ўз йўлинг билан қайтиб боргин, етиб борганингда Ҳазаелни Арам устидан подшоҳликка, Нимшининг ўғли Йеҳуни Исроил устидан подшоҳликка мойлагин. Абел-Мехолаҳдан Шафатнинг ўғли Элишани эса ўз ўрнингга пайғамбарликка мойлагин” (ЗШох.19:15).

Элишанинг ва Йеҳунинг хизмати туфайли, бу малика ва унинг қонунбузар йўли йўқ қилинди (4Шох.9-10). Бу топшириқ Элийах томонидан эмас, бироқ Худо Элийахга ўзининг ўрнига мойлашни буюрган унинг давомчиси томонидан амалга оширилган эди.

Ўша чўпон менга: “Агар биз ўз юракларимизда оғир вазиятлар орқали ўтмасликка қатъий қарор қилсак, гарчи бу Унинг ҳақиқий иродаси бўлмаса ҳам, Худо ҳақиқатан ҳам бизни улардан озод

килади”,- деди.

Мен кейинрөк ўша фикр тасдиқланган жойни, Сонлар китобининг 22-бобидан бир воқеани эсладим. Балаам унга лаънатлаш учун таклиф қилинган катта мукофот туфайли Исройлни лаънатлашни хоҳлади.

У Раббийдан биринчи маротаба бориши мумкин ёки мумкин эмаслигини сўради ва Худо кўрсатдики, Унинг Балаамга нисбатан иродаси Балакнинг элчилари билан бирга бормаслиги эди. Моаб бошлиқлари яна ҳам кўпроқ микдордаги пул ва яна ҳам кўпроқ иззат-икром билан қайтиб келгандарида, Балаам яна Худога юз тутди. Худо Балаамга энди кўпроқ пул ва иззат-икром таклиф қилганликлари сабабли Ўз қарорини ўзгартиради, деб хисоблаш нақадар аҳмоқлиқдир. Аммо бу сафар Худо унга улар билан боришини айтди.

Худо нима учун Ўз қарорини ўзгартириди? Жавоб шундайки, Худо Ўз қарорини ўзгартирган эмас. Шунчаки Балаам шу қадар бормоқчи эдики, Худо шунчаки рухсат берди. Айнан шунинг учун у йўлга тушганида Унинг ғазаби Балаамга қарши алангаланди.

Раббий бизга аллақачон Ўз иродасини аниқ кўрсатган нарса билан Унингжонигатешишимизмумкин. Оқибатда у бизга хоҳлаганимизни, ҳаттоқи, бу Унинг илк режасига қарама-қарши бўлса ҳам, ҳаттоқи, бу бизнинг фойдамизга бўлмаса ҳам қилишимизга рухсат беради. Кўпинча Худонинг режаси бизларни бизга ёқмайдиган яраланишлар билан ва муносабатлар билан юзма-юз келишга олиб келади. Бироқ биз ҳақиқатан ҳам бизга мустаҳкамланиш олиб келадиган нарсалардан қочамиз. Ҳафалик муаммосини ҳал қилишни рад этиш бизни муаммодан озод қилмайди. У бизга фақатгина вақтинчалик енгиллик беради, муаммонинг томири эса тегилмасдан қолиб

кетади.

Мен ишга олган ёш йигит билан бўлган шахсий тажрибам менга хафалик ва муносабатлар ҳақида дарс берди. Аламзадалик ва хафалик билан бошқа одам билан алоқани узган одам билан соғлом муносабатлар ўрнатишнинг иложи йўқ. Шифоланиш амалга ошиши керак. У йигит ўзининг аввалги бошлигини кечирдим деб юрса ҳам, бироқ бу хафалик унут бўлмаган эди.

Севги нотўғри нарсаларни унутади, шунинг учун келажакка умид бор. Агар биз ҳақиқатан ҳам хафаликни енгган бўлсақ, бизлар тинчлик ўрнатишни жуда истаймиз. Балки ҳали буни амалга ошириш учун тўғри фурсат келган эмасдир, аммо биз ўз юрагимизда бу муносабатларни тиклаш учун имкониялар излаймиз.

Кейинчалик доно дўстим менга: “Қадимги бир мақол бор: “Устига қайноқ сув қўйилган ит, совуқ сувдан ҳам қўрқади”. Қачонлардир қайноқ сувдан куйганликлари ва буни кечира олмаётганликлари туфайли нақадар кўп одамлар уларни тетиклаштирадиган совуқ сувдан бугунги кунларда қўрқадилар?”, - деди.

Исо Масих бизнинг жароҳатларимизни шифолашни хоҳлайди. Аммо кўпинча биз бу йўлнинг қийин эканлиги туфайли Унга буни қилишига рухсат бермаймиз. Шифоланишга ва руҳий етукликка етакловчи йўл – итоаткорлик ва фидокорликдир. Бу – бошқаларнинг манфаатини ўзимизницидан устун қўйиш қароридир, ҳаттоқи, бу одам сизга катта азоб келтирган бўлса ҳам.

Мағрур кишилар бу йўлдан бора олмайдилар, факатгина рад этилиш хавфи остида тинчликни хоҳлаётган кишиларгина бора оладилар. Бу итоаткорликка ва камтарликка ўргатувчи синовдир. Бу – ҳаётга элтувчи йўлдир.

БИЗЛАР ХУДОНИНГ ҲУЗУРИДА ЎРГАНАДИГАН НАРСАЛАРНИ ОДАМЛАРНИНГ ҲУЗУРИДА ЎРГАНА ОЛМАЙМИЗ.

Мен “Шайтоннинг хўраги” китобини ўқир эдим. Шундан бошлаб, менинг Худонинг Сўзига назарим ўзгарди. Мен жуда оғрикли вазиятдан ўтган эдим ва бу китобнинг мазмуни шу хақида бўлмаганида, мен абадий тузокда қолар эдим.

-Ф.Н., МАЛАЙЗИЯ

ИШОНЧЛИ ПОЙДЕВОР

Шунинг учун Раббий Худо шундай дейди: “Мана, Мен Сионга тоши қўймоқдаман – синалган тоши, асосий бурчак тоши, мустаҳкам ўрнатилган қимматбаҳо тоши – унга ишонадиган уятда қолмайди. (инглиз тилидаги таржималарнинг бирида: “унга ишонадиган шошилиб ҳаракат қилмайди”).

-Ишаъё.28:16

“**Y**НГА ИШОНАДИГАН шошилиб ҳаракат қилмайди”. Шошилиб ҳаракат қиласидиган одам бекарор одамдир, чунки унда бўлиши лозим бўлган пойdevor йўқ. Бундай одам тезда тебранади ва бўроннинг таъқиби, қувғин ва мешақатли синовлар остида четга сурилиб кетади. Масалан, келинг, Шимён Петъор билан нима содир бўлганлигини кўриб чиқамиз.

Исо Филип Кесарияси худудларига келиб, Ўз шогирдларидан: “Одамлар Мени, Инсон Ўғлини, ким деб ҳисоблайдилар?”- деб сўради.

Бир қанча шогирдлари завқ-шавқ билан халқнинг Масих ҳақидаги фикрларини айтиб бердилар. Исо уларни тутатгунларича кутиб турди, сўнгра уларга қараб, тўғридан-тўғри улардан: “Лекин сизлар Мени ким деб ҳисоблайсизлар?”- деб сўради (15-оят).

Ишончим комилки, улар жавобни ўйлаб кўраётганларида, кўпчилик шогирдларнинг юзларида хижолат ва кўркув акс этган

эди, уларнинг оғизлари ярим очик ҳолда, улар жим турар эдилар. Ўзгаларнинг фикрини жонли айтиб берган одамлар тўсатдан жим бўлиб қолдилар. Балки улар ҳеч қачон бу жиддий саволни ўзларига бермагандирлар. Сабаби нима бўлишидан қатъий назар, улар бу саволга ҳозир жавоб бера олмасликларини англадилар.

Исо Масих яхши қила оладиган ишини қилди! Унинг саволи уларнинг юрагини ҳаяжонга солиб қўйди. У уларни билган ва билмаган нарсаларини чинакамига англаб етишларига олиб келди. Шогирдлар Исо Масихнинг ҳақиқатда ким эканлигини ўз юракларида ҳал қилиб олишнинг ўрнига, бошқа одамларнинг фикрига асосланиб яшар эдилар. Улар бу саволни ўзларига тўғридан-тўғри бермаган эдилар.

Исо Масих Петъор деб атаган Шимён бу саволга жавоб бера олган ягона шогирд бўлди. У: “Сен Барҳаёт Худонинг Ўғли – Масихсан”, -деди (Матто 16:16). Шунда Исо унга жавобан деди: “Сен, Юнус ўғли Шимён баҳтлисан, чунки буни сенга тана ва қон очган эмас, балки осмондаги Менинг Отамдир” (17-оят).

Исо Шимён Петъорга бу ваҳийнинг манбани тушунтириди. У бу билимни бошқа одамлардан олган эмас, ёки ўқиган нарсалари орқали олган эмас, балки унга буни Худонинг Ўзи очган.

Шимён Петъорда илоҳий нарсаларга улкан чанқоқлик бор эди. Исо-га кўпгина саволларни айнан у берар эди. Қолган ўн битта шогирд бунга фақатгина қараб турган вактда, сув устида юрган ҳам у эди. У бошқаларнинг фикри билан яшашни хоҳламайдиган одам эди! У барчасини Худонинг оғзидан тўғридан-тўғри эшитишни хоҳлар эди.

Бу Муқаддас Руҳдаги Исони таниб-билиш ваҳийи, унга сезги аъзолари орқали эмас келган эмас, балки у руҳий чанқоқлигига жавобан унинг юрагини ёритган инъом эди. Шимён Петъор кўрган нарса-

ларнинг гувоҳи бўлганлар кўп эди, бироқ уларнинг юракларида Худонинг иродасини таниб-билишга бундай чанқоқлик йўқ эди.

Юҳаннонинг биринчи мактуби 2:27да шундай дейилади: “Бироқ Худодан олган мойланиш сизларда бор экан, сизларга бировнинг уқтиришининг ҳожати йўқдир. Лекин шу мойланишнинг ўзи сизларга ҳамма нарсани ўргатганидек – бу эса ёлғон эмас, балки ҳақиқатдир – шундай қилиб, у сизларга ўргатганидек, Масихда бўлинглар”.

Бу мойланиш Шимён Петъорни ўргатди. У барча қолганларни тинглади, сўнгра, ўзининг ичига Худо унга очганига назар ташлади. Сиз Худонинг Ўзидан очилган билимни олганингиз заҳоти, ҳеч ким сизни тебрата олмайди. Худо сизга ниманидир очганида, бутун дунё нима дейиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Ҳеч нарса сизнинг юрагингизни ўзгартира олмайди.

Сўнг Исо Шимён Петъорга ва қолган шогирдларга: “Мана шу тош устига Ўз жамоатимни қураман ва дўзахнинг дарвозалари уни енга олмас”, - деди (Матто 16:18). Биз аниқ кўрамизки, Муқаддас Рух томонидан очилган Худонинг сўзи ишончли пойdevорга эга бўлади.

ХУДОНИНГ РУҲИ ТОМОНИДАН ЁРИТИЛГАН СЎЗ

Мен воизлик қилганимда, кўпинча жамоатни ва алоҳида одамларни мен орқали жаранглайдиган Худонинг овозига қулоқ солишга чорлайман. Одатда, воизликни ёзаб бориб, биз воиз томонидан айтилганларнигина ёзамиз, холос. Шу сабабли, биз Ёзувчи ва изоҳни қўшимча билим сифатида фақатгина онгда тушунамиз.

Агар биз фақат ақлий билимга эга бўлсак, унда қуйидаги икки нар-

са содир бўлиши мумкин:

1. Биз ўйинга ва мутлақ ҳиссий харакатларга осон берилиб қоламиз.

2. Биз ўз ақлимиз томонидан боғланиб қоламиз.

Бироқ буларнинг барчаси Исо Масих Ўз Жамоатини қурадиган ишончли пойдевор ҳисобланмайди. Исо Масих жамоатини ёдлаб олинган Муқаддас Ёзувнинг оятларига эмас, балки Муқаддас Рухнинг ваҳийига асосланишини айтган.

Биз мойланган хизматчининг воизлигини эшитиб туриб ёки китоб ўқиб туриб, бизнинг руҳимизда ёнадиган сўзни ёки жумлани ҳар доим излашимиз лозим. Бу Худо бизга очадиган ўша сўздир. У нур ва руҳий англашни олиб келади. Саночи ёзгани каби: “Сенинг сўзларингнинг ваҳийлари ёриширади, соддаларга ақл киритади” (Санолар 118:130). Унинг сўзи ваҳий ёрдамида бизнинг онгимизга эмас, юрагимизга киради ва айнан ўшандада у бизни ёриширади ва аниқ очиб беради.

Кўпинча хизматчилар бир мавзуни гапираётган бир пайтда, Худо менинг юрагимда умуман бошқа нарсани ёритиши мумкин. Бошқа томондан, Худо айнан хизматчи айтиётган сўзларни мойлаши ва улар менинг ичимни портлаши мумкин. Иккала усулда ҳам бу Худонинг менга ваҳий тарзида очган Сўзидир. Мана шу нарса бизларни гўлликдан (англаш етишмаслиги) етукликка (англашга тўлалик) ўзгартиради. Худди Исо Масих айтганидек, Унинг жамоати қуриладиган пойдевор - бу бизнинг юракларимизда ёришган Сўздир.

Исо Масих Худонинг ваҳийини қояга ўхшатади (инглизча таржимада ва юононча асл нусхасида бу сўз оддийгина тошни эмас, балки

катта қояни англатади. Юононча “Петрос” – тош сўзинини англатади, Исо Масиҳ томонидан ишлатилган “тош” сўзи Матто 16:18да “мана шу тош устига” – бу юононча “петра” сўзи – катта харсанг тошни англатади, таржимоннинг изоҳи). Тош барқарорликни ва мустаҳкамликни билдиради. Бири тош устига, бошқаси эса қум устига курилган иккита уй ҳақидаги Исонинг масалини ёдга олинг. Қувғинлар, қайғу ва азоблар бу иккала уйга ёғилганида, қум устида курилган уй вайрон бўлди, тош устида курилган уй эса бардош берди.

Биз Худодан эшитишимиз керак бўлган баъзи нарсалар Муқаддас Ёзувда топилмайди. Масалан, айнан кимга уйланишимиз керак? Қаерда ишлашимиз керак? Қандай жамоатда бўлишимиз лозим? Бундай саволлар эса ниҳоятда кўп. Биз бу саволларга қарор қабул қилишимиз учун Худо Рухининг ваҳийига эга бўлишимиз лозим. Худодан бўлган бундай сўzsиз бизнинг қарорларимиз бекарор ерга асосланган бўлади.

Худо Ўз Рухи билан бизларга очадиган нарсаларни биздан ҳеч ким тортиб ола олмайди. Бу бизлар қиласидиган ҳамма нарса учун асос бўлиши керак. Шафқатсиз синовлар ва қайғулар келганида биз бунингсиз тезда васвасага тушиб қоламиз.

Эшитиб қувонч билан қабул қилинган, аммо юракда илдиз отмаган сўз ҳақида Исо Масиҳ нима деганини эсланг. У қувонч билан фақат онгда ва ҳис-туйғуда қабул қилинган эди.

Шу сингари, тошлоқ ерга сепилганлар шуларни билдиради: улар сўзни эшитганларида, шу заҳоти уни қувонч билан қабул қиласидилар, лекин ўзларида илдизга эга эмаслар ва доимий эмаслар. Кейинчалик сўз учун қайғу ёки қувғин бўлганида, ўша заҳоти васвасага тушадилар.

-Марк 4:16-17.

Биз “илдиз” ва “пойдевор” сўзларини ўзаро осон алмаштиришимиз мумкин, чунки уларнинг иккаласи ҳам ўсимлик ёки иморат учун мустаҳкамлик манбаи эканлигидан ёки турғунликдан (ёки барқарорлик) далолат беради. Худо Сўзининг ваҳийига барқарор бўлмаган ёки мустаҳкамлашмаган одам – васваса ва хафалик бўрони томонидан кўчириб юборилишга маҳкум одамдир.

Накадар кўп одамлар Исо Масих савол берган шогирдлари кабилар? Улар бошқаларнинг гувоҳликларидан ва воизликларидан эшитганларига асосланиб яшайдилар. Бошқаларнинг фикрлари ва ғояларини Муқаддас Рухнинг гувоҳлигини ва маслахатини изламасдан ҳақиқат тариқасида қабул қиласидилар. Бизлар фақатгина Худо шахсан бизга очган ваҳий билан яшашимиз ва унигина эълон қилишимиз лозим. Исо Масих Ўз Жамоатини қурадиган нарса ана шудир!

Қачонлардир менинг қўлимда ҳали турмушга чиқмаган котиба ишлаган эди. У бир йигит билан учрашиб юрар, у йигит ҳам жамоатда хизмат қиласидилар эди. Ҳар кун уларнинг муносабатлари янада яқинлашиб борар эди. Ҳамма бу муносабатнинг тўй билан якун топишга бораётганини кўриб туради. Улар бу саволни аллақачон жиддий муҳокама қилиб олган эдилар.

Бир якшанба оқшоми катта чўпон уларни чақириб: “Раббий Худо шундай дейди: Сиз иккингиз турмуш қурасизлар”- деди.

Кейинги кун эрталаб менинг котибам ишхонага булутлар оғушида кириб келди. У шу қадар ҳаяжонда эдик! У мендан уларни никоҳлаб қўйишимни сўради ва мен бу мен учун шараф эканлигини айтдим. Мен улар билан олдинроқ гаплашиб олиш учун учрашув белгиладим.

Аммо мен юрагимда қандайдир оғирликни хис қилдим. Улар офис-

га кириб келгандарыда менинг рухим безовта эди. Мен котибамга қараб ундан Худо у учун танлагани айнан шу одам эканлигини аниқ билиш ёки билмаслигини сўрадим. У иштиёқ ва аниқлик билан: “Ха”, - дея жавоб берди.

Сўнгра мен йигитга қараб унга: “Сенинг айнан шу қизга уйланишинг Худонинг иродаси эканлигига ишончинг комилми?” - деб сўрадим.

У менга бир зум ярим очиқ оғиз билан қараб турди, кейин эса бошини куйи солиб: “Йўқ, ишончим комил эмас,” - дегандек бошини тебратди.

Мен уларнинг иккаловларига бир қараб олиб, сўнг йигитга ўғирилиб: “Мен сизларни никоҳламайман. Сизларга ким башорат қилганининг ва нима деганининг менга фарқи йўқ. Нақадар кўп одамларнинг сизларга: “Бир-бирларингга шунчалик ярашгансизлар”, - деганларининг менга фарқи йўқ. Агар Худо Ўз иродасини юрагингга очмаган бўлса, турмуш қуришинг керак эмас”, - дедим.

Сўнг давом этдим: “Агар бу сен учун Худонинг аниқ иродаси ҳақидаги ваҳийни шахсан олмасдан туриб уйлансанг, бўронлар келганида, улар эса албатта келади, сенда шубҳалар ва “Мен бошқа қизга уйланганимда нима бўлар эди? Балки бу муаммолар бўлмасмиди? Бу уйланиш Худонинг иродаси бўйича эканлигига мен ишонч ҳосил қилишим керак эди. Мен ўзимни тузоқда ҳис қиляпман”, - деган саволлар келади. Шунда юрагинг эзилади ва сен никоҳингга ёғилиб келаётган муаммоларга ва қийинчиликларга қаршилик қила олмайсан. Сен ўзининг барча йўлларида мустаҳкам бўлмаган, фикрида иккиланадиган одамга айланасан”.

Уларни жўната туриб, уларнинг яна учрашишидан ҳеч қандай маъно йўқлигини айтдим. Йигит енгил тортди. Қиз эса нихоятда хафа бўлди. Кейинги ҳафта давомида ишхонамиздаги муҳит нихоятда сиқиқ бўлди. Бироқ мен ҳақиқатни айтганимни билар эдим. Бу қиз

учун синов вақти бўлди. Агар Худо унга хақиқатдан бу одам унинг эри бўлиши кераклигини айтган бўлса, унда у мендан ва Худодан хафа бўлмасдан, Раббий буни йигитга ҳам очишига ишониши керак эди. Мен қизга ундан узоқлашишни ва Худодан жавобни шахсан излаши учун унга имкон беришини маслаҳат бердим. У шундай қилди.

Уч ҳафта ўтгандан сўнг, улар яна бир учрашув белгилашни сўрадилар. Мен бирданига ичимда қувончни ҳис қилдим. Бу сафар улар ишхонага кирғанларида, у менга порлаб турган нигоҳи билан қараб: “Худо менга хотинликка берган қиз айнан шу эканлигини аниқ биламан, заррача ҳам шубҳаланмайман”, - деди. Улар етти ойдан сўнг турмуш курдилар.

Худо бундай ўзаро муносабатларни ёки жамоатни сизга берганлигини билганингизда, душманга сизни у ердан сууриб олиш анчагина қийинроқ бўлади. Сиз Худонинг Сўзи ваҳийига асослангансиз ва барча келишмовчилардан, ҳаттоқи улар иложсиз туюлса ҳам ўта оласиз.

БОШҚА ЙЎЛ ЙЎҚ

Эр-хотинлик ҳаётининг биринчи беш йили мен учун ва хотиним учун жуда даҳшатли бўлди. Биз бир-биrimizga шундай яralадики, қачонлардир бизда бўлган ўша ёқимли муносабатларни ва севгини қутқариш имконсиздек кўринди.

Фақат бир нарса бизни биргаликда ушлаб турар эди: бизнинг никохимизни Худо қурғанлигини иккаламиз ҳам билар эдик. Шунинг учун бизлар ажралишга – муаммоларимизни ечишнинг йўлларидан бири деб асло қарамас эдик. Бизнинг ягона йўлимиз

– Худо бизни шифолашига ва ўзгартиришига ишониш эди. Бу биз учун нақадар оғриқли бўлса ҳам, биз иккаламиз ҳам ўзимизни шунга бағишлидик.

Менга енгилиш фикри келганида, Худонинг бизнинг оиласизга нисбатан менга берган ваъдаларини эслар эдим. Мен Худонинг бизнинг бирлашмамиз ҳақида тузган ва режалаштирган нарсаларини йўқ қилишни истамас эдим.

Худо менга берган ваъдаларидан бири, бу – биз хотиним билан бирга хизмат қилишимиз эди. Худо менга бу ваъдани берган вақтда мен: “Мен буни тасаввур қилишим жуда осон. Унинг қўли хизмат ишлари учун иккаламизнинг устимизда”, -деб ўйлаган эдим.

Аммо эр-хотинлигимизнинг бўрони вақтида мен бу ваъдани бошқа шундай аниқ кўра олмас эдим. Бироқ уни тарқ этишни рад қилдим. Табиий умид – бизнинг никоҳимизга жанжаллар ва мағрурлик кириб келганлиги туфайли йўқолган эди. Бироқ менинг юрагимда ҳануз ҳаётнинг ғайритабиий уруғи бор эди. Мен унга муҳтоҷ бўлган вақтларимда мазкур ваъда – мен учун лангар ва пойдевор бўлди.

Буларнинг барчаси Худо нафақат бизнинг муносабтларимизни шифолаши, балки уларни аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ қилиши билан якунланди. Биз бир-биримизни кечириб ва улардан сабоқ чиқариб бу келишмовчиликларда ўсдик. Энди эса Раббийга икки киши бўлиб хизмат қиласиз. Мен хотинимни нафақат севиклигим ва энг яхши дўстим, балки шунингдек, мен бошқа бирор кишидан кўра кўпроқ ишонадиган хизматчи деб хисоблайман.

Эр- хотинлигимизнинг биринчи беш йиллигига бу қийин “ғадир-будурликлар” орқали ўтиб, мен англадимки, Худо ҳар биримизнинг камчиликларимизни қўрди ва бизнинг ўзаро муносабатла-

римиз буларнинг барчасини ёруғликка олиб чиқди.

Бизларни эр ва хотин қилиб бирлаштирган Худонинг донолигидан ҳайратда эдим. Мен Лизани учратгунимга қадар, мен қачонлардир уйланадиган қиз учун хафсала билан ибодат қиласр эдим. Бу танлов – менинг ҳаётимда хушхабарга итоатимдан сўнг иккинчи ўринда эди. Менинг турмуш ўртоғимга нисбатан Худонинг танловини кутганим ва ибодат қилганим туфайли, бошқа никоҳларда бўлган ўша муаммолар менда бўлмайди деб ўйлаган эдим. Эҳ, қанчалик адашдим!

Худо менга қўнглик истаганидек хотинни танлади. Бироқ у менда яширип бўлган худбинона ғўрликни очди! Ажрашиш воситасида қарама-қаршиликлардан қочиш ёки хотинга айбни тўнкаш- ўзининг етук эмаслигини “хафалик” деб номланган сохта ҳимоя қатлами остида яширишни англатган бўлар эди. Бизнинг никоҳимиз тўғрисидаги Худонинг вахийи мени бундай қочишлардан асраб қолди.

Мен ҳозир бу бобдаги асосий фикрдан бурилишни хоҳлайман. Сизларнинг баъзи бирларингиз бу сатрларни ўқиб, балки: “Мен уйланганимда, нажот топмаган эдим”, - деб ўйларсиз.

Худо сизларга демоқда: “Никоҳда бўлганларга эса мен эмас, балки Раббий буюради: хотин эридан ажралмасин, - агарда ажралса, эрсиз қолсин ёки ўз эри билан ярашсин; эр ҳам ўз хотинини қўйиб юбормасин... Шундай қилиб, биродарлар, ким қандай ҳолатда даъват этилган бўлса, шу ҳолатда Худо билан қолаверсин” (1Кор.7:10-11, 24).

Никоҳ аҳдига оид берилган бу Сўз юрагингизда мустаҳкам ўрнашсин, токи сиз хафалик каби бундай тузоқлар сабабли тебранманг, балки мустаҳкам бўлиб қолинг. Сўнгра никоҳингизга Раббийдан вахий олиш учун Уни изланг.

Сизларнинг баъзиларингиз ҳаттоки имонли бўла туриб, Худонинг

иродасисиз турмуш қуришингиз мумкин. Сиз никоҳингизда Худонинг дуо-баракатига киришингиз учун, сиз турмуш қуришдан олдин Унинг маслаҳатини қидирмаганингизга тавба қилишингиз лозим ва У сизни кечиради. Иккита хато битта тўғрини келтириб чиқармаслигини юрагингизга туғиб олинг. Ҳафалик туфайли никоҳ аҳдини бекор қилиш муаммони ечмайди. Сўнг никоҳингиз учун Раббийнинг Сўзини изланг.

МУСТАҲКАМ ҚОЯ

Бизга Муқаддас Рұхнинг ваҳийи орқали берилган Худонинг Сўзи -ўз ҳаётимизни ва хизматимизни устига қуришимиз керак бўлган қоядир. Кўплаб одамлар менга улар қисқа муддат аъзоси бўлган кўпгина жамоатлар ва хизматлар ҳакида сўзлаб берганлар. Мен Худонинг фарзандлари Унинг амрлари билан эмас, қийинчиликлар билан бошқарилганликларини кўрганимда хафа бўлиб кетаман. Улар ҳамма нарса нечоғлик ёмон бўлганини ва уларга ҳамда бошқаларга нақадар ёмон муносабатда бўлганларини айтиб берадилар. Улар ўз қарорларида ўзларини оқлангандек хис қиласилар. Бироқ уларнинг мулоҳазалари уларга ўзларининг ҳафаликларини ва шахсий камчиликларини кўришга имкон бермайдиган алдовнинг бошқа қаватидир.

Улар жамоатлардаги ва хизматлардаги ҳозирги муносабатларини “вақтинчалик” ёки “Худо ҳозирги пайтда мени қўйган жой” деб атайдилар. Мен ҳаттоқи бир одамнинг: “Мен бу жамоатга гаровга берилганман”, - деганини ҳам эшигтанман. Қийинчиликлар пайдо бўлганида қочиши мумкин бўлган тешик қолдириш учун улар шундай гапирадилар. Уларда бир жойда туришга мустаҳкам пойдевор йўқ. Пўртаналар уларни кейинги портга осонгина олиб кетиши мумкин.

БИЗ ҚАЕРГА БОРАЙЛИК?

Исо Масих Ўз шогирдларидан Уни ким деб ҳисоблашларини сўраганидаги мисолга қайтсак, биз Худонинг иродаси Шимён Петъорга очилганида – унда барқарорлик ўсаётганини кўрамиз.

Бундан сўнг, Ота Шимён Петъорнинг юрагига ҳақиқатни очганида Исо Масих: “Ва Мен сенга айтаман, сен Петъор, мана шу тош (инглизчада “коя”) устига Ўз жамоатимни кураман ва дўзахнинг дарвозалари уни енга олмас”, - деди (Матто 16:18).

Исо Масих Шимёнга янги Петъор исмини берди. Бу жуда ҳам муҳим, чунки *Шимён* исми “эшитиш” маъносини англатади. Петъор (юонча *petros*) исми “тош” маъносини англатади. У Худонинг Сўзини эшитиши натижасида имонда мустаҳкамланди. Тош сўзи иморатнинг мустаҳкамлигини билдиради. Тошлардан қурилган ва ўз пойдевори сифатида қоя тошга эга бўлган уй ҳар қандай бўронга чидайди.

Бу оятдаги “коя” сўзи – “улкан тош” (ёки қоя) маъносинианглатадиган юонча *petra* сўзидан келиб чиқади. Исо Масих Шимён Петъорга у энди уй пойдеворининг негизига айлантирилганлигини айтди.

Петъор кейинчалик ўз мактубларида ёзган: “Ўзларингиз ҳам тирик тошлар каби ўзларингиздан руҳий бино барпо этинглар” (1Пет 2:5). Тош бу улкан қоянинг кичкина бўлагидир. Худонинг ваҳийида мустаҳкамлиқ, барқарорлик ва куч бор ва уни қабул қиласиган инсоннинг ҳаётида ҳосил бор. Бу одам Худонинг барҳаёт Сўзи бўлган Исо Масихнинг қуввати билан кучлидир.

Ҳаворий Повул 1 Коринфликлар 3:11да ёзади: “Чунки ҳеч ким қўйилган пойдевордан, яъни Исо Масихдан бошқа пойдевор қўя олмайди”. Биз Уни, яъни Худонинг тирик Сўзи Бўлганни

излаганимизда, У бизга очилади ва биз имонда мустаҳкам бўламиз.

Юҳанно 5:16дан Исо Масихнинг ердаги сўнгти кунларида шогирдларининг аҳволи мураккаблашганини кўрамиз. Дин уламолари ва яҳудийлар Исо Масихни ўлдириш учун Уни таъқиб қилдилар. Вазиятлар одамларга қулай бўлиб қўринганида ва улар Исо Масихни зўрлик билан подшоҳ қилишни хоҳлаганларида, У рад этиб, жўнаб кетди (Юҳан.6:15).

“Нима учун У бундай қилди?- шогирлар ҳайрон бўлиб қолдилар,- Бу Унинг учун ва биз учун қулай фурсат эди”. Уларни хавотир эгаллаб олди. Вазият хавфли бўлиб қолди.

“Биз картага ҳамма нарсани тикиб, бу одамнинг ортидан эргашиш учун ўз уйимизни ва ишимизни қолдирдик. Биз Унинг келаётган Масих эканлигига ишондик. Ахир, буни Яхё чўмдирувчи эълон қилди, Шимён Петъор эса буни Филипп Кесариясида тасдиқлади. Бизда икки нафар гувоҳ бор. Бироқ нима учун У ҳозирги дин уламоларини ғазаблантиришни давом эттироқда? Нима учун У Ўзига қабр қазимоқда? Нима учун бизларга, Унинг шогирдларига: “Эҳ, имонсиз ва бузук авлод, қачонгacha Мен сизлар билан бирга бўламан?”- деб бундай қаттиқ сўзларни айтди?”

Масихнинг ортидан эргашиш учун ҳамма нарсани қолдирган одамларнинг юракларида хафалик пайдо бўла бошлади.

Шундан кейин энг ёмони содир бўлди. Исо Масих уларга: “Сизларга ростини, ростини айтаман: Агар Инсон Ўғлининг Танасини емасангиз ва Унинг Қонини ичмасангиз, ўзингизда ҳаётга эга бўлмайсиз”, -деб воизлик қилгани очиқдан очиқ бидъат бўлиб туюлди (Юҳанно 6:53).

“У нимани воизлик қиляпти, -ўйлади улар, -бу энди ҳаддан ташкари!”

У буларнинг барчасини Капернаумда, синагога бошликлари олдида айтгани нимаси бўлди! Бу уларнинг фаҳмлашлари учун оғир бўлди.

Унинг шогирдларидан кўпчилиги буни эшишиб: “Нақадар ғалати сўзлар! Ким буларга қулоқ сола олади? –дедилар.”

-Юханно 6:60.

Исо Масихнинг жавобига диққат қилинг:

Аммо Исо шогирдлари бунга нолиётганларини Ўз ичида билиб, уларга деди: Сизларни бу васвасага соляптими?

-Юханно 6:61.

Булар Унинг шогирдлари эдилар! У ҳақиқат сўзларини қайтариб олаётган эмас, бунинг ўрнига уларга қарши чиқмоқда. Улардан баъзилари ўз ҳаётини мустаҳкам бўлмаган пойдеворга курганликларини У билади. У мазкур пойдеворни фош қиласи ва уларга ўз юракларини кўриш имконини беради. Бироқ улар Шимён Петъор ва бошқа шогирдлар каби ҳақиқатга ташна эмас эдилар. Уларнинг жавобига қаранг:

Шу вақтдан бошлаб, Унинг шогирдларидан кўпчилиги Ундан йироқлашдилар ва бошқа У билан бирга юрмадилар.

-Юханно 6:66.

Эътибор беринг, бу улардан “кўпчилиги” эди. Шубҳасиз, уларнинг орасида Филипп Кесариясига: “Баъзилари Яхё Чўмдирувчи, бошқалари Элий пайғамбар, яна бошқалари эса Йеремиҳ ёки пайғамбарлардан бири”, - деб тезда жавоб берганлар ҳам бўлган (Матто 16:14). Худонинг вахийи уларнинг пойдевори бўлмаган.

Хафалик уларни бугун кўпчилик қилаётган ишни қилишга олиб келди: улар кетдилар. Улар ўзларини алданган ва масхара қилинган деб ҳис қилдилар, аммо улар алданган ва масхара қилинган эмас

эдилар. Улар ҳақиқатни кўра олмадилар, чунки уларнинг нигоҳлари уларнинг шахсий худбинона истакларига қаратилган эди.

Энди эса, Исо ўн иккита шогирдини фош қилган онда Шимён Петъорга эътибор қаратинг:

Шунда Исо ўн иккита *шогирдига*: Сизлар ҳам кетишни истамайсизларми?- деди.

Шимён Петъор жавоб бериб деди: Раббий! Бизлар кимга борайлик? Сен абадий ҳаёт сўзларига эгасан. Бизлар имон келтиридик ва англадик, Сен Масих – тирик Худонинг Ўғлисан.

-Юханно 6:67-69.

Исо бу одамларга: “Илтимос, Мендан кетманг. Мен шундоқ ҳам жуда кўп ишчиларимдан ажралдим. Мен сизларсиз нима ҳам қиласман?”- дея ёлвормади. Йўқ, У улардан: “Сизлар ҳам кетишни хоҳламайсизларми?”- деб сўради.

Эътибор беринг, гарчи Шимён Петъор қолганлар каби хафа бўлиш имконига эга бўлса ҳам, у: “Раббий! Бизлар кимга борайлик?”- деб жавоб берди.

Эшигтан нарсаси уни ҳам довдиратиб қўйиши керак эди, бироқ унда бошқаларда бўлмаган билим бор эди. Петъор Филипп Кесариясида Барҳаёт Худонинг Ўғли – Исо ҳақиқатда ким эканлиги ҳақидаги ваҳийни олган эди.

У энди, синов олови аро унинг юрагида илдиз отган ваҳийни ошкор қилди: “Ва биз ишонамиз ва биламизки, Сен Барҳаёт Худонинг Ўғли – Масиҳсан”. Бу айнан ўша, у Филипп Кесариясида айтган сўзлар эди. У Худонинг барҳаёт Сўзининг мустаҳкам қоясига қўйилган тош бўлди. Петъор Исо Масиҳдан хафа бўлиб ва васвасага тушиб кетмади.

БОСИМ ОСТИДАГИ РЕАКЦИЯ

Мен күпинча оғир синовлар одамнинг ҳақиқий ҳолатини белгилашини айтаман. Бошқача сўз билан айтганда, улар сиз руҳий қаерда эканлигинизни белгилайди. Улар юрагимизнинг асл ҳолатини очиб беради. Сиз босим остида бўлганингизда қандай муносабат билдиришингиз сизнинг асл моҳиятингизни кўрсатади.

Балки сизнинг беш қаватли ва ҳашаматли, ўта моҳирона ишланган қурилиш материаллари ва нақшлар билан безатилган аммо қум устида қурилган данғиллама ҳовлингиз бордир. Куёш чақнаб турар экан бу бино қувват ва гўзаллик қалъасидек кўринади.

Бу данғиллама ҳовлининг ёнида оддийгина бир қаватли уй бўлиши мумкин. У деярли кўзга ташланмайди, ёнида турган ажойиб иморат билан солиштирганда кўркам бўлмаслиги мумкин. Бироқ у сиз кўра олмайдиган қандайдир тошли пойdevорда қурилган.

Ҳеч қандай бўрон бўлмагунича беш қаватли уй бундан анча чиройлироқ кўринади... Бироқ у тўфон билан юзлашганида, беш қаватли бино тебранади ва вайрон бўлади. У бир қанча кичикроқ тўфонлар пайтида туриб бериши мумкин, бироқ қаттиқ тўфон пайтида эмас. Оддий, бир қаватли уй туриб беради. Бино қанчалик катта бўлса, унинг қулаши шунчалик даҳшатлироқ ва кучлироқ бўлади.

Жамоатдаги баъзи одамлар Филипп Кесариясида шундай тез жавоб берган, кейинчалик эса фош қилинган шогирдларга ўхшайдилар. Улар ўзларида куч, мустаҳкамлик, барқарорлик ва гўзаллик тимсолини кўрсатиб, худди беш қаватли Масихийлардек кўриниши мумкин. Бироқ тўфон кўтарилиганида, уларнинг ҳолатлари жуда аник билинади.

Үз ҳаётингизни бошқаларнинг сўзларида эмас, Худо Сўзининг вахийи устида қураётганингизга ишонч ҳосил қилинг. Раббийни излашни ва ўз юрагингизга қулоқ солишни давом этиринг. Фақатгина буни бошқалар қилаётгани ва гапираётгани учун ниманидир гапирманг ва қилманг. Худони изланг ва сизнинг ўз юрагингизда ёритилган Сўзда туринг!

**ДУШМАН СИЗНИ ЛАРЗАГА СОЛАЁТГАНИДА
УНИНГ МАҚСАДИ ҲАЛОК ҚИЛИШ БЎЛАДИ.
АММО БУНДА ХУДОНИНГ МАҚСАДИ
БОШҚАЧАДИР.**

Мен “Шайтоннинг хўраги” номаси учун Худога миннатдор-чилик билдиримоқчиман. Мен хаётимда ёриб ўтиш келиши учун рўза тутиб, ибодат қилаётган эдим. Раббий мени мазкур номага йўналтириди ва у менинг хаётимни тубдан ўзгартириди. Бу китобни етакчилик хизматида бўлган ҳар бир киши ўқиб чиқиши керак.

-С. Р., ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ

ЛАРЗАГА СОЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҲАММА НАРСА ЛАРЗАГА СОЛИНАДИ

У энди шундай ваъдани берди: “Мен яна бир марта фақат ерни эмас, балки осмонни ҳам ларзага соламан”. “Яна бир марта” деган сўз эса ларзага солинмайдиганнинг қолиши учун ларзага солинадиган ўткинчи нарсанинг ўзгаришини билдиради.

-Ибр.12:2627.

Биз аввалги бобда Худо сўзининг ваҳийи Исо Масих Ўз Жамоатини қурадиган пойдевор эканлигини кўрдик. Биз ҳаттоқи бошқа шогирдлар васвасага тушиб, хафа бўлиб кетгандарида ҳам Шимён Петъор Исо Масих билан қолганини кўрдик. Ҳатто Исо Масих унга кетиш имконини берганида ҳам, Шимён Петъор юрагида мустаҳкамланган сўз билан жавоб қайтарди.

Келинг, энди Исо Масих хоинларча тутиб берилган тундаги Шимён Петъорнинг иккита марта синалишини қўриб чиқамиз. Исо Масих Ўзининг ўн иккита ҳаворийлари билан бирга кечлиқда миннатдорчилик билдириб ўтирганида, ҳайратга соладиган нарсанӣ айтди: “Мана Менга хиёнат қилувчининг қўли ҳам Мен билан бирга шу дастурхон атрофидадир. Бироқ Инсон Ўғли олдиндан белгилаб қўйилган йўлдан кетмоқда. Аммо Унга хиёнат қилувчининг ҳолига вой!” (Луқо 22:21-22). Мана шундай хабар! Бугун биз Исо Масих бундай сўз айтиб “бомба ташлади” деган бўлар эдик.

Исо Масих хоинларча тутиб берилишини олдиндан билар эди, аммо Унинг шогирдлари бу ҳақда биринчি марта эшитдилар. У би-

лан бошидан бирга бўлган Унинг яқинларидан бири Уни хоинларча тутиб беришини айтганида, шогирдларни қамраган даҳшатни тасаввур қила оласизми?

Саросимада: “Буни қиладиган орамизда ким экан?” - дея ҳаворийлар бир-биридан сўрай бошлидилар” (Луқо 22:23). Улардан бири хоинлик қилиши мумкинлигидан улар қотиб қолган эдилар. Бироқ бу ўз-ўзини имтиҳон қилишда уларнинг мақсадлари пок эмас эди. Бизлар буни уларнинг суҳбатлари хотимасидан биламиз. Уларнинг ўз-ўзларини имтиҳон қилишалридан мақсадлари – худбинона ва киборга тўла эди. Ёзувдаги шундоққина кейинги оятла назар ташланг:

Ҳаворийлар орасида, ким энг катта ҳисобланмоғи керак, де-
ган баҳслашув ҳам юз берди.

-Луқо 22:24.

Тасаввур қилинг: Исо Масих уларга ҳадемай Ўзини олий руҳонийларнинг қўлларига ўлим ҳукми чиқариш учун топширилишини ва Унинг устидан масхара қилишлари, қамчи билан калтаклашлари ва ўлдиришлари учун римликларнинг қўлларига топширилишини айтди. Буни қиладиган киши эса У билан бир дастурхонда ўтирганлигини айтди.

Шогирдлар бунинг кимлигини ойдинлаштириш билан бошлидилар ва улардан ким катталиги ҳакида баҳслашиш билан тугатдилар. Бу жуда хунук – деярли мерос учун тортишаётган болалар каби эди. Уларнинг Исо Масих билан ишлари йўқ эди, улар факатгина ҳокимиятга ва мавқега эришиш учун саросимага тушиб, интилар эдилар. Қандай тасаввур қилиб бўлмайдиган худбинлик!

Агар мен Исо Масихнинг ўрнида бўлганимда эди, мен имкон қадар

улардан мен айтганимни улар эшиздими, бунинг уларга қизиги борми, дея сўраган бўлар эдим. Биз бу ерда Устоз ўз шогидларига севги ва сабр-токат билан қандай муносабатда бўлганлигининг мисолини кўрамиз. Кўпчилигимиз Исо Масихнинг ўрнида: “Сизларнинг барчангиз, қани бу ердан йўқолиб қолингларчи! Бу мен учун буюк синов вақти, сизлар эса фақат ўзингиз ҳақингизда ўйлаяпсизлар”, - деган бўлар эдик. Хафа бўлиш учун яхши имконият!

Бу тортишувни шогирдлар орасида ким биринчи бошлаганини топишимиз мумкин – Шимён Петъор, чунки у гуруҳдаги энг устун бўлган шахс бўлган ва одатдагидек, биринчи бўлиб гапиришни бошлаган. Балки у кўпроқ бошқа нарсаларни: сув устида юрган ёлғиз у эканлигини эслагандир. Ёки, эҳтимол, у Исо Масихнинг илоҳийлиги ҳақидаги ваҳийни биринчи бўлиб олганлигини эслагандир. Яна у Исо Масих, Мусо ва Элий ҳақида айтиб бериб, Ўзгариш тоғида бўлган ўз кечинмаларини улар билан бўлиша олгандир. Петъор ўн икки шогирд орасида энг ортифи эканлигига ишончи комиллиги асоссиз эмас эди. Бироқ бу ишонч севгига асосланмаган эди. Унинг пойдевори мағурурлик эди.

Исо Масих уларга қараб, улар ўзларини шоҳликнинг ўғиллари каби эмас балки оддий одамлардек тутаётганини айтди. “Подшоҳлар ўз халқлари устидан ҳукмронлик қиласилар. Элни бошқарувчиларни олийҳиммат, деб атайдилар. Сизлар эса бундай бўлманглар. Аксинча, орангизда кимки катта бўлса, энг кичикдай бўлсин, кимки бошлиқ бўлса, хизматкордай бўлсин. Мана, қайси бири катта – ёнбошлаганми ёки хизмат қилиб юрганими? Ёнбошлаган эмасми? Мен эса орангизда хизматкордайман” (Луко 22:25-27).

ЭЛАКДАН ЎТКАЗИШДАН МАҚСАД

Гарчи Шимён Петъор Исо Масиҳнинг кимлиги ҳақида ваҳий олган бўлса ҳам, у ҳали Масиҳнинг итоаткорлигига эга эмас эди. У ўзининг эски ғалабалари ва мағрурлигидан қурилиш материали сифатида фойдаланиб ўз ҳаётини ва хизматини қурди. Повул бизни ўз пойдеворимизни Масиҳда қандай қураётганимизни кузатишга чорлайди (1Кор 3:10).

Шимён Петъор Худонинг шоҳлиги учун зарур бўлган маҳсус материаллардан эмас, балки кучли иродада ва ўз-ўзига ишониш каби материаллардан фойдаланди. Унинг характеристи Худонинг шоҳлиги учун ўзгариши керак эди. У ҳозирча “турмуш тарзидан мағрурланиш”га суянар эди (1Юҳан. 2:16).

Мағрурлик ҳеч қачон унга Масиҳдаги ўз бурчини бажаришга рухсат бермаган. Агарда мағрурлик енгилмагандада эди, охир натижада мағрурлик уни йўқ қилган бўлар эди. Йезекил 28:11-19да кўрамизки, мағрурлик – Худонинг мойланган херувими Люциферда топилган ва унинг қулашига олиб келган иллатdir.

Энди эса Исо Масиҳ Шимён Петъорга нима деганлигига қаранг:

Шимён, Шимён! Мана, шайтон сизларни буғдой каби сепиб юборишни сўради...

-Луқо 22:31.

Мағрурлик душманнинг киришига ва Шимён Петъорни “сепиб ташлашига” эшик очиб берди. “Сепиш” сўзи юононча “siniazo” - сўзидан таржима қилинган. У “элақдан ўтказиш, ғалвирда силкитишни англатади. Тимсолий қилиб айтганда: ички қўзғалиш воситасида кимнингдир имонини қулаш даражасигача синашдир”.

Агар Исо Масиҳ ҳозирги замонавий жамоатлардаги одамлар эга

бўлган тушунчага эга бўлганида эди, У: “Дўстлар, келинглар, ибодат қиласиз ва шайтоннинг бу ҳужумини боғлаймиз. Биз шайтонга буни бизнинг севимли Шимёнимизга нисбатан қилишига рухсат бермаймиз!” - деган бўлар эди. Бироқ қарант, У нима деди:

Бироқ Мен сен учун, яъни имонинг ғойиб бўлмаслиги учун ибодат қилдим, токи сен бир кун қайтиб келганингда, биродарларингни мустаҳкамлагин.

-Луқо 22:32.

Исо Масих Шимён Петъорнинг қулашгача олиб борадиган кучли тебранишдан қочиши учун ибодат қилмади. У унинг имони бу синов жараёнида ғойиб бўлмаслиги учун ибодат қилди. Исо Масих бунинг натижасида Шимён Петъорга керак бўлган янги хулқ-автор туғилишини билар эди, токи у ўз вазифасини бажара олсин ва биродарларини мустаҳкамласин.

Шимён Петъор ўз имонини йўқотиши учун шайтон уни шунчалик кучли тебратишга рухсат сўраган эди. Душманнинг нияти – бу улкан имкониятли, жуда кўп ваҳийлар олган одамни йўқ қилиш эди. Бироқ Худо бу ларзага солинишдан бошқа мақсадга эга эди ва ҳар доимгидек Худо шайтондан олдинда юрар эди. У Шимён Петъорда ларзага солиниши керак бўлган ҳамма нарсани ларзага солиш учун душман уни васвасага солишига рухсат берди.

Худо хотиним Лизага, нарсанинг ларзага солиниши учун беш мақсадни кўрсатди:

1. Уни ўзининг пойдеворига яқинроқ олиб келиш;
2. Ўлик нарсаларни йўқ қилиш;
3. Барча етилган ҳосилни йиғиб олиш;
4. Ўйғотиш;

5. Бирлаштириш ва биргаликда аралаштириш, токи у бундан сўнг ажралган ҳолда бўлмасин.

Худбинликка ёки мағурурликка асосланган ҳар қандай фикрлаш ёки муносабат тозаланишдан ўтади. Бу кучли ларзага солиниш натижасида Шимён Петъорнинг ҳар қандай ўз-ўзига ишониши йўқолади ва бор-йўғи қолгани – бу Худонинг ишончли пойдевори бўлади. У ўзининг ҳақиқий ҳолатини, ўлик бўлганни йўқ қилинишини, ҳақиқий асос мустаҳкамланиб, етилган ҳосил эса йиғиб олинишини тушуниб етади. У ортиқ ўзининг фойдаси учун ҳаракат қилмайди, бироқ Раббийга тўлиқ ишонади.

Петъор Исо Масихга дадиллик билан сўзлаб: “Раббий! Мен Сен билан зинданга ҳам, ўлимга ҳам боришга тайёрман!” - деди. Бу тасдиқлаш Руҳдан эмас, балки ўз-ўзига ишонишдан чиқди. У ўзидаги нуқсонни кўрмади.

ЯХУДОНИ ШИМЁН БИЛАН СОЛИШТИРГАНДА

Баъзилар Петъорни маҳмадана ва қўрқоқ деб ҳисоблайдилар. Бироқ Гетсемания боғида Исо Масихни қўлга олиш учун аскарлар келганида, у ханжарини шартта суғуриб олиб, олий руҳоний хизматкорининг ўнг қулоғини кесиб ташлади (Юхан.18:10). Ҳамма қўрқоқлар ҳам душман аскарларининг сони уларнидан ортиқ бўлганида тажовуз қила олмайди. У кучли одам эди, бироқ унинг кучи Худонинг итоаткорлигига эмас, балки ўзининг шахсига асосланган эди, зеро элакдан ўтказиш ҳали бошланмаган эди.

Худди Исо Масих айтганидек бўлди. Исо Масих учун ўлишга тайёр, тўла аскарлар бўлган боғга ханжар билан борган айнан ўша Шимён Петъор кичкина хизматкор қизга дуч келди. У қиздан қўрқди ва

ҳаттоки Исо Масихни билишидан тонди.

Баъзилар одамларнинг қоқилишга асосан катта қийинчиликлар мажбур қиласи деб ҳисоблайдилар. Бироқ кўпинча айнан аҳамиятсиз тўсиқлар ҳаммасидан кўпроқ тебратади. Бу ўз-ўзига ишонишнинг заиф эканлигини кўрсатади.

Сўнгра Петъор Исо Масихдан яна икки марта тонди. Хўроз қичқирди ва Петъор Масихнинг сўзини эслаб йиглади. Унинг бутун ўз-ўзига ишониши ларзага солинди ва у қачонлардир кўтарила олишига умид қилди.

Шимён Петъор ва Яхудо Ишқариёт кўп нарсаларда, шу билан бирга, Исо Масих ҳаётининг сўнгги фожиавий кунида уларнинг иккаласи ҳам Исо Масихдан тонганлиги далилида ўхшащдирлар. Бироқ бу икки одамнинг ўртасида муҳим фарқ бор эди.

Яхудо ҳеч қачон Исо Масихни таниб-билишга Шимён каби чанқօқ эмас эди. Яхудо Исо Масихни ўзининг пойдевори қилмаган эди. Гўё у Исо Масихни севар эди, чунки Унинг ортидан эргашиш учун барча нарсани қолдирди, доимо Унинг одамлари орасида сафарда юрди, ҳаттоки, қийин қувғин вақтларида У билан қолди. У жинларни қувди, касалларни шифолади ва Хушхабар айтди. (Исо Масих воизлик қилиш, шифолаш ва жинларни қувиш учун ўн битта эмас, ўн иккита шогирдини юборганини эсланг). Бироқ унинг қурбонликлари Исо Масихга бўлган севгиси ва Унинг ким эканлиги ҳақидаги ваҳий сабабли эмас эди.

Яхудо энг бошидан ўзининг мақсади, ўзининг шахсий режаларига эга эди. У ҳеч қачон ўзининг фаразли мақсадлари учун тавба қилмади. Унинг хулқ-автори шундай ифода билан очилади: “Агар мен... менга нима берасизлар?” (Мат. 26:14). У фойда олиш учун алдади ва тилёғламалик қилди (Мат.26:25). Яхудо Исо Масихнинг

хизмати учун мўлжалланган пуллардан ўз шахсий мақсадлари учун олар эди (Юҳан.12:4-6). Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. У гарчи Раббийнинг олдида уч ярим йил ўтказган бўлса ҳам, Уни таниб-бilmади.

Петъор ва Яхудонинг иккаласи ҳам қилган ишларига афсус қилдилар. Бироқ Яхудода Петъорда бўлган пойdevor йўқ эди. Унда Исо Масихни таниб-билишга ҳеч қачон чанқоқлик бўлмаганлиги туфайли У унга очилмаган. Агар Яхудо Исо Масих ҳақидаги ваҳийга эга бўлганида эди, у ҳеч қачон Уни хоинларча тутиб бермаган бўлар эди. Унинг хаётига кучли бўрон келганида, барчаси ларзага солинди ва барбод бўлди! Қарант, нима содир бўлди:

Шунда Унга хиёнат қилган Яхудо, Унинг ҳукм қилинганини кўриб ва тавба қилиб, олий руҳонийлар ва оқсоқолларга ўттиз кумуш тангани қайтариб бериб: “Бегуноҳ қонга хиёнат қилиб, гуноҳ қилдим,”- деди. Улар эса унга.”Бу билан нима ишимиз бор? Ўзинг қара,”- дейишди. У кумушларни маъбадга ташлаб, чиқиб кетди ва бориб ўзини осди.

-Матто 27:3-5.

У гуноҳ қилганини билди ва бундан афсус чекди. Бироқ у Исо Масихни билмас эди. У Кимни хоинларча тутиб берганини умуман тушунмади. У факат: “Мен айбисизнинг қонини тўқдим”, -деди. Агар у Исо Масихни Петъор каби билганида эди, у Раббийнинг эзгулигини билиб, Унинг олдига қайтиб келган ва тавба қилган бўлар эди. Ўз-ўзини ўлдириши – Худо иноятидан ташқарида яшаётганлигининг яна бир ҳаракати эди. Яхудо ҳаттоки Устозининг ортидан уч йил эргашганидан сўнг ҳам, унда ҳеч қандай пойdevor пайдо бўлмади.

Масихийликни қабул қилган одамларнинг қўпчилиги

“тұноқкорнинг ибодати билан” ибодат қилғанлар, жамоатга борғанлар, унинг фаол аязосига айланғанлар ва Мұқаддас Ёзувни ўқиганлар. Гарчи улар Исо Масихни ўз оғизлари билан тан олган бўлсалар ҳам, бироқ буларнинг барчаси Исо Масих ҳақиқатда ким эканлиги ҳақидаги вахийни шахсан олмасдан амалга ошган. Уларга шафқатсиз синовлар келганида, улар васвасага тушадилар, Худодан хафа бўладилар ва ортиқ У билан ҳеч қандай алоқада бўлишни хоҳламайдилар.

Мен шахсан ўзим бундай одамларнинг: “Худо ҳеч қачон мен учун ҳеч нима қилгани йўқ”, ёки: “Мен Масихий бўлишга ҳаракат қилдим, лекин ҳаётим янада ачинарли аҳволга тушди”, ёки: “Мен ибодат қилдим ва Худодан буни қилишини сўрадим, бироқ у буни қилмади! ”- деганларини эшитганман. Улар ўзларининг ҳаётларини ҳеч қачон Исо Масихнинг оёқларига қўймаганлар, аммо ўзларининг шахсий фойдаси учун Унинг иттифоқдоши бўлишга уринганлар. У уларга нимадир бериши мумкинлиги учунгина Унга хизмат қилғанлар ва осонгина васвасага тушганлар. Улар Ундан осонгина хафа бўладилар. Мана, Исо Масих уларни қандай таърифлайди:

Улар сўзни эшитганларида, шу заҳоти уни қувонч билан қабул қиласидилар, лекин ўзларида илдизга эга эмаслар ва доимий эмаслар. Кейинчалик сўз учун қайғу ёки қувғин бўлганида, ўша заҳоти васвасага тушадилар. (Юнон тилида бу сўз “норози бўладилар, қаттиқ ғазабланадилар, хафа бўладилар, қокиладилар ва ўладилар”ни англатади).

-Марк 4:16-17.

Эътибор беринг, У уларнинг ҳеч қандай пойдеворга эга бўлмаганликлари туфайли ўша заҳоти васвасага тушишларини айтди. Биз нимада илдиз отишимиз лозим? Бу саволга жавобни

Эфесликларга 3:16-18да топамиз: бизлар севгида илдиз отган ва ўрнатилган бўлишимиз лозим. Худога бўлган севги – бизнинг пойдеворимиздир.

Исо Масих: “Ким ўз дўстлари учун ўз жонини қурбон қилса, бундан буюкроқ севги йўқдир”, -деган (Юҳан.15:13). Биз ўзимиз ишонмаган одамга жонимизни қурбон қила олмаймиз. Агар биз Худога ишониш учун Уни етарли даражада яхши билмасак, жонимизни Унга қурбон қила олмаймиз. Биз Худонинг табиатини ва хулқ-авторини билишимиз ва англашимиз керак. Бизда У ҳеч қачон бизга зарап етказиши мақсади билан бирор нарса килмаслигига ишонч бўлиши керак.

Раббий ҳар доим биз учун бизнинг фойдамизга хизмат қиласиган нарсани излайди. Агар биз имонни йўқотмасак, бизга умидн чиппакка чиқарувчи бўлиб кўринган нарсани ҳар доим бизга эзгуликка ўгиради. Худо севгидир. Унда ҳеч қандай худбинлик ва ёвузлик йўқдир. Бизни ҳалок қилишни хоҳловчи – бу шайтондир.

Биз кўпинча ўз ҳаётий вазиятларимизга хозирги вақт миёсида қараймиз ва бу ҳакикий манзарани бузиб кўрсатади. Худо эса бизнинг синовларимизга абадийлик миёсида қарайди. Агар биз ўзимизнинг вазиятларимизга чекланган манфаатимиз нуқтаи-назаридан қарасак, иккита нарса содир бўлиши мумкин:

Биринчидан, биз Худонинг тозалашидан ўта туриб, осонгина ёки Худодан, ёки Унинг хизматчиларининг биридан хафа бўлишимиз мумкин. Иккинчидан, биз осонгина душман томонидан алданиб қолишимиз мумкин. Шайтон бизни хозирги пайтда тўғри бўлиб кўринган нарсага итарида, бироқ унинг туб режаси – бизнинг қулашимиз ёки ўлишимиз учун ҳамма нарсадан фойдаланишдир. Биз Худога қаттиқ умид қилганимизда, Унинг ғамхўрлигидан

айрилмаймиз. Биз ўз-ўзимиз учун ғамхўрлик қилиш васвасасига тушмаймиз.

ХУДОНИНГ ХУЛҚ –АТВОРИГА УМИД ҚИЛИШ

Душман бизларни Худога умид қилишдан узоқлаштиришга ҳаракат қилишининг йўлларида бири- бу бизнинг Худонинг хулқ-автори ҳақидаги тушунчамизни бузиб кўрсатишдир. У буни Ҳавва билан Адан боғида: “Ростдан ҳам Худо, боғдаги ҳеч бир дараҳтидан еманглар, деб айтдими?” – деб сўраганида амалга оширди (Ибитдо 3:1). У Худонинг хулқ-авторини бузиб кўрсатиш учун Худонинг амрини бузиб кўрсатди.

Худо: “Боғнинг ҳар бир дараҳтидан бемалол еявергин. Факат яхшилик ва ёмонликни билиш дараҳтидан емагин. Чунки ундан еган куниёқ аниқ ўласан”, -деди (Ибитдо 2:16-17).

Аслида илон Ҳаввага: “Худо ҳамма яхши нарсаларни сизларга бермасдан Ўзида саклаб турибди”, -демокчи эди.

Аммо Худо мана бунга ургу берган эди: “Сен ҳамма нарсани бемалол ейишинг мумкин, фақатгина....”. Худо одамзодга роҳатланиши учун бутун боғни берди ва биттасидан ташқари барча меваларни ейишга рухсат берди.

Илон Худога нисбатан Ҳавванинг фикрини шундай сўзлар билан бузиб кўрсатди: “Худо аслида сизларга ғамхўр эмас. У қандай яхши нарсани сизларга бермасдан Ўзида тутиб турибди! У балки сиз тасаввур қилганингиздек сизни севмайди. У афтидан яхши Худо эмас!” Ҳавва алданган эди ва Худонинг хулқ-автори ҳақидаги ёлғонга ишонди. Шундан сўнг гуноҳ қилиш хоҳиши кўтарилиди, чунки Худонинг сўзи ортиқ ҳаёт сўзи эмас эди, у унинг учун қонунга

айланди. “Гунохнинг кучи – қонундир” (1Кор.15:56).

Душман бугун ҳам шундай ҳаракат қилмоқда. У Ота Худонинг хулқ-авторини Унинг болалари кўзлари ўнгидан бузиб кўрсатмоқда. Бизнинг барчамиз ўз устимиздан оталар, ўқитувчилар, бошлиқлар ёки ҳокимлар шахсида худбин ва севмайдиган маълум ҳокимиятларга эга бўлганмиз. Улар ҳокимият эгалари бўлганликлари учун уларнинг табиатларини Худонинг хулқ-автори билан таққослаш жуда осондир, чунки Худо энг чўққи ҳокимият эгасидир.

Душман бизнинг ерлик оталаримизга назаримизни бузиб, Самодаги Отамизнинг хулқ-авторини моҳирона бузиб кўрсатади. Худо Исо Масихнинг қайтиши олдидан оталарнинг юраги болаларга қаратилишини айтган (Малахи 4:6). Раббийнинг хулқ-автори ва табиати Унинг етакчиларида акс этади ва бу – шифоланишни тезлаштирувчи бўлади.

Худо ҳеч қачон сизга зиён етказиш ёки сизни ҳалок қилиш мақсади билан нимадир қилмаслигини ва У ҳаётингизда ниманидир қилса ёки қилмаса, буларнинг ҳаммаси сизнинг фойдангизга эканлигини билсангиз, шундагина сиз ўзингизни Унга ихтиёрий бағишлайсиз. Сиз қувонч билан ўз жонини Раббийга ишониб топширган одамга айланасиз.

Агар сиз ўзингизни Исо Масихга тўлиқ топширган бўлсангиз Унинг паноҳи остида бўласиз, сиз васвасага тушмайсиз ва хафа бўлмайсиз, чунки сиз ўзингизни эмассиз. Хафа бўлган ва ҳафсаласи пир бўлган одамлар – бу Исо Масихнинг олдига Унинг Кимлиги туфайли эмас, балки У уларга нима қила олиши мумкинлиги учунгина келган одамлардир.

Бизда бундай муносабат бўлганида, осонгина бизнинг ҳафсаламиз пир бўлади. Диққатни ўзимизга қаратганлик бизни узоқни кўра олмайдиган қилиб қўяди. Биз бунинг орқасидан ҳозирги

вазиятларимизга имон кўзлари билан қарай олмайдиган бўлиб қоламиз. Бизнинг ҳаётимиз ҳақиқатан Исо Масихда яширган бўлганида, биз Унинг хулқ-авторини биламиз ва Унинг қувончини бўлиша оламиз. Шунда биз тебранмаймиз ёки кемамиз ҳалокатга учрамайди.

Биз табиий вазиятларга ва шарт-шароитларга асосланган ҳолда ҳукм юритганимизда, хафа бўлиб қолишимиз жуда ҳам осон. Бу – Рухнинг кўзлари орқали қараш эмасдир. Кўпинча Худо менга мен қутган тарзда ёки мен жавоб менга айнан ҳозир керак деб ўйлаган вақтда жавоб бермайди. Аммо мен орқага, ҳар бир ўтган вазиятларимга назар ташлаганимда, ҳаммасини тушунаман ва ҳамма нарсада Унинг донолигини кўраман.

Баъзида болаларимиз уларнинг тарбиялаш учун қўлланадиган усулларни ва тарбиянинг ортидаги мантиқни тушунмайдилар. Биз барчасини тўнгич фарзандларимизга тушунтириб беришга ҳаракат қиласми, токи улар доноликдан наф топсинлар. Бироқ баъзида улар тушунмасликлари ва ҳали ғўрликлари туфайли бизнинг фикримизга қўшилмасликлари мумкин, лекин улар буни кейинчалик англаб етадилар. Баъсан қийинчиликлардан сабаб, уларнинг итоаткорликларини, севгиларини ва етукликларини синовдан ўtkазиш бўлади. Бизнинг Самовий Отамиз билан бўлган муносабатларимизда ҳам худди шундайдир. Бундай вазиятларда имон: “Гарчи мен буни тушунмасамда Сенга ишонаман”, - дейди.

Биз Ибронийликларга мактубнинг 11:35-39да уларга берилган Худо ваъдаларининг амалга ошганини кўра олмаган, бироқ шунда ҳам имонда мустаҳкам турган одамларнинг таърифини топамиз: “Бошқалари эса қутулишни қабул қилмасдан азобланган эдилар, токи аълороқ тирилишга эришсинлар. Бошқалари эса ҳақоратлару

калтакларга, зиндонлару кишанларга чидар эдилар, тошбўрон қилинган, арраланган, қийноқларга солинган, қиличдан ўтказилган эдилар. Кўй ва эчки терисига ўраниб сарсон-саргардон кезар, муҳтоҷлиқда ва қувғинда юрар, азоб-уқубат чекар эдилар. Дунё муносиб бўлмаган бу одамлар сахроларда, тогларда, ғорларда, ернинг дараларида дарбадар юрар эдилар. Уларнинг ҳаммаси имон орқали маъқулланишга эга бўлиб, *ваъда қилинганини қўлга киритмадилар*”.

Улар шундай қарор қилдилар: Улар истаган ҳамма нарса бу – Худодир ва бунинг нархи қандай бўлишининг уларга фарки йўқ! Улар ҳаттоки ваъдаларнинг амалга ошганини кўрмасдан ўлганларида ҳам Унга ишондилар. Улар хафа ҳам бўлмадилар ёки васвасага ҳам тушмадилар!

Агар биз Худога шундай кучли севгига ва ишончга эга бўлсак, биз илдиз отганмиз ва ўрнатилганмиз. Шунда ҳеч қандай бўрон, у қанчалик кучли бўлмасин, бизни ҳеч қачон ларзага сола олмайди. Бундай қобилият кучли иродадан ёки шахсадан келиб чиқмайди. Бу ўз умидини Худога боғлаб, ўзига бўлган умиддан воз кечганларнинг барчаси учун иноят инъомидир. Бироқ ҳаётни Худога бутунлай бағишлиш учун, сизнинг ҳаётингизни Ўз қўлларида ушлаб турган Зотни билишингиз лозим.

ИНОЯТ КАМТАРЛАРГА БЕРИЛАДИ

Шимён Петъор ўзининг улуғлиги билан ортиқ мақтана олмади. У ўзининг ўз-ўзига ишониш хулқ-авторидан фориг бўлди. У ўз иродасининг кучи беҳудалигини ниҳоятда аник кўрди. У ўзини камтар қилди. Энди у Худонинг иноятини олиш учун бенуқсон номзодга айланди. Худо Ўз иноятини камтарларга беради.

Камтаринлик – бунинг учун зарур бўлган талаб ҳисобланади. Бу дарс Петъор ўз мактубида: “Ҳаммангиз эса камтарликка бурканинглар, чунки Худо мағурларга қаршилик қиласди, камтарларга эса иноят беради”, - деб ёзганида, бу унинг онгида муҳрланган эди (1Пет.5:5).

Петъор тўлиқ умидсизликкача етиб боришига озгина қолган эди. Биз бу ҳақда қабр ёнида Раббийнинг фариштаси магдадалик Марямга айтган сўзлардан билиб оламиз: “Шунинг учун боринглар, Унинг шогирдларига ва Петъорга У сизларни Галилеяда кутаётганини айтинглар. У сизларга айтганидек ўша ерда уни кўрасизлар” (Марк 16:7). Фаришта Петъорни алоҳида тилга олди. Петъор синиш арафасида эди, бироқ Худо томонидан унда пойдевор солинган эди. У ларзадан вайрон бўлмади, балки янада мустаҳкамланди.

Исо Масих нафақат Петъорни кечирди, балки уни қайта тиклади. Энди, “ларзага солинган” бўлиб, у жамоатнинг марказий шахсларидан бири бўлишга тайёр эди. Петъор Исо Масиҳнинг хочга михланишида айбдор бўлганларнинг қаршисида Унинг тирилишини мардларча эълон қилди. У энди фақатгина хизматкор қиз билан эмас, балки синедриондагилар билан юзма-юз дуч келишга ҳам тайёр эди. У уларнинг қаршисида буюк ҳокимият ва жасорат билан туради.

Тарихнинг ҳикоя қилишига кўра, Петъор узоқ йиллик содик хизматидан сўнг боши пастга қилиб хочга михланган. У Раббийси ўлган ўлим билан ўлишга лойиқ эмаслигини айтиб қаттиқ туриб олган, шунинг учун уни бошини пастга қилиб хочга михлаганлар. У ортиқ кўркмади. У Қоянинг мустаҳкам асосига қўйилган тошга айланган эди.

Ҳаёт синовлари юрагингиздаги ҳақиқатни очиб беради ва кўрсатади: унда Худога ёки бошқаларга нисбатан хафалик борми?

Синовлар сизни ёки Худога ва бошқаларга нисбатан дарғазаб, ёки янада кучлироқ одам қиласы. Агар сиз синовлардан ўтсангиз, сизни ва келажагингизни янада мустахкамроқ қилиб, илдизингиз янада чуқурроқ киради. Синовлардан ўтмасдан туриб, сиз имоннинг йўқолишига олиб келиши мумкин бўлган хафа одамга айланишингиз мумкин.

РАББИЙ, МЕН СЕНГА ХИЗМАТ ҚИЛДИМ, НИМА УЧУН...?

Мен чўпон бўлганимда, ёшлар гуруҳимизда дўстлари ва жамоатнинг етакчилари ҳурмат қилган жуда қобилиятли ўн тўрт ёшли бир бола бор эди. У омадли, ажойиб ўқувчи эди. Худонинг барча нарсаларига раشكли бўлганлиги учун, у ихтиёрий равишда ҳар бир масиҳий лойиҳага киришиб кетар эди. Баъзида у биз билан бирга миссионерлик сафарларига чиқар ва деярли ҳар бир учратган кишисига гувоҳлик берар эди.

Ҳаётининг бир даврида у ҳар куни тўрт соатдан ибодат қилди. У Раббийдан кўп вахийлар олар ва уларни бошқалар билан бўлишар эди. Унинг бўлишганлари ҳар доим дуо-барака бўлар эди. У хизматдаги ўзининг даъватини англаб етди ва ўн тўрт ёшга тўлганида ва тебранмас қоя бўлиб кўринганида, чўпон бўлишни хоҳлади.

Мен бу ёш йигитни яхши кўрап, Худонинг мойланиши унда эканлигини тан олар ва у учун вақтимни аямас эдим. Фақатгина бир нарса мени безовта қиласы: у ниҳоятда ўзига ишонадигандек кўринар эди. Мен унга бу ҳақда айтишни хоҳладим, лекин ҳали вақти келмаган эди. У бир қанча кучли бўронларни бошидан ўтказди,

бирок мустаҳкам туришда давом этди. Мен унинг шафқатсиз синовларни ўтказганлигига қараб туриб, баъзида балки мен унга ноҳақдирман деб шубҳаланар эдим.

Бир неча йиллар ўтди. У бошқа жойга кўчиб ўтди, мен эса жуда кўп сафарларда бўлдим. Бироқ биз алоқани тутиб турар эдик. У тубдан ўзгариш ва синиш жараёнидан ўтаётганини ҳис қилдим. Бу содир бўлиши керак эди, бироқ бу қандай бўлишидан мутлақо хабарим йўқ эди. У ўз вазифасини бажариши учун синовдан ўтиши керак эканлигини билар эдим. Бу жараённинг содир бўлиши Шимён Петъорнинг элақдан ўтказилишига ўхашаш бўлиши керак эди. Бу ўспирин ўн саккиз ёшга тўлганида, унинг отаси саратон хасталигининг даволаб бўлмайдиган тури билан бетоб бўлиб қолди. У онаси билан бирга отаси шифо топишига ишониб, рўза тутиб, ибодат қилди. Уларнинг ибодатига бошқа имонлилар ҳам кўшилдилар. Унинг отаси бор-йўғи бир неча ой илгари ўз ҳаётини Исо Масиҳга бағишилаган эди.

Отасининг аҳволи оғирлашди. Хотиним мен бу йигит билан тезда алоқага чиқишимни сўраб менга қўнғироқ қилганида, мен Алабаманинг бир шаҳрида хизматда эдим. Мен унга қўнғироқ қилдим ва у кимдир унга далда беришига ва юпатишига муҳтож эканлигини тушундим.

Хизматдан сўнг мен бутун тун машинада юриб, тонгти тўртда унинг уйига етиб келдим. Отаси шундай оғир аҳволда эдики, шифокорлар унинг бир неча кун яшашини айтган эдилар. У энди гаплаша олмас эди. Йигитнинг эса унинг отаси соғайиб кетишига ишончи комил эди. Мен бу оиласа ҳафсала билан хизмат қилдим ва бир неча соатдан сўнг кетдим. Эртаси куни эрталаб бизга қўнғироқ қилиб, отасининг аҳволи оғирлашаётганини айтишди.

Биз Лиза билан дарҳол ибодат қилишга киришдик. Биз ибодат қилаётганимизда, Худо хотинимга берган ваҳийда касал одамни Ўзининг олдига, самога олиб кетиш учун унинг тӯшагининг ёнида турган Исо Масихни кўрди. Ўттиз дақиқадан сўнг, бу ёш йигит менга қўнғироқ қилиб, отаси вафот этганини айтди. У худди аввалгидек тебранмас бўлиб қолган каби кўринди. Бироқ бу фақатгина бошланиши эди. Ўша куни кечқурун отаси вафот этганлигини айтиш учун дўстларидан бирига қўнғироқ қилди. Дастанки кўтарғанларида у ердан йифи овози эшитилди. У ҳайрон қолди. Наҳотки улар аллақачон отасининг ўлимни ҳакида билсалар? Бироқ улар бошқа сабабдан йиглар эдилар. Ҳозиргина автоҳалокатда унинг яқин дўстларидан бири ҳалоқ бўлган эди. У бир кунда отасини ва унинг учун қадрли бўлган дўстини йўқотди. Синовлар бошланди. У ҳайратда, парокандаликда ва мурдадек қотиб қолган эди. Худонинг ҳузури уни ташлаб кетгандек туюлар эди.

Бир ойдан сўнг, у машинада уйига қайтаётганида, автоҳалокат жойига келиб қолди. У тез ёрдам кўрсатиш дарсини олган эди, шунинг учун тўхтади. Тўқнашган машиналарнинг иккала ҳайдовчиси ҳам унинг яқин дўстлари эди. У уларга ёрдам беришга уринаётганида, уларнинг иккаласи ҳам унинг қўлида вафот этди.

Менинг ёш дўстим ўз инсоний имкониятлари чегарасига етиб келди. У ибодат қилиб ва Худога: “Сен қаердасан? Сен менинг Юпатувчим бўлишингни айтган эдинг менда эса ҳеч қандай юпанч йўқ!”- дея ёлвориб, уч соатни ўрмонда ўтказди.

Худди Худодан жаҳли чиқди. Нима учун У буларнинг барчаси содир бўлишига рухсат берди? Унинг чўпондан, оиласидан ёки

мендан жаҳли чиқмади. У Худодан хафа бўлди ва жаҳли чиқди. У умидсизлик томонидан ютиб юборилган эди. Худо унинг кучли мухтоҷлик онларида унга пад берди.

“Раббий, мен Сенга хизмат қилдим ва бунинг учун кўп нарсадан воз кечдим”, - ибодат қиласи эди у, - энди эса Сен мени ташлаб кетдинг!” У Худога хизмат қилиш учун тарқ этган нарсалар эвазига У унга нимадир қилиши шарт деб хисоблар эди.

Кўпчилик одамлар бундан кўра камроқ жароҳатларни ва кўнгил совиши бошдан кечирганлар, баъзилари эса бундан ортиқроқ. Кўплар Худодан хафа бўлганлар. Улар Худо учун қилганларини У хисобга олиб қўйиши шарт деб хисобладилар.

Уларнинг Худога хизмат қилишларининг сабаби нотўғри бўлган. Биз Раббийга У нимадир қила олишидан кўра кўпроқ, Унинг кимлиги ва У аллақачон бизлар учун нима қилганлиги учун хизмат қилишимиз керак. Хафа бўладиган одамлар уларнинг озод бўлиши учун У аллақачон қанчалик буюк баҳони тўлаганини англаб етмайдилар. Улар қандай ўлимдан нажот топганликларини унутиб қўйишган. Одамлар абадийлик кўзлари билан қарашнинг ўрнига дунёвий кўзлари билан қарайдилар.

Бу йигит жамоатга боришни тўхтатди ва нотўғри одамлар билан барларда ўтириб, уларнинг нопок кечаларида қатнашиб, улар билан дўстлашди. У кўнгли қолганидан Худо билан ҳеч қандай умунийликка эга бўлишни хоҳламади ва У билан бўлган алоқалардан қочди.

У бу тарзда икки ҳафтадан ортиқроқ вақт яшай олмади, зеро юраги уни фош қилган эди. Бироқ у аввалгидай Раббийга яқинлашишни олти ойча рад этди. Шундан кейин ҳам осмон мис каби қаттиқ эди. Худди Худонинг ҳузури ҳеч қаерда йўқдек бўлиб қолган эди.

Тахминан бир йил ўтди ва у Худо унинг учун аввалгидай ғамхўрлик қилаётганини кўрди. Ёш йигит Худога яна яқинлашишни бошлади, лекин умуман бошқача тарзда яқинлашди. У Унинг олдига итоатда келди. Синов вақтлари тугаганидан сўнг, Раббий уни ҳеч қачон ташлаб кетмаганини унга қўрсатди. Унинг руҳий ҳаракати тикланганида, у ўзининг кучлилига эмас, Худонинг иноятига умид қилишни ўрганди.

Мен кейинчалик ҳам у билан алоқада бўлдим. У ярим йилдан сўнг менга аввал ҳеч қачон ҳаёлига ҳам келтирмаган нарсани ўзида кўрганини айтди: “Мен ҳарактерга эга бўлмаган одам бўлганман, менинг барча муносабатларим юзаки эди. Отам мени тарбиялаб, ташқи томондан кучли ва ўзига ишонувчан бўлишга ўргатган. Мен ҳеч қачон Худо мени кўришни хоҳлаган тасвирга ўзгара олмас эдим. Раббий шундай ҳолатимда мени ташлаб кетмаганлиги учун Ундан миннатдорман.

Бироқ юрагимни кўпроқ сиёҳ қилган нарса, бу мен барларда юрганим ва спиртли ичимлик ичганим эмас, аммо Муқаддас Рухга орқамни бурганимдир. Мен уни жуда севаман. Менинг У билан муносабатларим аввал ҳеч қачон ҳозиргидек ажойиб эмас эди”.

Унинг ҳаётида кўпгина ларзага солишлар содир бўлди. Ўзига бўлган ишонч йўқ қилинди. Бу йигит Петъор эга бўлган пойдеворга эга эди ва буни ҳеч ким ундан тортиб ола олмайди. У ўз ҳаётини ва хизматини мағрурликнинг устига эмас, балки уни энди Худонинг иноятида қурмоқда.

Васвасалар ва хафаликлар ҳаётимиздаги заиф ва мўрт жойларни очиб беради. Кўпинча биз ўзимизни кучли деб хисоблаган жойимиз, бизнинг яширин, заиф жойимиз бўлиб чиқади. Кучли бўронлар ундан ёпингичини олиб ташламагунича, у яширин

бўлиб қолаверади. Ҳаворий Повул ёзган: “Зеро биз – рух билан Худога хизмат қилаётган, Исо Масих билан мақтанаётган, танавий фазилатларимизга таянмаётган хатнамиз. (Филип 3:3).

Биз ўзимизнинг кучимиз билан абадий аҳамиятга эга бўлган хеч бир ишни қила олмаймиз. Буни айтиш осон, аммо бу ҳақиқатни ўз борлиғимизга чукурроқ илдиз отишига рухсат бериш – бу умуман бошқа нарсадир.

ИСО МАСИХ ОДАМЛАР ХАФА БЎЛМАСЛИКЛАРИ УЧУНГИНА ХАҚИҚАТДАН КЕЧМАС ЭДИ.

Сизнинг “Шайтоннинг хўраги” китобингиз, ҳақиқатан менинг кўзларимни очди. Мен ва менинг турмуш ўртоғим хизматчилармиз ва мен Раббий билан муносабатларим аъло даражада деган фикрда эдим. “Шайтоннинг хўраги” мендаги аммамга нисбатан бўлган ўн беш йиллик хафалигим менинг тақдиримда ҳамма нарсани белгилашини очди. Бизлар масиҳийлар сифатида доимо кечиришга ўргатилганмиз, лекин токи сизнинг китобингиз менинг ўтмишимдаги ярамга юзимни қаратмагунича, бу амрни юрагимга қабул қилган эмас эдим.

-Р. М., ТЕННЕСИ

Шайтоннинг хўраги китоби- одамларни Худонинг иродасидан чиқариш учун шайтон ишлатадиган энг алдамчи тузоклардан бирини очиб беради, бу хафаликдир. Шайтоннинг бу хўраги билан тузоққа илингган кўплаб одамларнинг ўзлари буни ҳатто билишмайди.

Алданиб қолманг. Сиз хафаликка дуч келасиз, лекин бу сизнинг Худо билан муносабатларингизга қандай таъсир қилиши сизга боғлиқ. Сизнинг жавобингиз сизнинг келажагингизни белгилайди. Агар хафаликка тўғри ёндашилса, сиз натижада аламзада эмас, балки кучли бўласиз.

Жон Бивер, ўзининг мазкур оммабоп китобининг чоп этилишининг ўн йиллигига, сизга қандай килиб хафаликдан озод туриш ва қурбонлик дунёкарашидан қутилиш йўлини кўрсатади. 400,000 нусхадан ортиқ чоп этилган мазкур китоб, илгари чоп этилган шу китобни ўқиб хаётлари ўзгарган одамларнинг гувоҳликларини, иловани, шу мавзуга оид мунозара саволлари, Муқаддас Ёзувдан оятлар ва ибодатларни ўз ичига олади.

Сиз қўйидаги қийин саволларга жавоб топасиз:

- Нима учун содир бўлган воқеада “ўз кечинмаларим”ни айтиб бергим келади?
- Шубҳаланиш ва ишонмаслик фикрларидан қандай қутулишим мумкин?
- Қандай килиб ўтган яраларни қайта эслашни тўхтатиш имконим кимдир мени қаттиқ хафа қилганидан сўнг, қандай килиб мен унга қайта ишонишни эришишим мумкин?



Жон Бивер одамларнинг Худо билан чукур шахсий муносабатда бўлишлари ва абадий истиқбол асирилигига бўлишлари учун ёнади. У халқаро оммабоп китоблар муаллифи, мукофотларга сазовор бўлган ўкув материаллари муаллифидир. У яна конференция ва жамоатларда воизлиқ киласди, 216та халқларда намойиш этиладиган: The Messenger (Хабарчи) теливизион дастурининг хамкор- эгасидир. У ва унинг оммабоп китоблар муаллифи бўлмиш хотини Лиза “Мессенджер интернейшнл” дастурига 1990йилда асос солдилар. Унинг оффислари хозирги кунда Австралиянинг Колорадо штатида хамда Буюк Британиядадир. Улар тўрт фарзандлари билан Колорадо Спрингсда истиқомат қилишади.

Мазкур китоб сотиш учун эмас, у муаллифдан совға.

Мазкур ва бошқа манбаъларни қўйидаги
манзилдан юклаб олингиз мумкин:
www.CloudLibrary.org
www.MessengerInternational.org

Facebook ва Twitter да эргашинг:

Messenger International.
teach reach rescue
www.messengerintl.org